

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Жўраев Абдуғаффор Сафарович
Артиков Неъматулла Абдусаламович

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Касб-ҳунар коллежлари учун
ўқув қўлланма

Тошкент - 2012

Такризчилар:

Тошкент молия институти “Солиқлар ва суғурта иши” факультети декан муовини
и.ф.н., доц. Ғ.Сафаров

Тошкент молия институти “Суғурта иши” кафедраси доценти и.ф.н., С.Ширинов

Солиқ ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланма / Жўраев Абдуғаффор Сафарович, Артиков
Неъматулла Абдусаламович – Т.: Тошкент молия институти, 2012. – б.

Солиқлар натижасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар мамлакат молия тизимининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув қўлланмада «Солиқ ҳуқуқи асослари» фанининг предмети ва вазифалари, солиқ муносабатларининг таркиби, солиқ ҳуқуқининг асосий тушунчалари, солиқ ҳуқуқига оид қарашлар, солиқ муносабатларининг ҳуқуқий унсурлари, солиқ ҳуқуқи асослари борасидаги муаммолар ва унга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик турлари, солиқ органларининг ҳуқуқий фаолиятлари, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳамда халқаро ҳамкорлик доирасида солиқ ҳуқуқи борасидаги алоқаларнинг моҳияти кенг ёритилган. Ўқув қўлланма аввало, касб-ҳунар коллежлари талабалари, ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, билим соҳасининг ҳамма йўналишлари, мутахассисликлари ҳамда барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Мундарижа

	Кириш	
1- БОБ.	СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРКИБИДАГИ ЎРНИ	
1.1	Солиқ ва солиққа тортишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар.....	7
1.2.	Солиқ ҳуқуқи асосларининг предмети ва вазифалари.....	12
1.3.	Солиқлар ва солиқ қонунчилигининг шаклланиш босқичлари.....	20
1.4.	Солиқда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, солиқ қонунларининг бузилиши.....	28
2- БОБ.	СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ	
2.1.	Солиқ маъмурияти органлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	33
2.2.	Қонунчилик асосларига кўра солиққа тортилувчи субъектлар, уларнинг вакиллариининг таркиби ҳамда гуруҳлари.....	48
2.3.	Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида солиқ масалалари.....	55
2.4.	Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмурияти органлари ва уларнинг бошқа маъмурий органлар билан баҳамжиҳат ҳаракати.	62
2.5.	Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини ундиришда солиқ идораларининг вазифаларини белгилаш омиллари..	75
3- БОБ.	Қонунчилик ва меъёрий тартиблаш ҳужжатларидаги солиққа оид ҳукмлар	
3.1.	Давлат божини ундиришда амал қилинадиган қоида ва меъёрлар.....	

3.2.	Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик.....
3.3.	Солиққа тортиш масалаларидаги келишмовчиликларни судгача бартараф қилиш тартиби.....
3.4.	Солиқ қонунчилиги тизимида молиявий ва маъмурий жазо чоралари.....
4- БОБ.	Глобаллашув жараёнида солиқ қонунчилиги соҳасидаги халқаро ҳамкорлик .
4.1.	Халқаро иқтисодий муносабатларда солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....
4.2.	Давлатлараро ҳамкорлик доирасида солиққа тортишни мувофиқлаштириш ва соддалаштириш.....
4.3.	Солиқ ҳуқуқининг халқаро жиҳатлари, халқаро солиқ рақобати.....
4.4.	Хорижий мамлакатларда солиқ назоратининг амалий ҳолати.....
	Тест топшириқлари.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида, дунё ҳамжамиятида муносиб мавқе ва мақомга эга бўлиш шижоатига хос бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”¹ деб таъкидладилар. Шунингдек, мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш, узок муддатли стратегик мақсадларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар, замонавий юксак технологияларга асосланган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш асосий устувор йўналишлардан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган самарали солиқ сиёсати солиқ тўловчи субъектларнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга, ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилишга ҳамда бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қўлингиздаги ўқув қўлланмани ҳам мана шундай ишлар денгизининг бир томчиси сифатида кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда солиқ тизими давлатимиз ривожланишининг барча босқичларида бюджетга зарур молиявий ресурсларнинг келиб тушиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича ўз олдида турган вазифаларни бажариб келмоқда.

Солиқ тизимида кадрлар сиёсати такомиллаштирилмоқда. Унинг асосига молия-иқтисод йўналишида мутахассисларни сифатли тайёрлаш, юқори ижро интизоми, касб этикасига риоя қилиш, ватанпарварлик бурчига садоқатли бўлишдек эзгу ниятлар қўйилган.

Солиқ органларига давлат хазинасини қонуний йўл билан бойитадиган юқори малакали ходимлар керак. Солиқ ходимларидан молия масалаларида юқори малака, бухгалтерия ҳисобини пухта билиш, солиққа доир қонунларни эгаллаш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва масъулиятларини, шунингдек солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиш талаб

¹ Каримов И.А Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: 2011.

килинади. Малакали солиқ кадрларини тайёрлаш узоқ муддатли мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг муваффақиятли якунланиши солиқ тизими таълим жараёнига юқори самарадорликка эга бўлган технологияларни қўллашни талаб этади.

Республикамиз Президенти И. Каримов кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошишида жавобгар кишилар олдидаги вазифаларни белгилаб берар экан, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эдилар: «Янги дарсликларни замонавий педагогик ва ахборот теънологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назоратга олиш зарур». Мазкур ўқув қўлланма ҳам мана шу вазифаларни бажариш асосида юзага келди.

Ўқув қўлланманинг биринчи бобида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таркибида солиқ муносабатларининг аҳамияти, солиқда ҳуқуқий муносабатлар, солиқлар ва солиқ қонунчилигининг шаклланиш босқичлари, солиқда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги ва солиқнинг ҳуқуқий тамойиллари масалалари ёритилган.

Солиқ идоралари маъмурий бошқарувининг қонуний асослари қаламга олинган иккинчи бобда солиқ маъмурияти органлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик асосларига кўра солиққа тортилувчи субъектлар, уларнинг вакилларининг таркиби ҳамда гуруҳлари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида солиқ масалалари, Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмурияти органларини баён қилувчи мавзулар эътиборга олинган.

Учинчи бобда Қонунчилик ва меъёрий тартиблаш ҳужжатларидаги солиққа оид ҳукмларни ўрганиш, қуйидаги мавзуларни мазмунан очиб бериш орқали амалга оширилган:

-солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик; - солиққа тортиш масалаларидаги келишмовчиликларни судгача бартараф қилиш тартиби; -солиқ қонунчилиги тизимида молиявий ва маъмурий жазо чоралари.

Якунловчи боб «Глобаллашув жараёнида солиқ қонунчилиги соҳасидаги халқаро ҳамкорлик», деб номланиб, дунё мамлакатларининг иқтисодий ҳаётида глобаллашув жараёни кетаётган шу кунларда муҳим ҳисобланган халқаро муносабатлар таркибида солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, давлатлараро ҳамкорлик доирасида солиққа тортишни мувофиқлаштириш ва

соддалаштириш, солиқ ҳуқуқининг, ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан бўлган муносабати масалаларига бағишланган.

Мазкур ўқув қўлланма аввало, касб-хунар коллежлари талабалари шунингдек ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ билим соҳасидаги тайёрлов йўналиши солиқ ва солиққа тортиш, касби солиқ инспектори бўлган ҳамда таълим соҳасининг тегишли йўналишлари, мутахассисликлари талабаларига ҳамда солиқларнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

II БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРКИБИДАГИ ЎРНИ

1.1. Солиқ ва солиққа тортишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат иқтисодиётини модернизация ва ислоҳ қилиш, турли соҳалар фаолиятини комплекс тарзда мувофиқлаштиришни тақазо этади. Чунки соҳалар ўзига хос хусусиятлар касб этган ҳолда, ўзаро боғлиқликда яхлит тизимни ташкил этади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган бўлиб, иқтисодий барқарорликни, фуқаролар ва иқтисодиёт субъектларининг фаолиятлари учун демократик тамойилларга асосланган эркин шарт-шароитларни таъминлаб бериши лозим.

Солиққа оид қонунларни ишлаб чиқиш жараёни. 1.1-чизма.

маълум ҳуқуқий институтлар ва тушунчалар ётади, уларни эътиборга олмаслик солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини келтириб чиқаради, солиқ йиғимларидан келиб тушадиган маблағларнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Солиқнинг маъмурийлаштириш ташкилий - ҳуқуқий унсурларининг мувозанатлашувига, назоратнинг шакл ва услубларига ҳам катта эътибор қаратилади. Солиқ институтларининг юзага келиши давлат ва бозор инфратузилмаси мавжудлиги ҳамда уларнинг ишлаши билан боғлиқ объектив зарурият натижасидир. Агар собиқ режали тақсимот тизими доираларида корхоналар фойдасининг турли ишлаб чиқариш фондларини шакллантиришдан қолган қисми бюджетга ўтказилган бўлса, бозор иқтисодиёти солиқ муносабатларининг аҳамиятлилигини ҳокимият органларини молиявий маблағлар билан таъминлаш усули сифатида, иқтисодий жараёнларга тараққий этган давлатнинг таъсир кўрсатувчи муҳим унсури сифатида белгилаб берди. Давлат билан солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахслар ўртасида солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи янги ҳуқуқий тизим яратилди. 1.1.1 - чизма.



Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш услуги ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан

узвий боғлиқ, чунки тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Солиқлар қадимги дунёда ҳам олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод – эркин бўлмаган кишиларга хос белгилардан бири бўлиб хизмат қилган. Н.И.Тургенев шуни таъкидлайдики, «билим мувафакқиятлари уларнинг халқлар урф – одатларига фойдалилик даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди. ...Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиши усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин; бу билимлилик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятлардир».

Солиқлар ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамиятнинг демократлашуви, ҳуқуқий давлат ғояси билан боғлиқдир. Солиқ солиш ҳуқуқий табиат нуқтаи – назаридан ижтимоий ишлаб чиқариш билан давлат ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солиш, уларни муайян доирага киритиш чора – тадбиридир. Солиқ ҳуқуқининг асосий вазифаси мулкчилик ҳуқуқини давлатнинг ноқонунӣ ва чекланмаган даъво, талабларидан ҳимоялаш, солиқ тўловчи билан давлат манфаатлари мувозанатини сақлаб туришдир.

Солиқларнинг ҳуқуқий табиатига парламентнинг солиқни тасдиқлаш ҳуқуқи ва халқнинг солиқ тўлаш учун рози бўлиш ҳуқуқи сифатида қаралиши лозим.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, солиқнинг ундирилиши бутун халқнинг вакили сифатида парламент билан келишилади, лекин ҳар бир алоҳида шахс билан келишилмайди. Одамлар жамиятга бирлашиб ва ҳукуматга олий ҳокимиятни топшириш билан бирга унга солиқ талаб қилиш ҳуқуқини ҳам топширишди. Кўпгина давлатларда солиқнинг киритилиши халқ вакилларининг розилиги билан амалга оширилади. Бироқ бунда шу нарса ҳаққонӣ қайд этилганки, ҳукумат давлатнинг ҳақиқий эҳтиёжларини қондириш учун қанча керак бўлса шунча миқдорда олиши керак, лекин халқ қанча беришга қодир бўлган миқдорда эмас, мана шуларни ҳисобга олиб солиқни оптимал даражада белгилаш лозим.

Бошқа хусусиятлари қуйидагилардан иборат: солиқ солиш механизмидан давлат томонидан мажбур этиш, ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида фойдаланилади. Кўпгина мамлакатларда солиқ солиш тўғрисидаги масалаларининг референдум йўли билан ҳал этилиши конституция орқали тақиқланган.

Масалан, Дания давлатининг 1953 йилги Конституцияси 42-параграфининг 6-қисмига биноан турли хилдаги молиявий бюджет муаммолари референдум предмети бўла олмайди; ўзини - ўзи бошқариш тўғрисидаги 1990 йил ЛХВ қонунига мувофиқ маҳаллий бюджет ва маҳаллий солиқлар тўғрисидаги масалалар Венгрияда ҳам референдумга киритилиши мумкин эмас; Руминия Конституциясининг 73-моддаси 2-қисмига мувофиқ «фискал муаммолар фуқороларнинг қонунчилик ташаббуси предмети ташкил эта олмайди».; 1978 йилги Испания Конституцияси ҳам солиқ масалалари бўйича бундай ташаббуснинг қўлланилишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида келтирилишича солиқлар деганда солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда солиқ кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божлари тушунилади. Солиқнинг асосий юридик белгиси – уни белгилашнинг бир томонламалик хусусиятидир; унинг бошқа белгилари: солиқ яқка тарзда мажбурий, мунтазам, беғараз, бюджетга йўналтирилганлиги, қайтариб бермаслик шартлари билан ундириб олиниши кабилардир.

Солиққа тортишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабат қарз ва қарздор муносабатидир. Қарз ва қарздор муносабатининг юзага келиши учун тараф мавжуд бўлиши керак. Солиқ муносабатларида бу тарафлардан бири солиқ ундирувчи ва иккинчиси эса солиқ тўловчидир. Солиқ муносабатларининг иштирокчилари бўлган ҳар иккала тарафнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун томонидан белгиланади.

Солиқ ундирувчи – қонун томонидан солиқ ундириш ваколати берилган маъмурий ташкилотларга солиқ ундирувчи дейилади. Бу ваколат бир мамлакатда устунлик ҳақиқага эга бўлган, бошқача қилиб айтганда,

мамлакатда фуқаролар ва мол-мулк устидан ўз ваколатини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган, ижтимоий органга оиддир.

Солиқ ундиришнинг асоси давлатнинг қонун ёрдамида фуқароларнинг солиққа тортиш ҳуқуқига асосланганидан солиқ ундирувчи давлат ёки унинг томонидан ваколат берилган ижтимоий ташкилотлардир.

Ўзбекистон каби марказий давлатларда солиққа тортиш ҳуқуқи фақатгина давлатга оиддир. АҚШ ёки Швеция каби федерал давлатларда бу ҳуқуқ марказий федерал давлат билан федерал ҳокимиятларга оид эканлиги давлатлар конституцияларида кўрсатиб ўтилган. Бу тур давлатларда федерал давлат билан федерация аъзолари ўртасида алоҳида солиқларни ўз ичига олувчи солиқ соҳалари белгиланган. Марказий давлатларда давлат ўзининг солиққа тортиш ҳуқуқини баъзи ҳолларда маҳаллий идораларга бериши мумкин. Масалан, Конституциямизнинг 100-моддасида шундай дейилади: «Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:..... маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; ...».

Солиқ тўловчи – солиқ тўловчилар юзасидан қарздорлик нуқтаи-назаридан солиқ ундурувчи қаршисида солиқ тўловчи туради.

Солиқ кодексининг 13-моддасига мувофиқ солиқ қонунчилигида солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва солиқ тўловчининг вакиллари деган тушунчалар ҳам мавжуд. Солиқ тўловчилар солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

Солиқ агентлари солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

Меъёрий ҳужжатларда «солиқ тўловчи» тушунчасининг қўлланилиши унинг «солиқ агенти», «солиқ тўловчининг вакили» маъносида ҳам ишлатилишини назарда тутди.

Солиқ тўловчилардан ташқари амалиётда ваколатли органлар тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб уларга қуйидагилар тааллуқлидир:

1) давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

Ўз - ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ тўловчининг вакиллари деб кимлар ҳисобланади.
2. Солиқ амалиётида ваколатли органлар тушунчаси нимани англатади.
3. Солиққа тортиш ҳуқуқи фақатгина давлатга оидми.
4. Солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар давлат билан кимлар ўртасида амалга ошади.
5. Солиққа оид қонунларни ишлаб чиқишдаги асосий тамойиллар нималардан иборат.

1.2. Солиқ ҳуқуқи асосларининг предмети ва вазифалари.

Солиқ муносабатлари давлатнинг бажарадиган вазифа ва фаолияти амалий жараёнининг ибтидосини ташкил этади. Чунки, ҳар қандай устқуртма муайян иқтисодий базисдан озикланади. Ўз навбатида, базиснинг фундаментал асосини яратувчи омиллар, айти пайтда унинг қисматини ҳам белгилайди. Мазкур таъкиддан келиб чиқиб, ана шу базиснинг оқилона асосини шакллантирувчи солиқ ҳамда унинг тизимини жамият тарихи тараққиётида тутган ролини кўздан кечирадиган бўлсак, ўзига хос дастак эканлигини илғаш қийин эмас.

Чунки, ҳар қандай жамият ўзининг хусусияти ва табиатига кўра, бу жараёнга ҳамоҳангдир. Ҳоят маъсулиятли, ўз навбатида ўта юқори даражадаги эҳтиёжни ўзида ифодалаган солиқларнинг ўзига хос ривожланиши натижасида уларнинг жамият тараққиётида янги қирралари, имкониятлари ортиб бори. 1.2.1-чизма.

Ўзбекистон Республикасида солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг асослари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Сайловлар тегишли органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади



Амалиётда ва умуман иқтисодий фанда солиқларнинг моҳиятига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Шу сабабли, ушбу категориядан ҳар бир давлат томонидан ўзига хос тарзда фойдаланилади.

Давлат аста секин ривожланиб бориши билан, унинг функциялари ҳам мувофиқ равишда кенгайиб боради. Бу эса, солиқларга нисбатан қўйиладиган талабнинг кучайишига олиб келади. Шу сабабли, солиқ тизими тобора мураккаб ва кўп қиррали бўлиб боради. Кишилиқ жамияти ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, давлат маъмурий бошқарув билан шуғулланган ҳолларда, унинг эҳтиёжлари маълум даражада сақланиб қолади, давлатнинг иқтисодий бошқариш мажбурияти пайдо бўлса, унинг харажатлари ва аҳолидан олинадиган тушумлари кўпаяди. Бундай ҳолатда, солиқларнинг шакллари хилмахиллашиб боради.

Ҳар қандай фан ўзининг предметиға эға, яъни изланиш объектиға эға бўлади. Масалан, технология фанининг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик фани учун машиналар механизми характеристикаси бўлса, Солиқ ҳуқуқи асослари фанининг предмети солиққа оид муносабатларни (ҳаракатини) ўрганишдир. Демак, Солиқ ҳуқуқи асослари фанининг предмети - бу солиқ тўловчиларнинг мажбурий тўловлар бўйича давлат бюджети билан иқтисодий муносабатларга киришишидан юзага келадиган муносабатлар жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларининг назарий

жиҳатларини ўрганишдан иборат. Ушбу келтирилган таърифдан кўришимиз мумкинки, фан ўз предметини ўрганишда турли усулларнинг ўзаро алоқасининг назарий жиҳатларини ўрганар экан. Жумладан, солиқ тўловчилар ва уни ўзлаштирувчи, давлат бюджети, мажбурий тўловлар, молиявий муносабатлар каби элементларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларга киришиш жараёнларининг ҳуқуқий жиҳатлари, қирралари кенг кўламда ўрганилади.

Фаннинг моҳияти шу ўртадаги ҳуқуқий муносабатни яъни солиқ тўловчи билан давлат ўртасидаги муносабатни чуқур ўрганиш, солиқ муносабатларида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборга олиш, улар ўртасидаги мувозанатни сақлаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда, томонлар адолатлик тамойилига амал қилиш зарур. Тушунарлироқ қилиб айтилса, бюджетга солиқларни олишда солиқ тўловчилар бўйнига ортиқча оғирлик осмаслик, уларни ўз ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслик, уларнинг дастурлари ва режаларини тез-тез ўзгартиришга олиб бормаслик ва ҳоказоларга эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади.

Фаннинг предметини чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солиқ объектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни солиқ субъектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади.

Демак, Солиқ ҳуқуқи асослари фанини чуқур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин. Давлатчилик шаклларида бири солиқ қонунчилиги тизимининг мавжудлигидир. Ҳар бир давлат ўзининг ташкилий, ички функцияларини молиявий сармоялар асосида бажаради. Қадимий Греция, Рим давлатларида ҳам ўзига хос солиқ тизимлари мавжуд бўлган. Йиғилган хосилдан, чорвадан ундан бир қисми жамоа эҳтиёжи учун ажратилган. Ушбу «тўловлар» умумхалқ байрамлари ташкил қилинганда, қуролли кучларни таъминлашда ишлатилиб келинган. Файласуф Агриппа ўз асарларида қуйидагиларни ёзган эди; «Ҳар бир давлатга, унинг шаклига қарамай –

демакратиями, монархиями унга пул манбалари керак. Молиявий сармоялар эса солиқлар орқали йиғилади». Белгиланган тўловларни тўламаган фуқароларга нисбатан жазо қўлланилади. Қонунбузарлар масалан, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Мустақилликка қадам қўйилиб бозор муносабатларига босқичма босқич ўтилиши жараёнидагина Ўзбекистонда мустақил солиқ тизими ривожлана бошлади. 1997 йил 14 апрелда 1998 йил 1 январдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бунда Солиқ солишнинг барча ҳуқуқий жабҳалари атрофлича ёритилди. Ушбу қонун ҳужжатининг эълон қилиниши солиқ идоралари фаолиятида ва солиқ тўловчилар уларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини ижро этиши борасидаги сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигини билдиради. Шуниси диққатга сазоворки, Солиқ кодекси қабул қилингандан сўнг солиқ тизими фаолияти кўплаб қонунлар ва қарорлар эмас, балки ягона яхлит қонун билан бошқарилмоқда, бу албатта солиқ тўловчиларнинг солиқ хизмати бўйича ишларини бирмунча енгиллаштирди.

Ҳар бир шахс солиқ кодексида белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Олинган манбалардан қатъий назар, барча даромадларга солиқ солиниши билан биргаликда солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини берилиши ҳам кўзда тутилган.

Солиқ кодекси солиқ тўловчилар учун солиқ ҳуқуқ тартиботининг ҳуқуқий асоси бўлганлигидан солиқ ҳуқуқи тўғрисидаги тушунчаларга тўхталиб ўтишимиз жоиздир, чунки кодексдаги барча муносабатлар бевосита солиқ ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий тадқиқот дэганда ижтимоий нормал, қонунга мувофиқ келиши, яъни ҳуқуқ асосида, қонуннинг ҳукмронлиги натижасида вужудга келтирилган тартиб тушунилади.

Солиқ ҳукуқи – молия ҳуқуқининг ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулоса келиб чиқадики, ҳуқуқ манбаи тушунчаси, унинг модда шакли орқали тегишли ҳуқуқни ифодаланишидир. Чунончи, солиқ ҳукуқи манбаи – солиқ қонунчилиги асосидир.

Масалан; агар фуқаролик ҳуқуқида, унинг асослари сифатида ҳар хил битимлар бўлса, солиқ ҳукуқи манбаи сифатида, давлат томонидан қабул қилинган қонун – қоидалар ҳисобланади. Демак, солиқ ҳукуқи манбаи деганда давлат томонидан белгиланган тартибда солиқ қонунчилиги доирасида қабул қилинган қонунлар, йўриқномалар, буйруқлар ва қоидалар тушинилади.

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки пайтларидан бошлаб, солиқ солиш унинг қонунийлигини таъминлаш ва ҳуқуқий расмийлаштириш тизими ҳамда уни амалга ошириш механизми жорий этилди. Бу йўналишда солиқ ҳукуқи ўз ичига ҳуқуқий меъёрларни, солиқ тизимини барпо этишнинг асосий қоидаларини мустаҳкамланган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни, солиқ ҳукуқига оид муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятларини, шунингдек, у ёки бу қоидалар, тўлов турлари, ҳолатлар ва амалларни тушунтирувчи назарий қоидаларни олади.

Солиқ муносабатлари юқорида айтганимиздек биринчидан, ушбу муносабатларнинг субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларини, иккинчиси эса давлат бюджетини шакллантириш соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар билан тавсифланади.

Давлат бюджети даромадининг асосий манбаларидан бири сифатида, солиқ тўловчининг даромадлари ҳисобига давлат бюджетини шакллантириш мақсадида, солиқ ҳуқуқининг танлашга йўл қўймайдиган яъни империатив меъёрларнинг қўлланиши, солиқ қонунчилиги талабларини бажаришга мажбур этади ва солиқ тўловчилар билан солиқ идоралари ўртасидаги ўзаро муносабат доирасини аниқ белгилайди.

Бу имтиёзлар солиқ доираларига, солиқ қонунларида аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш тўғрисида солиқ тўловчиларга кўрсатмалар бериш улар ижросини назорат қилиш ва молиявий жазо чораларини қўллаш каби ҳуқуқларни ҳам беради.

Солиқ тўловчи бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланар экан, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ташкил этилган пайтда юзага келади ва унинг устави, низоми ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида фаолияти белгиланади. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати эса фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларга эга бўлганда вужудга келади.

Демак муносабат бўлиши учун камида икки томон мавжуд бўлиши керак. Солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари) дир, ёки солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида муносабат бўлади. Ушбу муносабатларда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қатнашувчилар субъектлар бўлиб, ҳисобланиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш ва яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, бу субъектларнинг амалдаги ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиб, улар бутун фаолияти давомида шу асослардан фойдаланадилар ва унга бўйсундилар.

Республикамизда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан бир томондан солиқ тўловчи ва иккинчи томондан солиқ идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатлари аввало республика Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда солиқ идораларининг ўз фаолиятлари чегарасида амалга ошириладиган барча ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари ҳамда жавобгарликлари батафсил ёритиб берилган. Солиқ идоралари ходимларининг аниқ қонун-қоидалар билан ҳимояланишини уларнинг самарали меҳнат фаолиятлари давомида тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш билан биргаликда жавобгарлик ҳиссини ҳам унутмаслик шартларини қўяди. Бу эса солиқ муносабатларининг амалга ошиши жараёнларида ҳар хил салбий ҳолатларни олдини олиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Солиқ муносабатлари амалга ошаётган шароитда солиқ тўловчи ва солиқ ундирувчилар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар ва англашилмовчиликлар бўлиб туриши эҳтимолдан холи эмас.

Дунёдаги бирорта мамлакатда солиқ тизими низоларини ҳал этиш механизмларисиз фаолият кўрсата олмайди. Юзага келган низолар Давлат Солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Суд ва қонунларга риоя этилиш учун маъсул прокуратура органлари билан ҳамкорликда ҳал


қилинади. Бундай низоларни ҳал этиш бюджетнинг, шунингдек, кенг доирали солиқ тўловчиларнинг манфаатларига даҳл этадиган масалаларга тааллуқлидир.

Солиқ кодексининг асл мазмуни солиқ тўловчилар ўртасидаги ижро интизоми, солиқларни барқарор тарзда йиғиб олиш ва давлатимиз молия тизимининг барқарорлигини таъминлашдир.

Ушбу йўналишда муваффақиятга эришиш, солиқ қонунчилигини ҳуқуқий меъёрлари устидан назоратни ягона тизимини, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши билан белгиланади.

У ёки бу субъект ўртасидаги солиққа тортишдан келиб чиқадиган муносабатлар ва ижтимоий алоқалар ҳуқуқ нормалари воситасида тартибга солиб борилади. Турли даражадаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган ушбу ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисини, ўзаро алоқада ҳамда ривожланишда бўлган ҳолда, солиқ ҳуқуқини ташкил этади. 1.2.1-чизма.

Davlat soliq boshqaruvini amalga oshiruvchi organlar tuzilmasi



Солиқ ҳуқуқи, нисбатан янги тушунча бўлиб молия илмида кам ўрганилганидан унинг предмети, методик ҳамда хусусиятларни топиш, ҳуқуқий табиатини ва қайси тармоққа оидлигини аниқлаш етарлича мураккаб ҳамда актуал масаладир.

Ушбу ҳолат адабиётларда юқоридаги мавзуга оид ишларнинг камлиги натижасида ҳам мураккаблашган.

Аввало шуни таъкидлаш керакки ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ тармоқларини таснифлашда ҳуқуқий тартибга солиш яъни у ёки бу ҳуқуқий ташкилот нормалари ёрдамида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини асос қилиб олинади. Солиқ ҳуқуқининг предмети кўп тармоқли ва комплекс характерга эга бўлган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бундан ташқари, жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг мутахассислашган соҳаси ҳамдир. Бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунидан келиб чиққан ҳолда яъни ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини зарурий тўлов сифатида давлат ихтиёрига ўтказишдан келиб чиқади. Бу эса ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий тамойиллар дейилганда, бутун ҳуқуқий институтлар ёки тармоқлар тизимининг моҳиятини белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий вазиятлар тушунилади. Бундан ташқари умуммажбурий ҳуқуқий мустаҳкамланган тамойиллар, ҳуқуқнинг мазкур соҳасининг ташкил бўлиши ва ривожланишида ўзига хос йўл кўрсатувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига хос бўлган умумтармоққа оид, қонуннинг устуворлиги, бирлиги, адолатлилиги ва шу каби тамойиллар, тизимнинг таркибий қисми бўлмиш солиқ ҳуқуқига ҳам хосдир. Тармоққа хос бўлган тамойилларга қаралганда эса уларнинг баъзилари белгиланган солиқ қонунлари меъёрларида тўғридан – тўғри акс этган, баъзилари эса бир қанча меъёрларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ташкил бўлади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ташкил бўлишида, солиққа тортишнинг тамойиллари назардан четда қолмаган. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 5-моддасида айтилишича, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари солиқ кодексида белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмас. Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципига асосан ҳар бир шахс солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Ҳеч кимнинг зиммасига солиқ кодексида назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас. Солиқ солишнинг аниқлиги принципига кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак. Солиқ солишнинг адолатлилиги принципина асосан солиқ солиш умумийдир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Ҳозирги пайтда солиқ ҳуқуқининг қуйидаги тамойилларини санаб ўтишимиз мумкин:

1. Солиқ юкининг тенглиги тамойили.
2. Солиқларнинг фақат қонунан жорий этилиши.
3. Солиқ қонунларининг солиққа оид бўлмаган қонунлардан устуворлиги.
4. Барча солиқ элементларининг солиқ қонунчилигида акс этиши.
5. Солиқ қонунларининг тадқиқотида манфаатлар уйғунлиги тамойиллари.

Л. Миронованинг фикрига кўра, солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар солиқ ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Аммо бу қараш солиққа оид муносабатларининг барчасини ўз ичига олмайди. И. Денисов эса солиқ ҳуқуқининг предметини жуда кенгайтириб юборган. Унга кўра «турли даражадаги бюджетларга ва эквиваленти бўлмаган пул тўловларига мажбурий, хусусий эквиваленти бўлмаган пул тўловларининг жорий этилиши ва ундирилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар».

Е. Покачалованинг фикрига кўра эса «солиқ ҳуқуқининг предмети юридик ва жисмоний шахслардан бюджет тизимига ва баъзи ҳолларда бюджетдан ташқари мақсадли фондларга солиқларни белгилаш ва ундириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар».

Солиққа тортиш ўзининг мазмун ва шаклига кўра жуда мураккаб ҳамда кўп тармоқли эканлигидан солиқ ҳуқуқининг предмети топиш муаммоси бир қанча назарияларни кўриб чиқиш билан ҳам, ҳал бўлди дейиш қийин.

Солиқ соҳасидаги ҳамда шу билан бирга солиқ - ҳуқуқий тартибга солиш предметига кирувчи ижтимоий муносабатларни таснифламоқчи бўлсак улар қуйидагилар ҳисобланади:

-биринчи гуруҳ - марказий ва маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга солиқ ва тўловларни белгилаш билан боғлиқ муносабатлар;

-иккинчи гуруҳ - марказий ва маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга солиқ ва тўловларни жорий этиш билан боғлиқ муносабатлар;

-учинчи гуруҳ - солиқ ишлаб чиқариш жараёнида, яъни солиқнинг маълум бир турини ҳисоблаш ва тўлашда юзага келадиган солиқни ундириш билан боғлиқ муносабатлар.

Солиқнинг назорати ҳам ушбу гуруҳга киради.

Давлатнинг солиқ сиёсати соҳасидаги миллий солиқ тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ бўлган халқаро солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар ва бошқа шу каби муносабатлар юқоридаги гуруҳларнинг тегишлисига кириш характерига эга. Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқни белгилаш, жорий этиш ҳамда ундириш билан боғлиқ муносабатлар солиқ ҳуқуқининг предмети ташкил этади. Солиқ муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири мулкӣй характерда эканлигидадир. Солиқ мажбуриятини бажариш давлат ихтиёрига белгиланган пул маблағларини ўтказишни билдиради.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ ҳуқуқининг предмети ташкил этувчи унсурлар таркиби нималардан иборат?

2. Давлатнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини солиқлар орқали қондирилишида ҳуқуқий томонларини тавсифланг?
3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таркибидаги солиқларнинг ўрнини кўрсатинг?
4. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашларни ифодалаб беринг?

1.3. Солиқлар ва солиқ қонунчилигининг шаклланиш босқичлари

Мустақиллик йилларидаги солиқ сиёсати ва қонунчилигини шаклланишини тўрт босқичга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи босқич (1991-1994) йилларини ўз ичига олиб, бунда Республика солиқ органлари ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитида солиққа тортиладиган базани камайтириб бориб, асосий эътиборни давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш яъни солиқларни хазинавий функциясини бажарди.

Солиқ қонунчилигимизнинг биринчи босқичи, солиқларнинг кўплиги билан солиқ ставкаларининг юқорилиги, шунингдек, корхона ва ташкилотлар даромадининг 45% бюджетга олиниши билан характерланади.

Бундан ташқари, солиқ қонунларимиз корхона ва ташкилотларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини жиҳозланишини чегаралаб қўйган, солиқ қонунчилигидаги имтиёзлар ҳам бу муносабатга ўз таъсирини кўрсата олмаганлиги яққол намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориши, солиқларнинг хазина функциясининг кучайиб кетиши натижаси ҳамда "ёввойи" бозор иқтисодининг талабига кўра солиқ қонунчилигимиз олдида солиқ юкини камайтиришни объектив зарурат қилиб қўйди ва солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини янада ошириш, шунингдек, солиқлар структурасини такомиллаштиришга оид солиқ қонунлари, йўриқномаларини, кўрсатмаларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Республикада Солиқ қонунчилигининг шаклланишининг иккинчи босқичи 1995-1996 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичда объектив зарур бўлган вазифаларни хал этиш амалга оширилди ва булар қўйдагилардир.

- Солиқлар тўғрисидаги кўпчилик қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларга ўзгартирилишлар киритилиб, солиқларнинг кўпчилиги қисқартирилди.
- Ер ости бойликлари солиғи фондларни минерал хом - ашё базасини кенгайтириш учун мажбурий тўлов билан бирлаштирилди.
- Транспорт солиғи билан мулк солиғи бирлаштирилди.
- Қимматли қоғозлар билан операция учун солиқ бекор қилинди.

- Кичик корхоналар учун ялпи даромаддан 25 % ли ягона солиқ ўнатилди.

- Ресурс ва хом ашё учун 6 % ли тўлов бекор қилинди.

- 20% ли амортизация ажратмасидан бюджетга тўлов бекор қилинди.

- Ўрмончилик даромадидан солиқ бекор қилинди.

- фуқаролардан олинadиган даромад солиғи шкаласи ўзгартирилди ва прогрессив шкала киритилди.

- Экология солиғи 1 % ўрнатилди.

- Даромад солиғидан солиқ юки сиғимини ресурслар ва мулк солиғига ўтказилди.

- Ресурс тўловлар 1,5 баробарга оширилди.

- Сув учун тўловни олдинги солиқ қонунчилигимизга асосан фақатгина саноат корхоналари ва электростанциялар тўлаган бўлса, эндиликда барча халқ хўжалик тармоқлари тўлаш лозим қилиб қўйилди.

- Республикада товар - ишлаб чиқарувчиларни манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида республикадан ташқаридан келтирилган спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлар, автомобиллар учун акциз солиғи ўрнатилди ва акциз маркалари жорий қилинди.

Солиққа тортиладиган база аниқланди ва солиқ ставкалари такомиллаштирилди яъни "Солиққа тортиладиган базани аниқлашда, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар тўғрисида"ги Низом кучга киритилди.

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида даромад солиғи ўрнига фойдадан солиқ олишга ўтилди.

Фойда солиғининг дифференциялашган 33 % дан ставкаси 31 % ставка билан алмаштирилди.

Колхозчилар меҳнат ҳақи фондидан ажратмалар бекор қилиниб, фуқаролардан олинadиган даромад солиғига ўтилди.

Қўшилган қийматдан олинadиган солиқнинг роли ва тартиби ўзгартирилди. Бунда ҳам дифференциялашган солиқ ставкасига ўтилди ва 18 % дан - 20 % ли солиқ ставкаларига ўтилди.

- Солиқ имтиёзларига ўзгартириш киритилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари нефт ва минерал ўғитлар учун солиқ тўлашдан озод этилди.

Четга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни шу маҳсулот ишлаб чиқариши

учун сарфланган материал ресурслар харажати суммаси ҚҚС дан озод этилди.

Баъзи тармоқларни ривожлантириш учун солиқларни рағбатлантириш функциясида фойдаланилди яъни, қишлоқ хўжалик учун халқ истеъмом моллари ишлаб чиқариш учун, болалар кийим - кечаги ишлаб-чиқариш учун, қўшма корхоналар, чет эл инвесторлари учун солиқ қонунчилигимизда ва сиёсатимизда қулай шароит яратилди.

Юқоридаги фикрларга қараб айтиш мумкинки Республика солиқ сиёсати ва қонунчилигида ўтказилган чуқур ислохотларнинг барчаси давлатимиз иқтисодиётини танназулдан олиб чиқиб нормал халқ хўжалигини яратишдек муҳим бўлган бозор иқтисодиётининг талаби еди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигининг шаклланишининг учинчи босқичи 1996 йил июлидан 1997 йилни 24 апрелигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда солиқ кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиб ва 135 модда, 41 боб ҳамда 71 саҳифадан ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексини қабул қилиш билан тугади.

Солиқ қонунчилигининг тўртинчи босқичи 1998 йилни 1 январидан бошланиб(2008 йил 1-январдан янги таҳрирдаги солиқ кодекси амалга киритилди) ҳозирда ҳам солиқ кодексига асосан йўриқномалар ва кодекснинг моддаларига шарҳлар ишлаб чиқишлар билан давомийлигини сақлаб қолмоқда.

Иқтисодни эркинлаштириш йўлидан бориш, шунингдек, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини ташкил этишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш, корхоналар хўжалик фаолиятига давлат, турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг аралашувларини чеклашни англатади.

Эркинлаштириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимига ҳам муқаррар равишда таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар, йиғимлар ва давлат томонидан жорий қилинадиган мақсадли жамғармаларга ажратмалар фақат қонунчилик асосида амалга оширилади. Шу сабабдан, қонунчилик ҳужжатлари қанчалик пухта ва мукамал ишлаб чиқилган бўлса, солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш, ундириш осонлашади ҳамда уларни йиғиш билан боғлиқ бўлган харажатлар арзонлашади. Аксарият мамлакатларда солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги солиқ муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат – Солиқ кодекси ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси солиқ сиёсатини шакллантиришда тўпланган жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилиб, солиққа тортиш масалаларида асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади ва унинг асосий концептуал йўналишлари солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш, солиқларни унификациялаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи барча меъёрий ва қонуности ҳужжатларини ягона ҳужжатда тизимлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-136-сонли Қонунининг 2-бандида Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилиш ва зарур бўлган ҳолларда, Кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритиш вазифаси юклатилган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилиб борилди.

Солиқ кодексини тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айлантириш, унда белгиланган меъёрларни бошқа қонун ҳужжатларидаги меъёрлар билан бирхиллаштириш мақсадида, мониторинг ва таҳлил натижаларига кўра, ўтган 2008-2010 йиллар давомида жами ўн тўрт маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 79 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улардан Кодекснинг 12 та моддасига мамлакатимиз солиқ-бюджет сиёсати концепциясида кўзда тутилган айрим меъёрлардан келиб чиқиб, янги нормалар ва қоидаларни белгилаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда 67 та моддасига аниқлик киритувчи сўзлар ва жумлалар билан тўлдиришдан иборат таҳририй ўзгартиришлардир.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 134 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улардан, Кодекснинг 6 та моддасига мамлакатимизнинг 2010 йил солиқ-бюджет сиёсати концепциясида кўзда тутилган айрим меъёрлардан келиб чиқиб, янги нормалар ва қоидаларни белгилаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда 37 та моддасига киритилган таҳририй ўзгартиришлар Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамалар билан бирхиллаштириш ҳамда икки ёқлама талқин этишларни бартараф этиш мақсадида ва қолган ўзгартиришлар Солиқ кодекси нормалари ва

қоидаларини такомиллаштириш ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 17 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улардан кодексининг 7 та моддасига, мамлакатимизнинг 2011 йил солиқ-бюджет сиёсати концепциясида кўзда тутилган айрим меъёрлардан келиб чиқиб, янги нормалар ва қоидаларни белгилаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар, қолган 10 та моддасига киритилган ўзгартиришлар Солиқ кодекси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардир.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан юритилаётган сиёсатнинг асосий моҳияти иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилишдан иборатдир.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг асосий моҳияти юртбошимизнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш сиёсатини қўллаб қувватлаш борасида солиқ тўловчиларга солиқ соҳасида қулай шарт – шароитлар яратиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда уларга имтиёзлар ва периференциялар беришга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-241-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 159-моддасида белгиланган ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш бўйича имтиёз муддати уч йилдан беш йилга узайтирилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 158-моддасига киритилган ўзгартиш юридик шахсларнинг тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилиш ёки тугатишдан олинган фойдасини солиқ тўлашдан тўлиқ озод қилинишини назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 212-моддасига киритилган ўзгартириш билан товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш оборотларига жумладан, пахта толаси ва линт оборотларига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби жорий этилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 217-1-моддасига киритилган ўзгартириш билан пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотларига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиблари белгиланган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан 211-моддасига киритилган ўзгартириш мамлакатимиз доридармон воситаларини ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб унда ички бозор эҳтиёжини таъминлай оладиган ҳажмларда мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариладиган тайёр доридармон воситаларини четдан келтиришда амалдаги божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни бекор қилишни назарда тутди. Солиқ кодексининг 308-моддасига киритилган ўзгартириш грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумладан: давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грантлар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грантлар ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларидан озод этиш таклиф этилди.

Солиқ кодексининг 329 ва 330-моддаларига киритилган ўзгартириш тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш борасидаги Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ваколатларини кенгайтириб Палата аъзолари – тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юрисдикция ва хўжалик судларига даъво аризалари киритган тақдирда, уларни давлат божидан озод қилиш имконини яратди.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодекси меъёрлари асосида хўжалик юритувчи субъектларга берилган солиқ имтиёзлари ва переференциялар корхоналар айланма маблағлари миқдорининг ўсишига ва уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник-технологик жиҳатдан модернизация қилишга йўналтирилиши натижасида солиқ базасининг кенгайишига ва мос равишда солиқ тушумларининг 2008 йилда 37,9 фоизга ошишига олиб келган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 41,9 фоизга ва 2010 йилда ушбу кўрсаткич 41, 7 фоизга ошишига олиб келди.

Президентимиз томонидан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” йили деб эълон қилинди. Юртбошимизнинг 2011 йил 7 февралдиги ПҚ-14-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат давстурида ушбу йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар эркин фаолият юритишлари учун барча соҳаларда жумладан солиқ соҳасида ҳам қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди ва амалга оширилди.

Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кичик бизнес субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини тақдим этишда:

таъсисчилари бир оила аъзолари бўлган юридик шахсларни преференциялар ва солиқ солиш режими бўйича хусусий корхоналарга тенглаштириш (дивидендларга солиқ солиш бўйича имтиёзлар, валюта тушумини сотиш бўйича ва бошқалар)ни назарда тутиш;

солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликларни солиқ кодексидан ва солиқ органларининг назорат функцияларидан чиқариб ташлашни кўзда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ қонунчилигининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири?
2. Солиқ қонунчилигининг даврий бўлинишини санаб кўрсатинг?
3. Солиқ қонунчилигидаги охириги ўзгаришларнинг таъсири нимада кўринади?
4. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш йўналишларига шарҳ беринг?

1.4. Солиқда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, солиқ қонунларининг бузилиши.

Мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган сари, солиққа тортиш услублари ҳам ўзгариб боради, солиқ объектларини аниқлаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ишлари доимо назорат сифатини ривожланиши талаб қилиб келади.

Биз юқорида айтиб ўтканимиздек солиқ қонунлари бузилганлиги учун қонун асосида тегишли жарима ва бошқа жазо чоралари белгиланган.

Жарима ва жазо чоралари, солиқ идоралари томонидан қонунда белгиланган моддаларга биноан амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг қилган хато ва камчиликларини нафақат жазолаш, балки солиқ қонунларини улар томонидан бузилиш сабабларини, қонунларни уларга бўлган таъсирларини ўрганиш ҳамда шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган камчиликларни ҳам таҳлил қилиш лозимдир.

Ҳеч ким фақат солиқ тўлаш учун ишламайди, бу ҳақиқат. Корхона ва ташкилотлар аввало ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчидир, сўнгра эса солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат ўзининг фискал сиёсатни амалга оширишда асосий бир қийинчилик солиқ тўловчилар томонидан турли хил йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига рўбарў бўлади

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш дейилганда кенг маънода қуйидагилар тушунилади.

- олинган даромад ва фойдани яшириш,
- ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўламаслик ёки умуман тўламаслик,
- имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш,
- тегишли ҳисоботларни ўз вақтида тўлдирмаслик ва умуман топширмаслик,
- бошқа қоидалардан ва тақиқланган методлардан бевосита ва билвосита фойдаланиш кабилардир.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка таъсири жуда ҳам салбийки, унинг натижасида қуйидагиларни келиб чиқаради.

- давлат бюджети дефицити пайдо бўлади,

- давлат солиқ ставкаларини кўтара бошлайди, давлат бюджетини тўлдириш мақсадида янги солиқ ва тўловлар ўйлаб чиқилади,
- инфляция даражаси кўтарила бошлайди,
- давлатнинг ички ва ташқи қарзлари орта бошлайди,
- бозор иқтисодиётининг ричаглари издан чиқа бошлайди.

Юқорида қайд қилинган сабабларни инобатга олиб, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва уни келтириб чиқарадиган сабабларни солиқ хизмати ходимлари доимий равишда ўрганишлари ва бундай ҳолатларга олиб келмаслик учун тегишли ташкилий ишлар, чора ва тадбирларни кўриб боришлари лозим.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби муносабатларнинг келиб чиқиш сабабларини қуйидаги факторлар таъсирида дейиш мумкин.

Маънавий омиллар – бу факторлар солиқ қонунларининг ижтимоийлик, доимийлик ва дахлсизлик принципларига тўғри келмаслиги бўлиб, қонунларнинг обрўсини ва таъсирини пасайтиради.

Бундан ташқари солиқ ставкаларининг юқори бўлиши ўз навбатида солиқ тўловчилар томонидан унга нисбатан ички қаршилиқ ҳиссини уйғотади ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш тўғрисидаги турли хил фикрларга олиб келади.

Масалан; фойда солиғининг ставкасини юқорилиги, корхонани фойда олишга бўлган иштиёқини пасайтириб юборади ёки қандайдир йўллар билан солиққа тортиладиган фойда ҳажмини камайтиришга ҳаракат қилади, ёки бўлмаса, бизнинг қонунларимизга асосан, солиқларни реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун эмас, балки юклаб жўнатилган ва ҳали пули тўланмаган пайдан бошлаб ҳисобга олиниши.

Иқтисодий омиллар - бунда солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида унга бўладиган таъсирларни ўрганадилар.

Агарда, солиқ ставкаси қанчалик юқори ва қўлланиладиган жарима суммалари қанчалик паст бўлса, солиқ тўловчи учун шунчалик солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижаси самарали бўлади.

Албатта, бундай ҳолатларда солиқ тўловчилар солиқ тўламасликка ҳар қандай йўллар билан ҳаракат қилишади, чунки биринчи томондан жорий етилган барча турдаги солиқ ва тўловларни тўланиши солиқ тўловчининг иқтисодий ҳолатига катта таъсир қилиб, уни аҳволини оғирлаштиришига олиб келишига таъсир қилса, солиқ тўламаслик еса унга ўз иқтисодий

потенциалини сақлаб қолиш учун ягона иқтисодий йўл бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи томондан молиявий жарималарни иқтисодий жиҳатдан кучсиз бўлган субъектларга қўлланилиши, нафақат уни ривожланишдан балки ундан кейин умуман фаолият кўрсата- олмасликка олиб келиши мумкин. Чунки барча фойдасини қарзларни тўлашга сарфламаса, унга ҳисобланаётган устама фоиз суммалар ҳам тобора ошиб бораверади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг барча формалари, иқтисодий ўсиш суръати пасаяётган, ҳамда таназзулга учраётган мамлакатларда юқори даражада бўлади. Чунки бундай шароитларда солиқ тўловчиларнинг моддий шароитининг ёмонлашувига мамлакат миқёсида маҳсулот, товар ва хизматларга бўлган талабларнинг пасайиши ҳам катта таъсир қилади.

Албатта, тўлов қобилятининг пасайиши натижасида товар оборот ҳажми қисқаради ҳамда корхона ўзига тегишли фойдасини, давлат эса бюджетга тегишли солиқларини ололмай қолади. Натижада корхона ўз қобилятини сақлаб қолиш мақсадида солиқ қонунчилигида таъкидланган турли йўлларни излашга тушади.

Масалан: солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни тўла ҳисобга ололмаслик, хўжалик операцияларига тааллуқли ҳужжатларни барчасини текширишдан тўла ўтказиш олмаслик, текширишларни сифатли ўтказиш даражаси, текширувчиларнинг билим даражаси, коорупция ва шунга ўхшаш ҳолатларнинг мавжудлигидир.

Кўпгина мамлакатларда, айниқса ғарбда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини халқ хўжалигининг тармоқлари ва фаолият турларидан келиб чиқиб тадқиқ этадилар. Афсуски, биз мамлакатимиз бўйича ана шундай маълумотларни таҳлил қилиш имкониятига ҳозирча эга эмасмиз. Бизда ҳам ҳеч бўлмаганда, комплекс текширувлар якунлари бўйича солиқларни тўлашдан бўйин товлашга доир маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ошкора тизими ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қайси тармоқларда ва қандай солиқ турлари бўйича бўйин товлашлар мавжудлигини, уларнинг сабаблари, солиқ қонунлари ёки йўриқномавий ҳужжатларнинг заиф томонларини аниқлаб бориш, иқтисодий ривожланишни таҳлил қилиб бориш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳамда солиқдан қочиш деган тушунча мавжуд бўлиб, уларнинг амалиётда қўлланилиши турличадир. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, солиқ тўлашдан бўйин товлаш деганда мамлакатнинг мавжуд бўлган қонун-қоидаларига амал қилмаган ҳолда ёки унга зид равишда айрим пайтларда очикдан-очик бўйсинмасдан фаолият кўрсатиш натижасида олган даромадларни яшириш тушунилади.

Солиқдан қочиш ёки солиқларни айланиб ўтиш деганда эса, мавжуд барча қонун-қоидаларни тўла ўзлаштирган ҳолда, солиқ тўловчи учун тегишли бўлган имтиёз ва вақтинчалик енгилликлардан фойдаланиб, ўзининг давлат олдидаги мажбуриятларни энг минимум ҳолатга келтириш тушунилади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли формаларини юқорида санаб ўтган бўлсак, солиқдан қочишнинг қуйидаги формалари мавжуд:

- солиқ қонунларининг такомиллашмаганидан ёки қонун, қарор, йўриқнома ва кўрсатмаларнинг айрим томонларини бир-бирига зид келишидан фойдаланиш;
- маълум муддатга солиқ тўлашдан имтиёз берилган мамлакатлар билан қўшма корхоналар тузиш;
- солиқ ставкалари паст бўлган мамлакатлар билан турли хил шартнома ва схемалар орқали ёки маблағларни айлантириш ёки жалб қилиш;
- мамлакатлар ўртасида икки ёқлама солиқ солиш тўғрисидаги шартномаларнинг йўқлигидан фойдаланиш;
- филиаллар ташкил қилиш ва солиқ солинмайдиган товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кабилардир.

Умуман олганда солиқ тўлашдан қонуний йўл билан қочиш ёки солиқларни айланиб ўтиш, бу солиқ тўловчиларнинг билимдонлиги, ижодкорлиги ва солиқ маслаҳатгўйларининг юқори даражадаги профессионаллигидан далолат беради.

Бу тўғрида 1935 йил Америкалик судя Ж. Сандерланд шундай деган эди «солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқи қонун билан рухсат этилган барча йўллар билан солиқларни камайтиришдир, бундай фаолиятни ҳеч ким тақиқлай олмайди».

Жазо, жавобгарликка тортиш, жиноят содир этган шахснинг қонунларга риоя этмаган ҳолатларида қўлланиладиган маъмурий чоралардир.

У фукароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбия қилиш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади. Уларнинг бир тури маъмурий ва молиявий жарималардир.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат солиқ органлари кўришга вакил қилинган ҳуқуқбузарлик объектлари асосан солиқ солиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Шунингдек тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар ҳам шуларга тааллуқли ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиққа оид молиявий фаолиятнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
2. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик нима?
3. Касса операциялари дэганда нимани тушунаси?
4. Мансабдор шахслар тушунчасини таърифланг?

2- БОБ. СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Солиқ маъмурияти органлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Дунё амалиётида, солиқ маъмурияти органлари ишини ташкил этишнинг турли хил шаклларида фойдаланилади. Бунинг учун давлат ҳокимияти-бошқаруви тизимида, солиқлар ва солиққа тортишнинг бошқарилиши ҳамда назорати билан шуғилланувчи махсус орган ташкил этилади уларни одатда солиқ идоралари ёки солиқ маъмурияти органлари солиқ ишини юритувчи идоралар деб аташади. Бундай органлар таркибига солиққа тортиш соҳасида бирон-бир ваколатга эга бўлган давлат-бошқарув органлари киради. 2.1.1-чизма.

Soliq idoralari ma'muriy boshqaruvining huquqiy asoslari.



Солиқ идораларининг асосий вазифалари солиққа тортишнинг самарали тизimini ташкил қилиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг бажарувчанликларини етарли даражада ушлаб-таъминлашдан иборат.

Улар орасида яъни солиқ органлари таркибида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: солиқ сиёсатининг юритилишига жавоб берувчи органлар; тўғридан-тўғри солиқлар ва тўловларни ундириш ҳамда уларнинг тўланишини назорат қилувчи органлар; солиқ соҳасида алоҳида ваколатларга эга бўлган органлар. Барчага маълумки солиқ сиёсатини белгилаш кўпгина давлатларда юқори вакиллик органлари ёки ижро этувчи органлари ихтиёрида бўлади.

ФИСКАЛ сиёсатни эса кўпгина давлатларда ижро ҳокимиятлари бажариб уларга давлат даромадлари ва молиясини бошқариш вазифалари юкланган бўлади. Масалан Францияда солиқ сиёсатини иқтисодиёт ва молия

вазирлиги, Грецияда- молия вазирлиги, Қозоқистонда-давлат даромадлари вазирлиги, Швейцарияда-молия федерал депортаменти, Ўзбекистонда-давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

Баъзи давлатларда молиявий муассасалар билан бир қаторда давлат бошқарув органлари таркибига мустақил солиқ органлари ҳам киритилган. Бундай ҳолатларда солиқ бошқарувини амалга ошириш ваколатларни тақсимлаб олиш йўли билан бажарилади. Хитойда молия вазирлиги таркибига кирувчи солиқ бошқармаси сиёсатини шакиллантириш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган бўлса солиқларни ундириш ҳамда назорат қилиш ижро ҳокимиятининг бошқа бир органи Бош давлат солиқ бошқармасига юклатилган. Бу олий солиқ органи ҳисобланиб унинг (СТАТУС) Хитой халқ республикаси давлат кенгаши қошидаги вазирлик даражасига тенг, шунинг учун ҳам солиқ сиёсати билан боғлиқ молиявий таклифларни Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқишади.

Солиқ бошқарувининг бундай шакли дунёнинг бошқа давлатларида ҳам қўлланилади. Масалан Японияда солиқларни ундириш ва солиқ сиёсатини юритиш миллий солиқ бошқармаси томонидан амалга оширилса, солиқ тизимини ўрганиш, режалаштириш ҳамда ишлаб чиқиш Молия вазирлиги таркибига кирувчи солиқ дерартаменти зиммасига юклатилган.

Солиқ бошқарувчи органлари даражаси кўпроқ, тўғридан-тўғри солиқларни ундириш ҳамда ундирилишни назорат қилувчи ижро этувчи органлар тўғри келади. Солиқ бошқарувчи органларининг номланиши ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос улар: Германияда-Федерал солиқ бошқармаси; Бразилияда-Федерал солиқ хизмати, Қирғизистонда-давлат солиқ инспекцияси, Малайзияда-ички даромадлар кенгаши, Францияда-солиқ бош дирекцияси, Швейцарияда- Федерал солиқ идораси.

Дунё амалиётида солиқ органлари маъмурий фаолиятини ташкил этишнинг турли кўриниш ва шакллари мавжуд.

1) Баъзи давлатларда улар мустақил идора ҳисобланишади (Австралия,Хитой, Япония) , бошқаларида молия органларининг таркибий қисми (Италия, Франция, Швейцария, АҚШ) ёки давлат даромадлари билан шуғулланувчи идоранинг қарамоғида ҳисобланади айрим давлатларда солиқларнинг турига қараб яъни Бевосита ёки Билвосита солиқ турларига кўра солиқ бошқарув идоралари фарқланади, масалан Тайландда солиқ депортаменти билан бирга Акциз депортаменти ҳам мавжуд. Солиқни ундириш билан боғлиқ ваколатлар солиқ идораларининг турли даражасидаги таркибий тузилмалари ўртасида тақсимланиши ҳам мумкин. Канадада КВБЕК даромадлар вазирлиги ўз провинциясида бошқа провинциял солиқлар билан бир қаторда федерал солиқларни ҳам ундиради бошқа барча ҳудудларда эса солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Канада Бож ва йиғимлар агентлиги бажаради.

Баъзи мамлакатларда Австралияда солиқ бошқарув органлари йўқ шунинг учун солиқларни ундириш ишларини Молия вазирлигига қарашли молия дирекциялари ва хизматлари амалга оширилади.

Солиқ бажарувчи идоралари тузилмаси қуйидаги вазифаларни бажарувчи ташкилий тузилмаларни ўз ичига олади: Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушушини назорат қилиш, солиқ юзасидан қарзларни ундириш, солиқ қонунчилиги ҳақида ахборотлар бериб унинг қўлланилишини тушинтириш соликка тортиш билан боғлиқ муамоларни ҳамда низомларни кўриб чиқиш, молиявий, кадрлар билан, ахборотлар билан таъминлаш. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб Хитой давлат бош солиқ бошқармасининг таркибий тузилишини куриб чиқадиган бўлсак унда бир қатор департаменти ва бошқармалар мавжуд. Жумладан, солиқларни ундириш ва бошқариш департаменти, Молиявий бошқариш департаменти, назорат департаменти, бош бошқарма, солиқ сиёсати ва солиқ қонунчилиги бошқармаси режалаштириш ва статистика бошқармаси оборотдан олинadиган солиқлар бошқармаси, даромаддан олинadиган солиқлар бошқармаси, маҳаллий солиқларни назорат қилиш бошқармаси, қишлоқ хўжалиги солиқларини назорат қилиш бошқармаси халқаро солиқ бошқармаси, экспорт ва импортни солиққа тортиш бошқармаси, солиқ жиноятларини суриштирув бошқармаси кадрлар бошқармаси. Шу билан бирга ҳар бир ташкилий таркибий тузилмага қарашли бўлимлар ҳам мавжуд Булрдан ташқари солиқ бошқарувчи тизими таркибига солиқ соҳасини тадқиқ этувчи илмий текшириш институти солиқчи кадрлар тайёрлаш маркази, солиқ агентларини бошқариш Маркази, солиқ коллежи.

Солиқ бошқарув идоралари таркибига махсус шароитларда иш юритувчи алоҳида тузилмалар ҳам киритилиши мумкин. Масалан Озарбайжон Республикаси солиқ ишлари вазирлиги таркибида махсус солиқ муҳитига эга бўлган катта миқдорда солиқ тўловчилар ва корхоналар билан ишлаш департаменти ташкил этилган.

Айрим давлатларда (Болгария,Германия,Украина, Япония) солиқ бошқарув идоралари ҳуқуқини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳам бажаришади, шунинг учун уларнинг таркибига солиқ жиноятларини таркибий тузилмалар қўшилган. Солиқ жиноятларини қидирув борасида Германия солиқ органлари таркибига кирувчи «Штойфа» (немисча-Стеуерфахндунг, Стеуфа) анча ном чиқарган.

Худудлар ва жойларда солиқ маъмурияти органлари минтақавий камда маҳаллий тузилмаларга тақдим этилган. Мисол учун Исроил давлати солиганларини тизими таркибида 24 та округ солиқ бошқармалари, 9 та округ солиқ бўлимлари олинган мол-мулкларнинг солиқлари бўйича шуғилланишади, 4 та суриштирув-тергов ва 3та боқимандаларни ундириш билан шуғулланишади. Финландия солиқ бошқармаси тизмида 10 та губерня солиқ инспекцияси, 89 та туман солиқ инспекцияси ва 77 та пунктларда солиқ тўловчилар билан иш олиб борилади. Япония миллий солиқ бошқармасига 11 та минтақавий солиқ бошқармалари, Окинава минтақавий солиқ инспекцияси ва 524 та солиқ инспекциялари бўйсуняшади. У ёки бу давлатда таркибий миқдори неча киши бўлиши бу мамлакатдаги солиқ тўлов потенциалининг даражаси ҳамда тўловчилар сонига қараб турлича бўлиши мумкин. Қиёслаш учун шуни келтиришимиз мумкин, Францияда бу кўрсаткич 82,4 минг киши, Буюк Британияда 100 минг кишини, АҚШ да 120 минг кишини. Хитойда 990 минг дан ортиқ кишини ташкил этган (Хитойдаги ишчилардан 575 киши давлат солиқармасида, 416 киши эса ҳудудий ва маҳаллий, солиқ инспекцияларида фаолият кўрсатади). Солиқ маъмурияти органларида ишлаш одатда ходимларга маълум чекловлар қўйиши мумкин. Масалан Болгарияда солиқ маъмурияти органлари мансабдор шахслари илмий-педагогик фаолиятдан ташқари қўшимча шартнома асосида меҳнат фаолияти олиб бора олмайди. Бундан ташқари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, Тижорат ҳамда бошқа корхоналар фаолиятини шахсан ёки бошқа вакиллар орқали бошқаришда қатнашиши таъқиқлаб қўйилган. Кўпгина давлатларда солиқ маъмурияти органлари солиқ назорати борасида жуда катта ва кенг имкониятларга ва ваколатларга эга ҳисобланишади. Қоида бўйича одатда солиқ маъмурияти органлари мансабдор шахсларига солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилиш ва текшириш пайтида даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланаётган хизмат ёки ишлаб чиқариш биноларига сўзсиз киришлари, шунингдек олинган даромадлар (фойдаларга) таълуқли бўлган хизмат ҳужжатлари ҳамда ҳисоб-китобларга доир китобларни, дафтарларни ахборотларни ола билишлари керак. Аммо солиқ маъмурияти органларининг ваколатларига барча солиқлар билан боғли киритилмаслиги ҳам мумкин. Финландияда белгиланган ва тўланадиган 14 та солиқ турини атиги 8 тасини солиқ маъмурияти органлари ундиришади, қолганлари бошқа мутассади ташкилотлар ва божхона

томонидан ундирилади. Қатор давлатларда баъзи солиқ турларини чегарадан ўтиш пайтининг ўзида божхона органлари томонидан ундирилади.

Солиқ тортиш соҳасидаги алоҳида ваколатларга, ижтимоий ёки хусусий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам эга бўлишлари мумкин. Бу ҳолатда улар фақатгина солиқни ундириш билан шуғулланишмасдан бошқа босқичлардаги ишларни ҳам бажаришлари мумкин бўлади. АҚШ да ички даромадлар хизмати, шахсларни қидириб топувчи компаниялар хизматидан фойдаланиб солиқ тўлашдан қочиб юрган кишилар-шахсларни топиб солиқни ундиришади. Хитойда эса қонунчиликка биноан солиқ маъмурияти органлари айрим кичик солиқ турларини ундириш билан боғлиқ ишларни ҳамда бошқа ишларни ваколатномага асосланган ҳолда турли хил шахсларга топширишлари мумкин.

Қуйида бизмахсус мавқега эга бўлган солиқ маъмурий бошқаруви тизимини қараб чиқамиз. Австралия солиқ органлари таркиби солиқ департаменти ва унинг жойлардаги тузилмаларидан иборат ҳисобланади. Австралия солиқ департаменти таркибига ўнта бўлинмалар кириб улар қуйидагилардир: Солиқ қонунчилиги хизмати, Молиявий хизмат, компаниялар ишлари бўйича хизмат ва бошқалар. Солиқ хизматининг ҳудудий ташкилий тузилмалари федерацияга қарашли субъектларнинг марказларида ташкил қилинади. Солиқ органларининг фаолияти 1953 йилда қабул қилинган «Солиқ маъмурий бошқаруви» тўғрисидаги қонунга биноан амалга оширилади. Солиқ органлари раҳбари комиссар ҳисобланади. Унинг асосий вазифаларидан ҳисобланган, декларацияларни молиявий йилнинг охирига (30 июнь) қадар топшириш ҳақида огоҳлантириш ва керакли шаклдаги солиқ декларациясини матбуотда нашр қилинишни энг аввал бажариш керак ҳисобланади.

Солиқ декларациясини қабул қилиб олишгандан сўнг, солиқ инспекторлари жисмоний шахслардан тўланиши керак бўлган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиб тўловчига хабарнома жўнатади.

Компания ва корхона ташкилотларининг ҳисоблаб тўлаган солиқлари тўғри ёки нотўғри эканлигини назорат қилиш мақсадида солиқ органлари томонидан аудиторлик текширувлари ўтказилади. Солиқ аудиторининг уч хил шакли мавжуд: - дастлабки аудитда компаниялар томонидан тақдим этилган фойзалар, дивидентлар ҳақидаги маълумотларнинг солиқ декларациясида берилган маълумотлар билан тўғрилиги текширилади, - бизнес аудит компаниянинг мол-мулк ва молиявий ҳужжатларини жойида текширувни назарда тутди; - комплекс аудитда махсус тузилган гуруҳлар томонидан катта-катта компанияларда ўтказилади. Солиқ органлари

ходимлари қонунларга асосан ўзларига хизмат вазифаларини бажаришлари давомида маълум бўлган тегишли маълумотларни сир сақлашлари керак бўлади.

Канадада солиқлар ва йиғимларни тўплаш-ундириш билан божхона ва йиғимлар агентлиги шуғулланади (инглизча-Санада сustomс анд Ревеуе Агеней, ССРА). Агентлик вазирлар маҳкамаси таркибига кирувчи миллий даромадларминистри орқали мамлакат парламентиға ҳисобот беради. Илгари даромадлар вазирлиги ўрниға ташкил этилган бу агентликни ташкил этишдан мақсад, солиқ тўловчиларға солиқ органлари хизмат кўрсатувчи орган эканлигини кўрсатишдан иборат эди. Тўловчилар таркибини қарайдиган бўлсак 2 миллиондан ортиқ, мол ва хизматлар учун солиқ тўловчи мавжуд бўлса 1,3 миллиониш берувчи фаолият кўрсатмоқда. Агентлик мана шу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишларини назорат қилади. Умумий 45 мингта ишчига эға бўлган агентликда солиққа доир қонунларни талқин қилш билан шуғулланишади. Фақатгина Квебекпровинциясида солиқ ундириш провинциал даромад вазирлиги томонидан амалға оширилади қолган жойларда агентликнинг 43 бўлими иш олиб боради. Канаданинг асосий қисмида провинциал солиқлар жумладан даромад солиғи марказий ва маҳаллий идораларнинг шартнома асосида келишувларига кўра агентлик томонидан ундирилади ҳамда бу иш учун агентлик арзимаган миқдорда пул тўлашади. Бундай шаклда агентлик томонидан йиғилган солиқлар ойда 2 мартадан 4 мартагача бўлиб провинциаларға бериб турилади. Фақатгина Аьберта, Квебек ва Онтарио провинциалари бундай шартнома тузмаганликлари учун бир хил шартномалардан бошқачароқ яъни ўзлари иш олиб борадилар.

Онтариода солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан провинциал молия вазирлигига қарашли солиқ сиёсати бўлими томонидан олиб борилади.

Украинада солиқ маъмуриятини бошқариш 1990 йил 4 декабрда №509-ХИЙсон билан чиқарилган қонунға кўра олиб борилиб у «Украинада давлат солиқ хизмати тўғрисида» деб номланади.

Бу қонуннинг биринчи бандига биноан давлат солиқ хизмати органлари тизимига қуйидагилар тегишли ҳисобланади: Украина давлат солиқ маъмурияти, Қрым автоном республикаси, вилоятлар ҳамда Киев ва Севастопол шаҳарлари давлат солиқ маъмуриятлари, район, шаҳар, шаҳар районларидаги давлат солиқ инспекциялари. Украина давлат солиқ маъмурияти ижро ҳокимиятининг марказий органи ҳисобланади, уни бош вазир тавсиясига кўра президент томонидан тайинланган раис бошқаради. Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради: Солиқ қонунчилигига риояқилиниши устидан назорат олиб бориш; бюджетға ва давлатнинг мақсадли фондларига солиқ ҳамда тўловчиларнинг тўғри ҳисобланиб ўз вақтида, тўлиқ тўланишини таъминлаш; -солиқ тўловчи жисмоний шахслар ҳақидаги давлат реестрини юритиш ҳамда шакллантириш ва солиқ тўловчи юридик шахслар ҳақида ягона маълумотлар базасини юритиш, ташкил қилиш;-солиқ тўловчиларға солиқ қонунчилигини тушунтириш; солиқ милициясиваколатларига давлат томонидан

бириктирилган ҳолатлар юзасидан олдини олиш, суриштирув ўтказиш, очиб бериш, қидирув текширувлари ўтказиш.

Солиқ органлари тўғридан-тўғри: солиқлар ҳақида қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, солиқ тўловчилар ҳисобини олиб бориш солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тушиши, шунингдек жисмоний шахсларни ўз вақтида рўйхатга олиш; солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиши солиқ декларацияларининг аниқ тўлдирилиши, солиқ объектларига нисбатан ҳисоб-китоб муаммоларининг тўғри қўлланилганлиги ҳамда бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини назорат қилишади; солиқ қонунчилиги бузилган ҳолатларда тўланиши керак бўлган молиявий; маъмурий жазо чораларининг қўлланилиши, жарима ва пеняларнинг тўғри ҳисобланиб ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш; солиқ қонунчилиги бузилишларига доир маълумотларни таҳлил қилиб вазиятга баҳо бериш орқали чора-тадбирларни қўллаш; солиқларни яшириш ва камайтириб кўрсатиш фактлари юзасидан текширувлар ўтказиш; қарздор корхоналарнинг мол-мулкига тўловни қаратиш юзасидан давлатларни судга тақдим қилиб бюджетга ҳамда давлатларнинг бюджетдан ташқари фондларига боқимандаликни ундириб бериш; акциз йиғимлари юзасидан тегишли маркаларнинг мавжудлигини назорат қилиш; солиқларга тегишли қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб боришади.

Солиқ органлари ваколатларига қуйидагилар киритилган: юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни текширишни ташкил этиш; текшириш жараёнида юзага келган ҳолатлар юзасидан керак бўлган тушинтириш хати баённома, маълумотнома каби ёзма кўринишдаги ҳужжатларни фуқаролар ва мансабдор шахслардан олиш; фуқаролардан, ташкилотлардан, банклардан, тадбиркорлик фаолияти субъектларидан маълумотлар, молия-хўжалик фаолияти ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари, олинган даромад фойда, қилинган харажатлар тўғрисидаги ва шу каби солиқларни ҳисоблаш, тўлаш, ундириш билан боғлиқ маълумотларни олиш; корхона, ташкилот-бирлашмаларига тегишли бўлган омбор, ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа биноларни кўздан кечириш, агар тадбиркорлик субъектларининг юридик манзили ёки даромад олиш манбаи сифатида ишлатилаётган бўлса фуқароларнинг турар жойлари ҳам кўздан кечирилиши мумкин; корхона, ташкилот бирлашмалар раҳбарлари, мансабдор шахсларидан содир этилаётган солиқ қонунчилиги юзасидан жиноятларга чора кўришларини талаб қилиш* ҳужжатли текширув ўтказилишига қаршилик қилса ёки бино-иншоотларга солиқ хизмати ходимларини киритмасалар, солиқ ва бошқа тўловлар юзасидан юритилган ҳисоблаш ҳамда тўлашда асос ҳисобланувчи ҳужжатларни тақдим этишмаса, ёхуд тадбиркорлик фаолиятининг маълум бир тури билан шуғулланиш ҳақидаги рухсатнома, лицензияларни тақдим этмаслик ҳолатларида иш жараёнларининг тўхтатиб қўйиш; солиқ тўламаганликларини ёки яширганликларини кўрсатувчи ҳужжатларни (копиясини қолдирган ҳолда),

корхона, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик фаоляти субъектлари ҳисобланган фуқаролардан олиб қўйиш; корхона, ташкилотлар, бирлашма ва фуқаролардан молиявий жаримани ундириб олиш ҳамда белгилаш.

Японияда солиқларни ундириш (божхона божлари ва бир нечта йиғимлардан ташқари) Миллий солиқ бошқармаси зиммасига юклатилган.

Бу ташкилот бош бошқарма, минтақавий солиқ бошқармалар ва инспекциялардан иборат. Бош бошқарма солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва давлат солиққа тортиш ишларининг режасини ишлаб чиқади, минтақавий бошқарма ва инспекциялар бажариши мажбурий ҳисобланган кўрсатма ва директивалар чиқаради, бошқа ташкилот, вазирлик ҳамда чет эл солиқ органлари билан мувофиқлаштириш ишларини бажаради. Ўз навбатида таркибида; бошқарув хизмати бошлиғининг котибияти; солиққа тортиш бўлими; текширувлар бўлими; жиноий суриштирувлар бўлимини бирлаштиради.

Минтақавий солиқ бошқармалари тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг текширувларини ўтказди. Жойлардаги солиқ инспекциялари жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлов қобилиятларини баҳолашдаги ҳамда солиқ ва тўловларни ундиришади. Солиқ инспекциялари ўз таркибида; мувофиқлаштириш бўлими (кадрлар масаласи, бухгалтерия ҳисоби ва умумий масалалар бўйича мувофиқлаштириш), тушумларни йиғиш ва назорат қилиш, жисмоний шахслар бўйича инспекторлар гуруҳи, корхона ташкилотлар бўйича инспекторлар гуруҳини бирлаштиради. Миқдори кўпроқ ҳисобланган солиқ инспекцияларида, халқ билан ишловчи инспектор жорий қилинган.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ идораларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Жаҳон амалиётида солиқ маъмурияти органларини ташкил этишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Солиқ бошқарув идоралари таркиби қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
4. Солиққа тортиш борасидаги ваколатлар кимларга берилади?

2.2. Қонунчилик асосларига кўра солиққа тортилувчи субъектлар, уларнинг вакилларининг таркиби ҳамда гуруҳлари.

Солиққа тортилувчи субъектлар таркибини, солиқ юрисдикцияси таъсирида бўлган шахсларнинг йиғиндиси ташкил этади.

Бу таркиб эса ўз ўрнида жуда хилма-хил ҳисобланиб, умумий ҳудудга кўра бирлашув, умумий фуқароликка кўра, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа алоқаларга кўра бирлашган турли солиқ тўловчилар гуруҳларини ифодалайди.

Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш асосан уларнинг қандай шахс эканликларига қараб амалга оширилади. Худди шу асосга кўра, солиққа тортишда иккита солиққа тортилувчи субъект ажратилади-булар юридик шахс ҳамда жисмоний шахслар. Умуман олганда солиқ тўловчи сифатида уларнинг иккаласининг ҳам бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд, аммо бир қатор давлатларда тўланиши керак бўлган солиқ турларида, солиққа тортиш мақсадида ҳисоб юритилишида, солиқ имтиёзларини қўллашда, солиқ мажбуриятларини бажаришни талаб қилишда, солиқ қонуналарини бузган ҳолларда жавобгарликка тортишларга нисбатан ҳар қайси шахсга нисбатан алоҳида тартиб кўзда тутилган.

Жисмоний шахслар ҳар қандай давлатда солиқ тўловчилар салмоғидаги кўпчиликни ташкил этади. Бу шахсларнинг солиқ юзасидан мажбуриятлари уларнинг фуқароликлари, молиявий имкониятлари, эгалик қилиб турган мол-мулклари миқдорига, ёши, oilавий аҳволи, касбий тааллуқлиликлари ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда турлича кўринишда бўлиши мумкин. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда аҳамиятли жиҳатларидан биттаси уларнинг ёши ҳисобланади.

Масалан, Жанубий Кореяда ёшга асосланган ҳолда турли миқдордаги имтиёзлар назарда тутилади, шу муносабат билан мамлакатнинг миллий солиқ ҳакамлиги ўзининг қарорларидан бирида 20 ёшгача бўлган никоҳдаги фуқаролар солиқ ундириш мақсадида балоғатга етмаган деб ҳисобланишини, белгилаб қўйган. Жисмоний шахснинг у ёки бу мутахассисликка эга бўлиши ҳам солиқ тўлаш юзасидан мажбуриятларда ўз аксини топади. Масалан Бразилияда шундай қонун борки унга кўра хорижий дипломатик корпус вакиллари, консуллик хизмати ходимлари ва халқаро ташкилотлар

хизматлари банкдаги ҳисобларига ўтказиладиган ўтказма муомалаларидан солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Малайзияда эса фан, медицина, ҳисоблаш технологиялари тадқиқотлари билан шуғулланувчи, алоқа воситалари, қурилиш соҳаларининг юқори малакали мутахассислари агар хорижда ишласалар қайтиб келганларидан сўнг жамғармага ҳамда мол-мулкка белгиланадиган солиқдан 2 йилга озод этиладилар. Руминияда эса чет элга малакали мутахассислар хусусан информацион технологияларни дастурлаш бўйича мутахассисларнинг чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида дастурий таъминот ва дастурларнинг иш ҳақлари солиқлардан тўлиқ озод қилинган.

Оила аъзолари яъни эр ва хотинни солиққа тортиш баъзи давлатларда ўзига хос томонларига эга.

Испанияда уларга нисбатан умумий ставка қўлланилади аммо уларга белгиланадиган солиқ тўланадиган минимум индивидуал солиқ тўловчиларга нисбатан икки баравар юқори ва 860 минг пессетни ташкил қилади, 56% лик максимал ставка уларга кўпчилик солиқ тўловчилар қатори 10млн песетдан эмас балки 12 млн песетдан бошлаб қўлланилади.

Юридик шахсларнинг солиқ статуси уларнинг қайси ташкилий-ҳуқуқий, мулкчилик муносабатларига мансублигига, сармоядаги чет эл улушига, устав сармоясининг ҳажмига, тадбиркорлик фаолиятининг табиати ва ҳажми хусусиятларига боғлиқ ҳолатда белгиланади. Одатда хорижий компаниялар турли хил солиққа оид енгилликлардан фойдаланишади.

Хитойда хорижий компаниялар пойтахтда жойлашган бўлиб, юқори технологиялар соҳасида иш олиб боришса ҳамда тежалган пул маблағларини кўчмас мулк ва автомобиллар сотиб олишга сарфласалар 80% гача солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Махсус солиқ статусига эга бўлган компаниялар юридик шахсиятнинг алоҳида кўриниши бўлиб улар солиқ тўлашдан имтиёз ҳуқуқини рўйхатдан ўтаётган пайтларида олишади. Бундай компаниялар қаторига: халқаро тадбиркорлик компанияси, оффшор компания, халқаро компаниялар киради.

Солиқ тўловчилар – зиммасига солиқлар, йиғимлар ва божлар тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслардир.

Ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида алоҳида имтиёз ва хусусиятларга эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий

ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 39-моддаси) жавобгар бўла оладиган шахс юридик шахсдир. Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки ана шундай мақсади бўлмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси ФК 40-моддасига кўра).

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва муассаса мулкдори молиявий таъминланадиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўз уставида белгиланган мақсадларида мос миқёсда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Юридик шахслар уюшмалари (иттифоқлар)га бирлашиши мумкин. Юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, корхона устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Юридик шахслар ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахс ҳуқуқ лаёқати ташкил этилган пайтда юзага келади (Ўзбекистон Республикаси ФК 44-моддасининг 4-қисми) ва уни тугатиш якунланган пайтда тўхтатилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 55-моддаси 3-қисми). Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиш мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ваколатли орган фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда

тутилган тартибда ташкил этилади(Ўзбекистон Республикаси ФК 42-моддаси.). Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъекти ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 16-моддаси). Жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати фуқаролик ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Улар барча фуқаролар учун тенг даражада эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (Ўзбекистон Республикаси ФК 17-моддаси). Солиққа оид ҳуқуқ лаёқатини шахсларнинг ўз ҳаракатлари билан солиқ солишга имкон яратадиган, яъни даромад олиш шароитини яратиш лаёқати деб белгилаш мумкин. Юридик меъёрларга мувофиқ бу лаёқат 18 ёшда, яъни балоғат ёшига етганда юзага келади.

Қонунийлик демократик давлат тузумининг асосидир. Бу барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси, ижтимоий муносабатлар иштирокчисининг унга бир хил бўйсунishi демакдир.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонунийликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устунлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ бўлиши;
- давлат бошқаруви органлари қонунлар асосида ва уларни бажариш юзасидан чиқарган қарорларнинг давлатнинг қуёи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;
- маҳаллий органлар марказвй ҳокимият органларининг ҳужжатларини қатиян бажариши, жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятга марказий органларнинг аралашishiга йўл қўйилмаслигига;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини оғишмай амалга ошириш, давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зўравонлик қилинишига юл қўймаслик;
- фуқароларнинг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ туриб бажаришлари.

Қонунийлик жамият нормал фаолиятининг асоси, мустақил давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур ва ғоят муҳим шартдир. Унинг яшаши худди ана шунга боғлиқ, қонунийликнинг жамият ҳаётидаги реал роли худди ана шундан иборат. У ижтимоий муносабатдаги барча иштирокчиларнинг ҳаракат бирлигини, интизом ва ҳуқуқий тартибни таъминлайдики, буларсиз иқтисодиётни шакллантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур этиб бўлмайди.


Демократизм қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ, томонидан назорат қилинишини ва ҳ.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари камситилишига уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ, ҳокимиятини қонунларнинг фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан бир хил тушунилиши ва оғишмай бажарилишини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Демократиясиз қонунийлик йўқ, лекин қонунсиз демократия ҳам йўқ.

Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари ишонтириш, олдини олиш, қонунни бузувчиларга бевосита жамоат таъсири кўрсатиш, қонунийликнинг юридик кафолатларини такомиллаштиришдан иборатдир. Қонунийликни бузишларга қарши курашда ҳуқуқ, талабларини бажаришга давлат томонидан мажбур қилишдан ҳам зарур даражада фойдаланилади.

2.2.1-

чизма.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг бирон-бир соҳасига мансублигига қараб, юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлаш одат бўлган:



Юридик жавобгарлик - бу талабларнинг энг асосий ифодасидир. У тартиббузарларга нисбатан қонуний ҳуқуқий санкцияларни қўллашдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик (жиноят содир этганлик учун), маъмурий, интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, хизматда ёки ишда интизомий ноҳўя ҳаракат, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги) фарқланади.

Юридик жавобгарлик-мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб унинг моҳияти тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқ фанида узоқ ва жўшқин баҳслар бормокда. Ушбу баҳсларнинг моҳиятига чуқурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик - жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган ҳуқуқбу-зарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкӣ номақбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиқ тўғрисидаги қонун элементлари нималардан иборат?
2. Солиққа тортиш субъекти нимани англатади?
3. Солиққа тортиш объекти ва предметиға таъриф беринг?
4. Солиқ базасини ҳисобға олиш услубларини тушунтириб беринг?
5. Давлат солиқ юрисдикциясининг предметиғи тушунтиринг?

2.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида солиқ масалалари

Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал кодексига (ЖПК) мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари солиққа доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича суруштирув органлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисидаги қонунида солиқларга оид қуйидаги ҳукмлар мавжуд: - 7-моддасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари...қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилайди, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар беради.....

- Давлат бюджети даромадлари деб номланувчи 11-моддага биноан Давлат бюджети даромадлари:.....қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар.....ҳисобига шакллантирилади;
- Республика бюджети даромадлари деб номланган 15-моддага кўра

Республика бюджети даромадлари: қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

- 18-моддага асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари... қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади;
- 27-моддага биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси: умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу

жумладан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади.

Солиқ маслаҳати тўғрисида (ЎЗР 21.09.2006 й. ЎРК-55-сон Қонуни)га асосан ушбу қонуннинг мақсади солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир. Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва махфийлик принципларига асосланади. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар: мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат беришни; солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни; судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги хусусидаги суғурта шартномасига биноан суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шартидир. Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ваколатли давлат органи: солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади; солиқ маслаҳатчилари реестрини юритади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Ваколатли давлат органи ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи солиқ маслаҳати бўйича кенгаш тузилади. Солиқ маслаҳати бўйича кенгаш таркибига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, солиқ маслаҳати соҳасидаги мутахассислар кириши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари солиқ маслаҳатчиси бўлиши керак.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда: бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш; молиявий ҳисобот тузиш; бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга: мижоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш; солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан (ишонч билдирувчидан) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш; солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотномалар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасалар ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш; солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқа шу кабилар) ҳамда улардан жавоблар олиш; солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш; мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад қилиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти: мижознинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиши;

солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши;

мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши шарт. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тақдим этади. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган солиқ маслаҳати предмети ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисидир. Солиқ маслаҳатчиси, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин. Солиқ маслаҳатчиси ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ўз малакасини ошириши шарт.

Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсга бериладиган малака сертификати билан тасдиқланади. Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқийдир.

Малака сертификатини олишга қуйидаги талабларга жавоб берадиган: олий маълумотга эга бўлган; солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини ўтаган; камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс талабгор бўлиши мумкин. Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида амалга оширади.

Малака талабларига жавоб берадиган шахс малака имтиҳони топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади: солиқ маслаҳатчисининг аризаси; солиқ маслаҳатчиси томонидан солиқ

маслаҳати бериш давомида олинган маълумотлар миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатсиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги; солиқ маслаҳатчини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги; солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ўтамаганлиги; малака сертификатини солиқ маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги; муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги; фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади. Қонунда назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас. Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади: ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганлиги; малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Қонунда назарда тутилган асослар бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс малака сертификати бекор қилинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлиқ топшириқларини солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботга имзо қўйиш ҳуқуқсиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг меҳнат шартномага қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади. Солиқ

маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт малака сертификати олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

Учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг фаолиятига аралашishi, улардан профессионал хизматлар кўрсатиш вақтида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиши, шунингдек бундай маълумотларни солиқ маслаҳатчиларидан, солиқ маслаҳатчиларининг ёрдамчиларидан ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган бошқа шахслардан талаб қилиши тақиқланади.

Солиқ маслаҳатчини амалга ошираётган шахслардан улар солиқ маслаҳати бўйича вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда тайёрлаган ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчиси ва унинг ёрдамчиси профессионал вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчилари суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан экспертлар ҳамда мутахассислар сифатида, шунингдек текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида хизмат қилувчи шахслар солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин эмас. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас. Солиқ маслаҳатчилари ва (ёки) солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчилари бирлашмасини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Солиқ маслаҳати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида мижозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Мижозга (ишонч билдирувчига) етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак. Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зиён ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида ҳам солиқ муносабатларига оид ҳукмлар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат: 145-

моддада..... диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш..... ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

184-моддаси солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деб номланиб, унга кўра:

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш:

а) такроран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Солиқ сиёсати ва солиқ қонунлари турли хил қонуний манфаатларни ҳимоя қилиб такомиллашиб бориши натижасида, солиқ қонунбузарларини турлари ҳам ўзгариб боради. Яъни солиқлардан қочишнинг янги формалари ва методлари пайдо бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга солиқ тўловчилар орасида катта табақаланишларга олиб кела бошлайди. Бунга қарши солиқ идоралари доимо уларни олиш учун курашишлари, кучсиз бўлиб қолган қонунлар ўрнига таъсирчан ва қонунларни оқилона қонунлари қўллашлари талаб қилинади.

Қонун талабларидан чекиниш, қонунийликни бузиш ҳуқуқ тартиботига, пировардида эса давлат томонидан қўриқланадиган манфаатлар ва ўзаро муносабатларга тажовуз қилиш демакдир.

Солиқ қонунларини бузилиши олдини олиш, қонун бузилган ҳолларда эса солиқ тўловчиларга нисбатан оқилона ҳамда қонуний жарима ва жазо чораларни қўллаш ёки уни янада такомиллаштириш ҳам мамлакатимизда солиқ сиёсатини амалга оширишда катта рол ўйнаши билан бир қаторда, солиқ субъектларини қонунларга бўйсунтиришлари, уларни ҳурмат қилишга ва охир-оқибатда иқтисодий ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ суммаларини тўламаслик, рўхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоб- китобларини тўғри олиб бормаслик ва бошқалардир. Ҳозирги вақтдаги асосий вазифаларимиздан бири амалиётда қўлланилаётган жарима ва жазо чораларини такомиллаштириб, уларни қўллаш доирасини келиб чиқиш сабабларига қараб жавобгарлик чораларининг оптимал йўлларини топишимиздан иобратдир.

Чунки, олдинга қўйилган асосий вазифа жарима ва жазо чораларини қонунларимизнинг бузилиш даражасига қараб яъни турли хил йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин толовчилар билан бошқа сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйган субъектларни бир-биридан ажратиш ва уларга қўлланиладиган санкцияларни йўл қўйилган хато учун жазо берилганлигини онгига етказишдир.

Солиқ қонунчилигига риоя этилишни назорат қилишда давлат солиқ кўмитаси солиқлар ҳамда йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартига соладиган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Назорат ишларини амалга ошириш чоғида эътибор, бажарилаётган топшириқларни тўлалигига ўз вақтидалиги ва маълумотларнинг ишончилигига мансабдор шахсларнинг ҳатти – ҳаракатлари ва ўтказилаётган операцияларнинг қонунийлигига қаратилиб, фаолиятни яхшилаш ва ишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик ва камчиликларни бартараф этиш учун ички резервлар аниқланади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалиётда қўллаш жараёни, ҳар доим турли хил қарашлар, баҳслар ва мунозаларни келтириб чиқаради. Чунки, солиқ қонунлари жамиятнинг иқтисодий-сиёсий

хаётида муҳим рол ўйнаб, барча партиялар, жамоат ташкилотлари, мулкчилик шаклининг барча турларидаги хўжалик юритувчиларнинг ҳамда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳаётига, фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Ўз томонидан субъект ҳам солиқ сиёсатини ва қонунларини шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки мустақил давлатимизда давлат органларининг айрим ваколатларини фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич бериш масалалари ҳал қилинмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деб кўрсатилган дастуридан келиб чиқиб, қуйидагиларни кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ:

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг рўйхатдан ўтказиш ваколатини, шу фуқаро яшаб тўрган фуқаролар йиғинига берилиши керак. Бундай ваколатни берилиши;

- тадбиркорликни ҳокимликка бориб, рўйхатдан ўтиб келиши учун кэтадиган бир неча кунлик вақтни ҳамда маблағни тежайди;
- жойларда рўйхатдан ўтказиш, фуқаролар йиғинини тадбиркорларга нисбатан жавобгарлик ҳиссини оширади;
- рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган тўлов суммалари тегишли фуқаролар йиғининг ҳисоб рақамларига тушурилади;
- солиқ қонун ва қоидаларини аҳолига етказиш ва назорат қилишда маҳалла фаолларидан фойдаланиш имконияти катта. Ўз чэгара ҳудудларини яхши билганликлари учун бундай фаолият турлари билан қонуний шуғулланувчиларни аниқлашда участка солиқ инспекторига катта ёрдам бўлади.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида кўп миқдордаги тадбиркорларни рўйхатга олишга ва бунинг натижасида тадбиркорлар томонидан қоида бузилишларни олдини олишга, уларга нисбатан турли хил жазо ва жарималар қўлланилиши олди олинган бўлар эди.

Шунинг учун молиявий, маъмурий ва жиной жавобгарликка тортиш учун асосий омил бўлиб, бюджетга келтирилган зарар суммаси ўйнар экан, ушбу омилни ҳақиқатга яқинроқ қилиб, солиқ тўловчилар томонидан бюджетга вақтинчалик ошиқча ўтказилган солиқ ёки тўлов суммаларини эмас, балки улар томонидан бюджетга тегишли бўлган

сумма деб топшириладиган ҳисоботлардаги суммаларни инобатга олишимиз ва унга нисбатан қўшимча ҳисобланган суммаларни назарда тутишимиз керак. Чунки бюджетга ошиқча ўтказилган сумма, бу вақтинчалик сумма бўлиб, бюджет билан ҳали тўла ҳисоб-китоб қилинмаган ҳамда уни солиқ тўловчилар томонидан хоҳлаган пайтларида қайтариб олиб қўйиши мумкин бўлган суммадир. Лекин ҳисоботлардаги солиқ суммалари давлат бюджетига тегишли бўлиб, солиқ тўловчилар билан ора очик қилинган сумма.


Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиққа тортиш методларига кўра омилларни танлаш нимани англатади?
2. Солиққа тортиш ҳақидаги қонунларда қайси тамойилга кўра жазолар тавсифланган?
3. Солиқ имтиёзлари турларига нисбатан жазоларнинг таъсири нималарда кўринади?
4. Солиқдан бўйин товлашларга нисбатан жарималарни жорий этиш зарурати нимада?

2.4. Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмурияти органлари ва уларнинг бошқа маъмурий органлар билан баҳамжиҳат ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ўз ваколати доирасида солиқ солишнинг субъектлари ва объектлари, солиқ базасини белгилаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар бўйича умумий мажбурий тусда қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак. 2.4.1 - чизма.

O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq xizmati tizimi tuzilmasi



Давлат бошқаруви вазифаларининг мураккаблашуви солиқ органлари тизими фаолиятининг самарадорлигига нисбатан талабнинг оширилиши Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси» фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги 14-сонли қарорга асосланади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари

хизмат вазифаларини бажариш пайтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ қонунчилигига риоя этиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар ижро этилиш учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига ҳеч кимнинг аралашувига ҳаққи йўқ. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг шаъни ва ор - номусини ҳақоратлаш, улар хизмат бурчларини бажараётганида қаршилик кўрсатиш, таҳдид солиш, зўравонлик қилиш қонун ҳужжатларида кўрсатилган жавобгарликка олиб келади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиснинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармаларининг, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида санаб ўтилган давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари солиқ хизмати тегишли органларининг раҳбари томонидан тайинланади.

- «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган мансаблар ва иш стажига мувофиқ махсус унвонлар берилади.

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Солиқ ишларини юритишда давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан муносабатлари.

Давлат солиқ идоралари ўз олдиларига қўйиладиган вазифаларни бажариш ва ўз функцияларини амалга ошириш давомида давлат бошқарув идоралари билан доимий ҳамкорлик қиладилар. Давлатнинг

бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатларда аниқ солиқ идораларининг мазкур вазифа ва функцияларини қандай даражада бажаришини ҳам белгилаб беради.

Давлат идоралари тизими умумий ваколатли, функционал ва тармоқ идораларининг бир бутун ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимини ифодалайди. Шу сабабли давлат солиқ идораларининг давлатнинг бошқа тизимлари билан ўзаро алоқалари характерини ўрганиш мустақил таҳлил ва доимий тармоқланиш объекти сифатида қаралиши керак. Солиқ идораларининг Республика иқисодиётига тасирининг кенглиги мазкур идоралар иш шакллари ва фаолият мазмунининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, ушбу муаммога катта эътибор бериш жуда муҳимлиги тўғрисида ҳулоса келиб чиқади.

Солиқ қонунлари сўзсиз равишда ўзгартиришларга муҳтож бўлган бир шароитда давлатда таркиб топаётган солиқ вазияти, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг бюджетга тўлиқ миқдорда киритилиши солиқ идораларини ташкил этиш пайтида улар олдида қўйилган мақсадларига еришиши, солиқ тўловчиларнинг ўзларининг муносабатлари, солиқ қонунларига риоя қилиниши кўп жиҳатдан Республикадаги солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларининг мувофиқлаштирилган тарздаги, амалий, оператив равишдаги баҳамжиҳат характерга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат органлари билан биргаликда солиқ қонунларининг қўлланилиши амалиётини мунтазам тарзда таҳлил этади ва умумлаштиради, улар асосида амалда меъёрий ҳужжатларга республикадаги иқтисодий вазиятнинг ривожланишини талаб қиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайинлайди.

Давлат солиқ қўмитасининг иштирокида вужудга келадиган маъмурий - ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқарканмиз, уларнинг ичида давлат қўмитаси назорат остидаги томон бўладиган ва давлат солиқ қўмитаси намоён бўладиган муносабатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи ҳолда бу давлат солиқ қўмитаси билан ижрочилик ҳокимиятининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти, шунингдек, ҳокимиятнинг олий вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва республика ижрочилик ҳокимияти

органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Давлат солиқ қўмитасининг республикадаги давлат ва ижрочилик ҳокимияти раҳбар республика президенти билан муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституция нормаларида белгилаб берилган.

Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти, айти вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади, бунда у ўзига юклатилган ваколатларга мувофиқ равишда ижро етувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади..

Президент, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини лавозимларга тайинлайди ва бўшатади.,Республика бошқарув органларининг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади, ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди.

Президентнинг Республика Конституцияси ва қонунлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан чиқарадиган фармонлари кўпинча директивлар ва аниқ вазифалардан иборат бўладик, бундан ҳукуматнинг ва давлат солиқ қўмитасининг ўзаро муносабатлари масаласига келганда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай ҳуқуқий муносабатлар учун қуйидагилар белгиловчи омил ҳисобланади: Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ унинг ваколатларига киритилган ҳар қандай масалани, шу жумладан, масалан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилишга (Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 78-моддаси 8-банди) доир масалани ўзини кўриб чиқиш учун қабул қилишга ҳақлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 19-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги Конституциявий қонуннинг 4-модда 19-бандига мувофиқ Олий Мажлиснинг Президентнинг Вазирлар, Давлат қўмиталари ва

давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органлари тизимининг ва ваколатларини белгилаш Олий Мажлиснинг фавқулотда, ваколатларига киритади. Агар Республика Президенти Давлат бошқаруви органларининг ҳужжатларига нисбатан уларни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса Олий Мажлис бундай юридик ваколатларига эга, бироқ «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис тўғрисида» ги Конституция қонуннинг 11-моддасига мувофиқ у республика Олий Мажлисининг қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижро қилиниши устидан назоратни амалга оширади ва шубҳасиз, солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонуний активларни назорат қилиш борасида бу иккала органнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилмаслиги мумкин эмас.

Олий Мажлис ўзининг доимий амал қилувчи қўмиталари ва комиссиялари орқали давлат солиқ қўмитасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб туради.

Депутатларнинг сўров билан мурожот қилиши ҳам давлат қўмитаси билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини баҳамжиҳат ҳаракатини яна бир қирраси бўлиб хизмат қилади.

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг ҳар қандай аъзосининг улар бошқарадиган орган фаолияти масалалари бўйича ҳисоботини эшитиш ва зарур бўлганида унинг истеъфоси ҳақидаги таклифни республика президентининг кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эгадир. Бу Олий Мажлиснинг давлат органлари фаолиятининг назорат қилишнинг амалий шаклидир.

Шундай қилиб, Давлат Солиқ қўмитаси билан Республика вакиллик ҳокимияти олий органининг баҳамжиҳат ҳаракати аввало Олий Мажлиснинг қонунчилик функцияларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлади.

Давлат солиқ қўмитаси билан Республика ҳукумати ўртасида жуда мустаҳкам ўзаро муносабатлар мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати республиканинг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва бутун давлат бошқарув органлар тизимида уларнинг келишилган тарздаги фаолиятини таъминлаган ҳолда раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар

Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фаолият доирасига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва у тўғрисидаги қонунга биноан маҳкаманинг ваколатларига кирадиган давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳамма масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Айни вақтда, Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар ва давлат қўмиталарининг, идоралар ва давлат бошқарувининг бошқа органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва йўналтирилади, шунингдек, вазирликлар давлат қўмиталари тўғрисидаги тегишли низомларни тасдиқлайди, яъни давлат органининг тузилишини ва унинг ваколатларини белгилайди, қонуннинг ушбу нормалари бошқа барча давлат бошқаруви органлари сингари давлат солиқ қўмитаси ҳам Вазирлар Маҳкамасига бўйсунishi ва унинг олдида масъулиятли эканлигини билдиради.

Ҳукуматнинг давлат солиқ қўмитасига бевосита раҳбарлик қилиш давлат солиқ қўмитаси амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар; умумий директивлар ёки аниқ кўрсатмалар чиқариш орқали ҳам намоён бўлади 1994 йил 4 мартдаги 114-сонли қарорига мувофиқ, тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига маълумот учун қаралсин. Давлат солиқ қўмитасининг ҳужжатлари ҳусусида шуни айтиш мумкинки, агар улар амалдаги қонунларга зид бўладиган бўлса, ҳукумат уларни бекор қилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат солиқ қўмитасининг фаолият устидан амалга оширишга доир функцияси «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» ги қонунда мустаҳкамланган ва у одатда қўмита раҳбариятининг аниқ, масалар юзасидан ахборотининг мунтазам равишда тинглаб турилиши орқали амалга оширилади. Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона қонунларини такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига киритиш бўйича тўлиқ ҳуқуқига эгадир.

Давлат солиқ қўмитаси ўзига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ равишда шунингдек Қорақолпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига солиқлар ва бошқа тўловларни келиб

тушишига доир топшириқларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этиш ва кейинчалик бу тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериш функциясини ҳам ижро этади.

Давлат солиқ қўмитаси хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини солиқлар ва божхона воситасида, тартибга солиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолашда, икки ёқлама солиқ солинишини бартараф қилиш юзасидан ҳукуматнинг топшириғига биноан ҳукуматлараро тасдиқлаш ва имзолашда иштирок этади.

Вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органлари давлат бошқаруви органлари билан турли йўналишлар бўйича баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Давлат солиқ идораларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати уларнинг Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган ягона солиқ сиёсатини амалга оширишда, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар бюджетларига солиқлар ва бошқа тўловларни келиб тушишларини таъминлаш борасидаги топшириқларнинг бажариш натижаларини таҳлил этишда катнашишида намоён бўлади. Бундай назорат қиладиган объектлар ҳам тегишли маҳаллий ҳокимият органининг ҳудудида жойлашган бўлади.

Давлат солиқ инспекцияларининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда марказлаштирилган идора усули ва қонунчилик режимида иш олиб бориши ҳам кўриб чиқиладиган органларнинг муносабатларни тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Баҳамжиҳат ҳаракатнинг айти шундай даражасида умумдавлат ва ҳудудий маълумотларнинг қўшиб олиб борилиши, маҳаллий ҳокимият органлари ҳудудларини комплекс тарзда ривожлантиришнинг турли ҳилдаги муаммолари вужудга келади. Уларнинг муваффақиятли тарзда ҳал этилиши ҳамкорлик масалаларининг биргаликда муҳокама қилиниши, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг иштирокини тақозо этади.

Бундай маҳаллий органлар вакилларининг мустаҳкам ҳаракатлари умуман давлатнинг солиқ сиёсатига оид бўлмаслиги лозим ва мумкин эмас, аксинча, маҳаллий ҳокимиятларининг мустақиллигининг кенгайиши минтақавий даражадаги иқтисодий муаммоларни давлат

бюджетидан маблағларни жалб қилмасдан ҳал этишига имкон бериб, республика солиқ тизимининг кўпроқ манёврлар қилишига асос бўлади. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларнинг солиқ сиёсати жойлардаги солиқ механизмининг уюшқоқлигидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг янги турларини жорий этиш, ставкаларини ошириш ёки пасайтириш солиқ имтиёзларини қўллаш усулларида фойдаланиб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва давлат бюджет тақчиллигининг камайишига кўмаклашади.

Солиқ идораларининг ваколатлилиги ва касбий даражаларини ҳисобга олиб, уларга барча даражадаги вакиллик ҳокимиятининг органларига қуйи ҳокимият идораларининг республикада амал қиладиган солиқ қонунларига зид келадиган қарорларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни киритишдек жуда муҳим ҳуқуқ берилади. Давлат солиқ қўмитаси кундалик фаолият жараёнида давлат бошқарувининг бошқа органлари билан тез – тез муносабатларда бўлиши давлат назоратининг ушбу марказий органи фаолияти тусини аниқ равишда ажратиб кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар унинг асосий тартибига солувчи омил бўлади. ҳокимият ва бошқарувнинг деярли барча органлари бу жиҳатини у ёки бу даражада ҳисобга олиши керак бўлади ва айнан шу ҳолат Давлат солиқ қўмитасининг ушбу органлар билан кўп турдаги муносабатларининг объектив зарурлигини белгилайди.

Шу жиҳатдан олганда давлат бошқарувининг давлат солиқ қўмитаси ва Молия Вазирлиги сингари органлар тизимининг баҳамжиҳат ҳаракати бир мунча ибратга лойикдир. Аввало мазкур органлар олдида тўрган вазифа ва мақсадларни умумийлигини таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Масалан, молия вазирлиги молия тизими таркибига кирадиган органларни бошқариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси молия тизими механизмининг яхлитлигининг, бозор муносабатларининг шаклланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шароитида нархларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллариининг аҳамиятини кучайтиришни таъминлай бориб, давлатнинг молиявий, валюта, монополияга қарши нарх-наво сиёсатиға мувофиқ келадиган солиқ сиёсатини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия органларининг корхоналарининг хорижий валютадаги маблағларнинг мажбурий тартибда сотилиши лозим бўлган суммаларининг, шунингдек,

корхоналарнинг даромадларидан тўлайдиган солиқларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Қайси идорага бўйсунитидан қатъий назар савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарнинг фаолиятини текширишлар фақат давлат солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Улар ўтказиладиган валюта операцияларининг амалдаги қонунларга мувофиқлигини ва бунинг учун зарур рухсатномаларининг мавжудлиги, резидентларнинг бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларнинг тўлашга оид мажбуриятларини шунингдек, хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига сотишга доир мажбуриятларини бажаришларини, валюта маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳам валютадаги тўловларнинг асосийлигини, ниҳоят валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлигини ва оперативлигини биргаликда текширишади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма банк муассаларига солиқ бошқармалари ва инспекцияларини тақдимномаларига биноан корхоналар, муассалар ва ташкилотларнинг ҳисоб варақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид қарзлар суммасини муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун маълум миқдордаги пеняни ҳисоблаган ҳолда шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун актларида назарда тутилган жарималар ва бошқа санкциялар суммасини биринчи навбатли тартибда ундириб олиш, фуқаролардан эса суд тартибида ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

Банк ёки кредит муассасининг айбига кўра солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси ижро қилинмаган ҳолларда эса ушбу банк ёки кредит муасссадан солиқ тўловчининг ёки солиқ идорасининг топшириқномаси келиб тушган кундан бошлаб тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун солиқнинг тўланмаган суммасининг маълум миқдорда белгиланган тартибда пеня ундириб олинади. Пенянинг ундирилиши банк ёки кредит муассасаларининг солиққа оид топшириқларни бажаришдан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси асосий вазифани Ўзбекистон Республикасининг қонунларига амалдаги божхона қонунларига риоя қилиниши, давлат солиқлари, йиғимлари, божхона

божлари ва бошқа мажбурий тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва тўлик ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида Республика ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари тизими билан кўпгина аниқ баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурияти пайдо бўлади.

Давлат солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлик бўлинмалари ва уларнинг жойлардаги хизматлари билан амалий ҳамкорлиги уларда давлат иқтисодий мафаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор умумий вазифаларини мавжудлиги билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида тегишли воситалар ва усуллар давлат иқтисодиётига жиноий вазият хусусида ахборотларни йиғишни амалга оширади, уларни таҳлил қилади ва аниқланган ҳуқуқбузарларга нисбатан чоралар кўра бошлайди.

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, МХХ, ИИБ солиқ ва божхона ҳонунларига риоя қилиниши соҳасидаги жиноятларни зудлик билан ва оператив тергов қилишни ташкил этади. Бундай чора-тадбирлар орасида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бажарадиган чора-тадбирларга катта аҳамият берилади, бу орган солиқ ва божхона идораларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериладиган материалларининг кўрилиб чиқиши устидан амалий назорат юритилишини таъминланиши ва ушбу материаллар юзасидан кўзғатиладиган жиноий ишлар бўйича текширувларнинг бориши, тўлиқлиги, сифати ва муддати устидан қатъий назорат юритиши, судларнинг бундай ишларнинг кўриб чиқишида прокурорларнинг албатта иштирок этишларини таъминлашлари лозим бўлади.

Эслатиб ўтилган хизматларни солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарларга қарши курашдаги куч-ғайратларни бирлаштириш, уларнинг кучлар, воситалари ва техник имкониятларини бир жойга тўплаш, кўпроқ сондаги объекларни қидирув ишлари билан қамраб олиши, бу органлардан ҳар бирининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун имкониятлар яратади. Бунда қуйидагилар асосий вазифа ҳисобланади:

- солиқ қонунларига риоя қилиниши тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни таъминланиши;

- солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг огоҳлантирилиши, аниқланиши, очилиши ва тергов қилиниши;

- солиқ жиноятларини содир қилган шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жалб қилиниши ва уларнинг давлатга етказган моддий зарарини тўла қоплашини таъминлаш;

- солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

- солиқ идораларидаги порахўрлик фактларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш солиқ ва божхона идоралари ходимларига нисбатан қилинаётган жиноий ниятларни очиб ташлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ҳаракат қилиб уларни бартараф этиш чора-тадбирларни қўллаш йўли билан ушбу ходимлар фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш ;

- солиқ ва божхона идоралари ходимларининг касбий малакаларини ошириш;

- иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш масалалари юзасидан ахборотлар билан алмашилиш, солиқ ва божхона қонунларини бузилишлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил этиш.

Давлат солиқ хизмати органининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида туланиши устидан назоратни амалга ошириш;

- солиқ қонун ҳужжатларига ривоя этишда зарур шартларни таъминлаш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

- солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;

- солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;

- солиққа доир ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш;

- назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг ҳаммасини мувофиқлаштириш.

Ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси куйидаги функцияларни бажаради.

1. Қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, солиқлар тўғри ҳисоблангани, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширади, ана шу мақсадда:

- солиқ солиш объектлари ва субъектларини ҳисобланган ва тўланган солиқларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олишни, жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлашга доир;

- солиқ қонун ҳужжатларини бузиш фактларини туплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш буйича таклифлар киритишга доир;

- юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни рўйхатга олиш (идентификация) рақамларини берган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида уларни ҳисобга қўйиш ҳақида ҳужжатларни беришга доир;

- солиқлар тушишини таъминлаш ишида топшириқларни бажариш натижаларини таҳлил қилишга доир;

- жисмоний шахслар даромадларини ялпи декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишга доир;

- хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини солиқлар ёрдамида тартибга солиш чораларини ишлаб чиқишга, ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва тузишга, солиқ сиёсатини, шунингдек, икки томонлама солиқ солишни бартараф этиш буйича битимларни мувофиқлаштиришга доир;

- муддатида тўланган солиқларни ундиришга, мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, ҳазиналарни, шунингдек, мерос колдириш ҳуқуқи буйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзни-ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш устидан назорат қилишга доир ишларни ташкил этади.

2. Ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга оширишда иштирок этади, ана шу мақсадда:

- солиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича услубий ишларни олиб боради;

- молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирлик ҳамда идоралари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш учун мажбурий бўлган Солиқ қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни белгиланган тартибда эълон қилади;

- бюджетга солиқлар тушиши прогнозини ишлаб чиқишда иштирок этади;

- солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар шакллари ишлаб чиқади;

- солиқ қонун ҳужжатлари бўйича меъёрий ҳужжатлар тўпламларини тайёрлайди ва нашр этади. Ўз қўл остидаги органларни қонун ва йўриқномавий материаллар, Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш шакллари билан таъминлаш бўйича чоралар кўради.

3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонунларида мухофазаланадиган манфаатларини ҳимоя қилади, солиқ солиш масалалари ва солиқ қонун ҳужжатларини бузишлар бўйича шикоят ва аризаларни белгиланган тартибда кўриб чиқади, ана шу мақсадда:

- солиқ қонун ҳужжатлари масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказилишини;

- солиқ қонун ҳужжатлари тўғрисидаги ахборотни нашр этиш, кўпайтириш ва қўл остидаги ташкилотларга етказиш учун сервис марказлар фаолиятини, солиқ тўловчиларни солиқларни тўғри ҳисоблаш, ҳисобот ва декларацияларни тақдим этишга ўргатишни, шунингдек, маслаҳат хизматлари кўрсатишни ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонун ҳужжатлари қўлланиши амалиётини ҳисобга олиб, давлат солиқ хизмати органлари ишининг устун йўналишларини белгилайди, улар фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда киритади.

5. Хукукни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда солиққа доир ҳукуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

6. Солиқ қонун ҳужжатларини бузишлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текширади.

7. Хизмат вазифаларини бажараётганида давлат Солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайди.

8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишига доир ишларни ташкил этади.

9. Қўл остидаги бўлинмалар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

10. Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишини ташкил этади, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни йўлга қўяди, ана шу мақсадда давлат Солиқ хизмати органлари идораларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича марказлар ташкил этади.

11. Давлат Солиқ хизмати органлари ходимлари лавозимларининг малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациялашни, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар берилишини амалга оширади.

12. Давлат Солиқ хизмати органлари ишининг самарали бўлишини кўзлаб.

- солиқ, ахборотини қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлашнинг энг сермеҳнат жараёнларини автоматлаштириш мақсадида солиқ, тушумлари, барча солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларга ишлов беришнинг ягона компьютер тизимини яратади ва ундан фойдаланади, Солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

- давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника таъминотини, материаллар ва ускуналарга ажратилган фондлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

- давлат солиқ хизмати органларининг ижтимоий ривожланиш ва моддий-техника таъминоти махсус фондини тўғри шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш устидан назорат қилади;

- солиқлар ва солиқ, тўловчиларни ҳисобга олишнинг ягона компьютер тизимини яратиш, давлат солиқ хизмати органларини моддий-техникавий таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади ва хорижий солиқ органлари билан ҳамкорликни ривожлантиради.

13. Юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштиради, назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолияти текширилиши ва тафтиш қилишини тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритади. Қонун ҳужжатларида бошқа функциялар ҳам кўзда тутилган.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

1) солиқ, тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғланган субъектларнинг муқобил тусдаги) молия ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режа, сметалари, даромадлар тўғрисидаги декларациялари ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ, бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт - импорт операциялари билан боғлиқ, ҳужжатларни топшириш, текширишларда пайдо бўладиган масалалар буйича зарур тушунтиришлар, маълумотнома ва ахборотлар олиш;

2) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчилар фаолиятига тааллуқли маълумотномалар, ахборотлар, ҳужжатлар ва улардан кўчирма нусхалар олиш;

3) белгиланган тартибда:

- солиқ қонун ҳужжатларини бузишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахслардан даромад (фойда) ва солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилганидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ашёларини;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган жисмоний шахслардан кейинчалик мазкур фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берган органларга ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни берган ҳолда лицензиялар, патентлар ёки рўйхат гувоҳномаларини олиб қуйиш;

4) кассалар ва товар - моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаш, товарлар, маҳсулотлар, хом-ашё материаллар ва ярим

тайёр махсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш ҳамда уларни таҳлил, тадқиқ ва экспертиза қилиш учун юбориш;

5) савдо-сотиқ, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш коидаларига риоя қилинишини текшириш;

6) юридик (шу жумладан, алоҳида иш режимига эга кор-хоналар) ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки жойлашган еридан қатъий назар солиқ солиш объектларини тутиб туриш билан боғлиқ ишлаб чиқариш. Омбор, савдо ёки бошқа бинолари ҳамда жойларини текшириш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини амалга ошириш ҳамда товар - моддий бойликларни инвентарлаш. Солиқ текширувини амалга ошираётган солиқ хизматининг мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборот (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари тўғрисидаги ахборот) асосида ёки бошқа шу сингари солиқ тўловчиларга ўхшатиб солиқ суммаларини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга;

7) юридик ва жисмоний шахслардан аниқланган қонун-бузарликларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) улар ҳужжатлар асосида (санок) текширувни ўтқа-зишдан ёки давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсларини даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ солиш объектини тутиб туриш билан боғланган бинолар ва жойларни текшириш учун киритишдан бош тортган, давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тақдим етмаган (ёки бундан бош тортган) ҳолларда юридик шахсларнинг, шунингдек, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари буйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

* солиққа доир ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни куриш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш;

* маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни куриш ва маъмурий жазо чоралари қўллаш;

10) солиққа доир ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар ва тартибда мусодара қилиш;

11) солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек, жарима санкциялари суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, сўзсиз тартибда ундириш;

12) қонунга хилоф равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғаб судга мурожаат қилиш;

13) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия – хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш ва тафтиш қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар утказаётган хўжалик субъектларининг молия - хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларни тухтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

14) даромад (фойда)ни ёки солиқ солиш бошқа объектларини яшириш фактлари аниқланганда суриштирув ўтказиш, жиноий иш қўзғаш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тергов органларига топшириш.

Давлат солиқ, хизмати органлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқдарга ҳам эга. Давлат солиқ хизмати органларининг 1-7-бандларда кўзда тутилган ҳуқуқлари давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8-14-бандларда кўзда тутилган ҳуқуқлар эса фақат давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади. Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумотнома бериш ва бошқа ташкилотлари томонидан солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотларни берганлик учун хизмат (иш) ҳақи тўлашдан озод этилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига ёрдам бериши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиш бўйича белгиланган тартибда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

мавжуд материаллар ва уларни бартараф этиш бобида кўрилган чоралар, ўтказилган текширишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа хил маълумот билан алмашинадилар.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Давлат назорати ва бошқарувнинг мустақил соҳа сифатида солиқ идораларининг фаолият кўрсатишига қачон асос солинган?
2. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари?
3. Давлат солиқ хизмати ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга оширишда қандай иштирок этади?
4. Солиқ хизмати органлари солиқ тўловчи ҳақидаги қандай маълумотларни олиш ҳуқуқига эга?

2.5. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини ундиришда солиқ идораларининг вазифаларини белгилаш омиллари.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Солиқ-бюджет сиёсати молия тизими ислохотларининг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб бормокда. Даромадларнинг турли даражадаги кўринишлари ўртасида тақсимланиши юзасидан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини янада такомиллаштириш ислохотларнинг ҳозирги босқичида ўта аҳамиятлидир.

Ҳеч кимга сир эмаски, давлатнинг барқарорлиги, иқтисодиётни барқарорлаштириш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, қонуннинг

устуворлигини таъминлаш каби вазифалар давлат ихтиёридаги маблағларга чамбарчас боғлиқ, яъни давлат тасарруфида маблағларнинг миқдори унинг сиёсатига бевосита таъсир кўрсатади, бошқача сўз билан айтганда, давлат олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун кўплаб маблағлар зарур бўлади. Демак, давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати даромадлар манбаси ҳам, харажатлар йўналиши ҳам юқори даражада оптимал шакллантирилган ҳолда самарали бўлади. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига, давлатга тегишли мулкларни сотишдан ва хусусийлаштиришдан келган даромадлар, ташқи иқтисодий фаолиятдан келган даромадлар, хорижий давлатлардан олинган молиявий ёрдамлар ва давлатнинг махсус мақсадли бюджет фондлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат бюджетининг солиқсиз даромадларига юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга ва чет давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар ва давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар киритилган.²

Демак, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда солиқсиз даромадларнинг ёки солиқдан ташқари тўловларнинг уч асосий тури эътироф этилган.

Баъзи мутахассислар фикрига кўра, давлат махсус мақсадли фондларининг пул маблағларини солиқсиз даромадлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг сабаби шундаки, *биринчидан*, мазкур фондларга қилинган ажратмалар солиқ характериға эға бўлиб, бунда солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида товар-пул муносабатлари мавжуд эмас; *иккинчидан*, мақсадли фондларға қилинган ажратмалар солиқларға хос

² Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Т.: Адолат, 2001.

бўлган муҳим хусусиятга, яъни тўловни амалга оширишда субъектлар мулк шаклининг ўзгариши хусусиятига эгадир.

Солиққа кирмайдиган, яъни солиқсиз даромадларнинг кўпчилиги доимий, қатъий белгиланган ставкада ундириладиган хазина (бюджет) даромадлари кўринишига эга бўлмайди. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари қатъий режалаштирилмаслиги керак, лекин амалиётда кўп ҳолларда улар одатда илгариги йилдаги тушумлар даражасида режалаштирилади. Солиқсиз даромадлари солиқ даромадлари каби Ўзбекистон Республикасининг вакиллик органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун жорий қилинади. Солиқсиз даромадлар ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий шаклларда бўлиши мумкин.

Солиқсиз даромадлар рўйхати ҳамма даражадаги бюджетлар учун ягона бўлиб, бюджет таснифи билан белгиланади ва ўз ичига қўйидагиларни олади:

1. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, шу жумладан:

- Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигидаги мулкни фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- Давлатга тегишли акциялар бўйича дивидентлар;
- Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни ижарага беришдан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ижара тўловидан олинган даромадлар;
- Вақтинчалик бўш турган бюджет маблағларини банк ва кредит ташкилотларида жойлаштиришдан олинган фондлар;
- Хизмат кўрсатиш ва давлат харажатларини қоплашдан олинган даромадлар;
- Давлат ва маҳаллий ташкилотлардан тўловлар;
- Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинадиган бошқа тушумлар.

2. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни сотишдан олинган даромадлар, шу жумладан:

- Давлат мулки бўлган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан олинган тушумлар;
- Квартираларни сотишдан тушумлар;
- Давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини, транспорт воситалари ва бошқа ускуна-жихозларни сотишдан олинган даромадлар;
- Мусодара қилиниб, давлат ва маҳаллий ҳокимият эгалигига ўтган эгасиз мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар.

3. Давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар.

4. Ер ва номоддий активларни сотишдан олинган даромадлар.

5. Давлатга қарашли бўлмаган манбалардан капитал трансфертлар тизимлари.

6. Жарима-жазоларни қўллаш, етказилган зарарни қоплаш, шу жумладан:

- Стандартлар ва техник шартлардан четлашган ҳолда тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун тушумлар суммаси;
- Нархларни қўллаш тартибини бузганлик учун жазолар;
- Жиноятлар қилиш ва моддий бойликлар камомадида айбдор бўлган шахслардан ундириладиган суммалар.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан:

- Давлат кредитлари бўйича фоизлар;
- Давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар;
- Марказлаштирилган экспортдан тушумлар суммаси;
- Ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа тушумлар.

8. Бошқа турли солиқсиз тушумлари.

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари ҳудудий белгига кўра (муайян даражадаги бюджетга киритиш), жалб қилиш ва шакллантириш усулига кўра (мажбурий ёки ихтиёрий) ва солиқсиз тушумларини шакллантирадиган тўловларни ундиришнинг конкрет асосларига кўра (давлат мулкни сотишдан олинган даромадлар) таснифланади.

Солиқлар ва солиқдан ташқари тўловлар кўпгина ўхшаш томонлари билан бирга қатор фарқларга ҳам эга.

Пул маблағларининг муайян қисми давлат хазинасига солиқдан ташқари тўловлар тарзида келиб тушади. Улар ҳам солиқлар ва бошқа йиғимлар сингари давлат олий ҳокимият идораси томонидан белгиланади.

Шу билан бирга солиқлар ва солиқсиз тўловлар ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Жумладан, бу фарқларни қуйидагилардан иборат деб белгилаш мумкин:

➤ Солиқсиз тўловлар солиқлардан фарқ қилиб, икки томонлама ҳуқуқ ва бурчлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни олиш мақсадида белгиланган тўловларнинг амалга оширилиши бошқа шартлар бажарилгани тақдирда ваколатли рухсатномани бериши лозим бўлади;

➤ Солиқлардан фарқ қилиб, солиқсиз тўловлар кўпчилик ҳолларда мажбурий равишда тўланмайди. Солиқ эса уни тўлаш объекти мавжуд бўлганида тўланади;

➤ Солиқлардан фарқ қилиб, солиқсиз тўловлар муайян мақсадга мўлжалланади ҳамда ана шу мақсадда ундан фойдаланиш лозим.

Солиқсиз тўловлар республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларида жамланади. Ушбу маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг тўловчилар доираси, солиқ солиш объектлари, солиқ ва йиғимлар юзасидан енгиллик ва имтиёзлар, солиқ ва йиғимни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиблари маҳаллий ҳокимият идораларининг бевосита ўзлари томонидан белгиланади.

Солиқсиз тўловлар ҳудудий белгисига кўра: умумдавлат миқёсидаги ва маҳаллий тўловларга; шаклланиш усулига кўра: мажбурий ва ихтиёрий; жамланиш усулига кўра: давлат бюджетида ёки бюджетдан ташқари жамланадиган турларга бўлинади.

Солиқсиз тўловлар олиниш асосларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар. Бу тўловларнинг табиат объектларидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишда аҳамияти каттадир;

- Давлат идоралари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган турли хизматлар кўрсатишдан олинadиган тўловлар. Улар жумласига:

- ташқи иқтисодий ва бошқа фаолият туфайли божхона идораларига тўланадиган тўловлар;

- суд ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилинганда тўланадиган давлат божи;

- давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида, лицензия (рухсатнома) олиш пайтида, товарлар учун сертификатлар олиш пайтидаги тўловлар;

- бозорлар, ярмаркалар ва бошқа савдо тармоқларидан фойдаланганлик учун олинadиган патта тўловлари;

- қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш, лотерея ўйинларини ўтказиш учун тўловлар;

- давлат мулкани хусусийлаштиришдан келиб тушувчи даромадлар;

- жарима тарзидаги тўловлар (жарималар, пенялар ва бошқалар).

Шундай қилиб, давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига давлатга тегишли бўлган мулкларни сотиш ва хусусийлаштириш натижасида олинган даромадларини, давлатнинг ташқи-иқтисодий фаолиятидан олинган даромадларни ва хорижий давлатлардан қайтариб бермаслик шарти билан олинadиган пул маблағларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқсиз даромадларнинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Давлатга тегишли мулклардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши натижасида давлат секторига тегишли корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида уларни хусусийлаштиришнинг зарурлиги.

Давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг фаолияти кўпчилик ҳолларда хусусий сектор корхоналарига нисбатан самарасиз бўлади. Швеция, Франция ва Буюк Британия давлатларининг амалиётида бундай ҳолатлар бир неча маротаба кузатилган. Масалан, XX асрнинг 70 йиллари охирида Буюк Британияда давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг сезиларли қисми молиявий йилни зарар билан якунлади. 1983 йилда энг йирик давлат корхоналаридан бири «Бритиш телеком» хусусийлаштирилди. Унинг акцияларининг бозор баҳоси 3,9 млрд. фунт стерлингни ташкил етар эди.

XX асрнинг 80 йилларининг иккинчи ярмида Францияда давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида 7,0 млн. киши акциядорларга айланди. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларда давлат секторининг дефицити 1993 йилда ялпи миллий маҳсулотнинг 4,5 фоизини ташкил қилди.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини ошишига, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдирилишини таъминлашга, ишсизлик муаммосини ҳал қилишга ва ўрта ва узоқ муддатли даврий оралиқларда солиқ тушумларини кўпайтиришга сезиларли даражада ҳисса қўшади.

2. Давлат бюджети даромадларининг миқдорини ошириш заруриятининг юзага келиши.

Давлат бюджети харажатларини сезиларли даражада ўсиши, давлатнинг иқтисодий харажатларини ошириш заруриятини пайдо бўлиши ҳукуматга солиқсиз даромадларни ошириш тадбирларини ишлаб чиқариш заруриятини юзага келтиради. Ана шу мақсадда давлатларга тегишли мулкларни сотиш, давлатларга тегишли хорижий валюталар ва нодир металлларни хорижий молия бозорларида жойлаштириш йўли билан даромадлар олиш ва хорижий ташкилотларнинг молиявий ёрдамларини жалб қилиш заруриятини юзага келтиради.

Давлат молиявий ресурсларини бошқариш - жамият олдидаги улкан масъулият, шу сабабли бюджет-молия назорати бошқарувнинг зарурий

элементи бўлиши шарт. Юқорида қайд қилинганидек назорат мақсади - қабул қилинган стандартлардан чекинишларни, қонунийлик тамойилларини бузишларни имкони бор қадар дастлабки босқичларда аниқлаш, моддий ва молиявий ресурсларни сарфлаш самарадорлигини ошириш ва тежаш бўйича тавсиялар беришдан иборатдир. Бу, ўз навбатида, тузатиш чоралари кўриш, айрим ҳолларда айбдорларни жазога тортиш, етказилган зарар учун товон пули олиш ёки шундай қоида бузишларнинг олдини олиш (ёки камайтириш) учун тадбирлар белгилаш имконини беради.

Бюджет- солиқ назорати - давлат назоратининг асосий туридир. Ривожланган мамлакатларда бундай назоратнинг анъанавий усуллари ва тартиблари янги воситалар: самарадорлик назорати, дастурий баҳолаш, пировард натижага мўлжал олиш, «сансет» тамойили ва бошқалар билан тўлдирилмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ижобий тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш учун 1953 йили ноҳукумат Олий назорат органларининг халқаро ташкилоти ташкил этилди. ИНТОСАИ таркибига жаҳондаги 130 давлатнинг назорат органлари кирган. Ҳар уч йилда конгресс ўтказилади, ИНТОСАИ даврий журнали нашр этилади. Фаолият дастурига мувофиқ семинарлар, анжуманлар ўтказилади, мутахассислар тажриба ўрганишга таклиф қилинадилар. ИНТОСАИ таркибида Назоратни ривожлантириш халқаро маркази иш олиб бориб, назоратни халқаро қоидаларга мувофиқ ривожлантиришга кўмаклашиш, назоратчилар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, махсус журналининг чиқариш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. ИНТОСАИ доирасида халқаро ғоя ва тажриба айирбошлаш ИНТОСАИ аъзоси бўлган ҳар бир мамлакат олий назорат органига унга юклатилган вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатишнинг самарали воситасига айланди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг қиёсий қонунчилиги замирида давлат молия назоратининг бирхиллаштирилган технологиясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида таркиб топган тизимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги инспекция олий давлат назорати органи ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги маъмурий ва молиявий назорат комиссиялари ва қўмиталари ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг аъзолари, хусусан, Давлат Солиқ Қўмитаси, Молия Вазирлиги, Марказий Банк ва бошқалар давлат назорати субъектларидир. Бироқ, айрим вазирликлар ва идоралар, хусусан, Ташқи ишлар Вазирлиги, уюшган жиноятчиликка қарши кураш идораси ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига аъзо бўлган 10 та вазирлик ҳамда идора молиявий назоратнинг ҳар қандай туридан озод этилган.

Бозор муносабатларининг бой тажрибасига эга бўлган мамлакатларда, масалан, давлат назоратининг олий органи – АҚШ конгрессининг давлат бюджет-назорат бошқармаси барча хизмат ҳужжатлари, шу жумладан Мудофаа Вазирлигининг ва турли махфий жамғармаларнинг ҳужжатларини текшириш ҳуқуқига эга.

Нazorатнинг давлат туридан ташқари республикада идоравий, идорадан ташқари, жамоат ва мустақил назорат амалга оширилади. Бироқ, ҳар бир назорат турининг фаолият соҳалари аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги туфайли кўпгина корхоналар давлат назорати субъектлари томонидан ҳам, идоравий назорат субъектлари томонидан ҳам тафтиш ва текширишларга дучор бўладилар. Давлат назорати органлари, ҳар қандай корхонани мулк шаклидан қатъий назар, ҳатто бу корхона мустақил аудиторлик назорат объекти сифатида текширилган бўлишига қарамай яна текширилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ундиришда солиқ идораларининг вазифалари ва сиёсати яхлитлигини таъминлашнинг омиллари ва мезонларини баҳолашнинг ягона тизимлаштирилган методологияси ва асослари бўйича назарий қарашларнинг мукамал тизимини такомиллаштириб бориш даркор. Бизнинг фикримизча, солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлаш ва унга

таъсир этувчи омиллар ҳамда мезонларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари;
- ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқлар ва бошқа тўловларнинг улуши;
- аҳолининг турмуш даражаси (даромадлилиги);
- бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг аҳоли ва иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимланиш хусусиятлари;
- давлат молия сиёсатининг асосий йўналишлари;
- мавжуд иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, белгиланган вазифалар кўлами;
- бюджет тақчиллиги даражаси.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатда ишлаб чиқарувчилар ўртасида эркин рақобатни юзага келтириш орқали ички бозорни тўйинтириш ҳисобланар экан, бу борада солиқсиз даромадларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак бўлади.

3- БОБ. СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА МЕЪЁРИЙ ТАРТИБЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ СОЛИҚҚА ОИД ҲУКМЛАР

3.1. Давлат божини ундиришда амал қилинадиган қоида ва меъёрлар.

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йиғими тариқасида ундирилади. Давлат божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 327-моддасига асосан, юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан, органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун;

2) даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметиға нисбатан мустақил талабларни билдирган учинчи шахс сифатида ишға киришиш тўғрисидаги аризалардан, юридик аҳамиятга эға бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан берилган, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги апелляция ва кассация шикоятларидан, ҳакамлик судининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан;

3) давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикасининг консуллари ва шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларнинг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун;

4) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун;

5) чет элдан Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисида ҳужжатларни берганлик учун; яшаш гувоҳномасини берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун; республика ҳудудига келиш ва республика ҳудудидан чет элга чиқиш ҳуқуқини берадиган чет эл паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга виза берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида бериладиган аризалардан;

6) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжатлар берганлик учун;

7) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет давлатлар фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик учун;

8) юридик шахсларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

9) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия берганлик учун;

10) ов қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида рухсатнома берганлик учун.

Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар – муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар – алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар – меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

5) даъвогарлар – ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

6) даъвогарлар – жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

9) юридик ва жисмоний шахслар – жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

11) юридик ва жисмоний шахслар:

суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

12) юридик ва жисмоний шахслар – суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

13) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

14) истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари – истеъмолчиларнинг

(истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатилган даъволар юзасидан;

15) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

16) давлат органлари – ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, бадий қимматга ёки жамият учун бошқа қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

17) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

18) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

19) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар юзасидан;

20) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни киритиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар – тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) туманлар, шаҳарлар (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни киритиш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

23) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари – зарар етказувчидан қуйидаги суммаларни ундириб олиш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича:

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомобилотransпорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар олишга, ногиронларни автомобилотransпорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кэтадиган

харажатларни қоплаш суммаларини, шунингдек нотўғри тўланган пенсиялар ва нафақаларнинг суммаларини ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

24) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

25) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

26) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари – мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

28) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар юзасидан;

29) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

30) ички ишлар органлари – алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

31) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

32) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

33) ундирувчи ёки суд ижрочиси – қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан.

Амалиётда баъзан хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар – пул маблағлари бўлмаганда, бу банк муассасаси томонидан тасдиқланган тақдирда, хўжалик судининг ажрими бўйича;

2) қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар – тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

3) тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

4) аризачи ва жавобгар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича;

5) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон хўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дарахтларини ўсиб турган жойида сотиш қоидаларини бузганлик учун зарар ва неустойкани, шунингдек ўзбошимчалик билан ўрмон дарахтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича;

7) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

8) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

9) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

10) туманлар, шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни

тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

11) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар бўйича;

12) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари – зарар етказувчидан куйидаги суммаларни ундириш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича:

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомототранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар олиш, ногиронларни автомототранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кэтадиган харажатларни қоплаш суммаларини;

13) даъвогарлар ва жавобгарлар – суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари – мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

14) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлинмалари – қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти этиштириш, шунингдек фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдиндан бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

15) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

16) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар бўйича;

17) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

18) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – стандартларни, техник шартларни жорий этиш ва уларга риоя этилиши ҳамда маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар ёки шундай ваколатга эга бўлган бошқа органлар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб берган юридик шахслардан бюджет даромадига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

19) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – давлат мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун давлат даромадига маблағлар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

20) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар бўйича;

21) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

22) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

23) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

24) ундирувчи ёки суд ижросиси – қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳолатлари юзасидан қуйидаги омилларга эътибор қаратилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) халқ таълими органлари, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар – етим болаларни ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни болалар муассасаларига ва ўқув юртларига юбориш учун туғилганлик тўғрисида такрорий гувоҳномалар берганлик учун;

2) жисмоний шахслар – туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгартирилган ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун;

3) жисмоний шахслар – уларга белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ёхуд қилган жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

4) жисмоний шахслар – уларга реабилитация қилинган қариндошларининг вафот этганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар берганлик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирганлик учун;

5) табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар – уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун.

Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш қуйидаги ҳолларда учрайди:

1) дипломатик паспорт берганлик учун;
2) қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш учун рухсатнома берганлик учун:
яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилган тақдирда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар чет эл судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилганда;

3) ўн олти ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси гувоҳномасини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлганлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун.

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро шартномаси мавжуд бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича;

3) чет эл дипломатик паспортларига ўзаролик асосида виза қўйганлик учун;

4) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатларни сўраб олганлик ва лэгаллаштирганлик учун;

5) чет давлатларнинг белгиланган тартибда аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари ходимларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

6) белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган матбуот вакилларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

7) инсонпарварлик ёрдамини кузатиб келувчи чет давлатларнинг фуқароларидан;

8) ўн олти ёшга тўлмаган болалардан;

9) Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек бюджет ташкилотлари тақлифига биноан Ўзбекистон Республикасига келувчи чет давлатлар фуқароларидан, агар контракт шартларига кўра виза олиш билан боғлиқ харажатлар қабул қилувчи тарафга юклатилган бўлса.

Фукароларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик (яшаш жойини қайд этганлик) учун давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

кариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи кариялар ва ногиронлар;

мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларини, шунингдек давлат корхоналар негизида тузилаётган акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтказиш тартиби юзасидан эътиборга олиниши керак бўлган омиллар қуйидагилардир. Давлат божи, давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти банкнинг тўлов ижро этилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга оширилаётган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларнинг турига, тўловчиларнинг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларга кўра солиқ кодексининг тегишли моддаларида белгиланади.

Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида бюджет тасарруфига ўтказилади, давлат божининг хизматлари учун давлат божи ундирилаётган давлат органи тасарруфида қолдирилаётган қисми бундан мустасно.

Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қолдирилган тақдирда давлат божи қуйидаги тартибда тўланади:

ҳаракатлари учун давлат божи ундирилаётган давлат органи тасарруфида қолдириладиган суммага тааллуқли алоҳида тўлов ҳужжатлари орқали;

бюджет даромадларининг таснифига мувофиқ бюджетга ўтказилиши керак бўлган суммага тааллуқли алоҳида тўлов ҳужжати орқали.

Давлат божининг давлат органи тасарруфида қолдириладиган қисмининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда чет эл валютасида ундирилиши мумкин.

Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун давлат божи қуйидаги тартибда ундирилади:

шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги даъво аризаларига шартнома тўлалигича ёки унинг бирон бир қисми низолашилаётганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади;

Суд дастлабки даъвогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирганда, бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак.

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ҳуқуқий ворисдан ундирилади.

Судья бир ёки бир нечта бирлашган даъво талабларини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик юзасидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

Илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Давлат божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво баҳоси даъвогар томонидан, белгиланган ҳолларда эса, фуқаролик процессуал ва хўжалик-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суд томонидан аниқланади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш пайтида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг этишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи кўйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир тусдаги бир неча талабни бир иш юритувига бирлаштирганда.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчисидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бунда даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлса, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдorigа мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилиши лозим.

Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асносида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда – жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан чиқиб кетганда, давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда,

давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим.

Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни бошқа шахсга беришга доир шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида мулкӣ ва номулкӣ хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгалланган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш тўғрисидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари жумласига киради.

Никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Аризани (илтимосномани) қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган аризаларга, давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат илова қилиниши мумкин.

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча ишлар учун бир тўлов топшириқномаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг бирига илова қилинади. Мазкур иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйилади ва тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади.

Шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги судларга бериладиган даъво аризаларидан, мазкур даъволар бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини қайта

кўриб чиқиш тўғрисидаги аризалардан давлат божи, шартнома тўлиқ ёки қисман низолашиётганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида қўзғатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига олинади.

Консуллик йиғими консуллик ҳаракатлари амалга оширилгунига қадар тўланади. Консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилади. Консуллик йиғимларининг тўланган суммалари қайтарилмайди.

Консуллик йиғимлари суммаларини бюджетга, шунингдек чет элда тўланган консуллик йиғимларини Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ва унинг консуллик муассасасининг махсус банк ҳисобварақларига ҳисоблаб чиқариш, ундириш ва ҳисобга ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун давлат божи далолатномаларни рўйхатда қайд этиш чоғида, такрорий гувоҳномалар берганлик учун эса, улар берилаётганида тўланади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик ҳамда улар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божи тасдиқланган шаклдаги квитанция берилган ҳолда нақд пулда тўланади.

Чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун, бу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритганлик учун, шунингдек яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик ёхуд чет эллик фуқароларнинг паспортларига ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларига чиқиб кетиш ёки кириб келиш ҳуқуқини берадиган визалар қўйганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан эса, бундай аризалар берилгунига қадар тўланади.

Чет элдан кириш ва чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан чет элга хизмат сафарига юбориладиган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Чет элга хизмат сафарига юборилган ходимлар билан биргаликда уларнинг хотини ва болалари хизмат сафарининг бутун муддатига сафарга борганида давлат божи хизмат сафарига юборилганларнинг ўзларидан ундирилгани каби тартибда ва миқдорларда ундирилади. Оила аъзолари чет элга хизмат сафарига юборилган шахснинг олдига меҳмон бўлиб оддий сафарга борганларида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан чиқишга визалар берганлик учун давлат божи ҳар бир шахсга алоҳида виза ёки бир нечта шахсга умумий виза берилаётганлигидан қатъи назар, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахсдан ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик, ов қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома берганлик учун давлат божи ҳужжат берилаётганда тўланади.

Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, банкнинг давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанцияси давлат божини ундирадиган давлат органларида қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестрида киритилган давлат божи суммаси, банк ҳужжатининг санаси ва рақами кўрсатилади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) тўловчига давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция беради, тўловчиларга бериладиган тасдиқланган ҳужжатларга, ушбу ҳужжатларнинг нусхаларига ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари дафтарларига эса, ундирилган давлат божи суммаси тўғрисидаги квитанциянинг рақами кўрсатилган ҳолда белги қўйилади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилаётганда тўланган давлат божи суммаси тўғрисидаги ёзув далолатномалар дафтаридаги махсус шу учун мўлжалланган жойга ёки далолатнома охирига киритилади. Бунда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ёзув давлат божини тўлаган шахс томонидан албатта тасдиқланиши керак.

Давлат божини тўлашдан тушган суммалар тушумлар рўйхатига ёзилади ва куннинг охирида умумий якун билан шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинларининг касса дафтарига киритилади.

Тўловчилар давлат божини тўлашдан озод этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйилади.

Давлат божи тушумларини ҳисобга олиш давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишли давлат органлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат божини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзлари жойлашган ердаги

давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

1) давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;

2) суд аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этганида, шунингдек давлат нотариал идоралари ёки шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;

3) аризаси (шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги муносабати билан даъвогарга қайтариб берилганда;

4) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;

5) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

6) ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

7) даъвогар низоли судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;

8) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

9) агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

10) суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

11) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарадилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисmini қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.2. Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик

Қонунийлик демократик давлат тузумининг асосидир. Бу барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси, ижтимоий муносабатлар иштирокчисининг унга бир хил бўйсунishi демакдир.

Ўзбекистан Конституциясига мувофиқ қонунийликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устунлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ; бўлиши; давлат бошқаруви органлари қонунлар асосида ва уларни бажариш юзасидан чиқарган қарорларнинг давлатнинг қуйи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;

-маҳаллий органлар марказий ҳокимият органларининг ҳуж-жатларини қатъан бажариши, жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятга марказий органларнинг аралашishiга йўл қўйилмаслигига;

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини оғишмай амалга ошириш, давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зўравонлик қилинишига йўл қўймаслик;

-фуқароларининг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ туриб бажаришлари.

Қонунийлик жамият нормал фаолиятининг асоси, мустақил давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур ва ғоят муҳим шартдир. Унинг яшаши ҳудди ана шунга боғлиқ, қонунийликнинг жамият ҳаётидаги реал роли ҳудди ана шундан иборат. У ижтимоий муносабатдага барча иштирокчиларнинг ҳаракат бирлигини, интизом ва ҳуқуқий тартибни таъминлайдики, буларсиз иқтисодиётни шакллантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур етиб бўлмайди.

Демократизм қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ томонидан назорат қилинишини ва х.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари камситилишига, уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ ҳокимиятини қонунларнинг фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва

бирлашмалари томонидан бир хил тушунилиши ва оғишмай бажарилишини ҳам тасаввур етиб бўлмайди. Демократиясиз қонунийлик йўқ, лекин қонунсизлик демократия ҳам йўқ;

Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари ишонтириш, олдини олиш, қонунни бўзувчиларга бевосита жамоат таъсири кўрсатиш, қонунийликнинг юридик кафолатларини такомиллаштиришдан иборатдир. Қонунийликни бузишларга қарши курашда ҳуқуқ талабларини бажаришга давлат томонидан мажбур қилишдан ҳам зарур даражада фойдаланилади.

Юридик жавобгарлик - бу талабларнинг энг асосий ифодасидир. У тартиббузарларга нисбатан қонуний ҳуқуқий санкцияларни қўллашдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик (жиноят содир этганлик учун), маъмурий, интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, хизматда ёки ишда интизомий ножўя ҳаракат, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги) фарқланади.

Юридик жавобгарлик-мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб унинг моҳияти тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқ фанида узоқ ва жушкин баҳслар бормокда. Ушбу баҳсларнинг моҳиятига чуқурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик - жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкӣ номакбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг бирон-бир соҳасига мансублигига қараб, юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлаш одат бўлган: а) интизомий жавобгарлик, б) ёлланма меҳнат кишилариининг моддий жавобгарлиги; в) маъмурий; г) жиноий; д) фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари ва жиҳатлари билан ажралиб туради.

1. Юридик жавобгарлик давлат томонидан унинг ваколатли органлари орқали тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар - асосан қонунлар, айрим ҳолларда еса - қонун асосидаги ҳужжатларни чиқариш йўли билан жорий етилади;

2. У вакил қилинган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қаттиқ белгиланган процессуал тартибда қўлланилади;

3. Юридик жавобгарлик давлат томонидан мажбур қилишнинг бир тури бўлиб, жавобгарлик ҳуқуқий нормаларнинг санкциялари билан жорий етилишида ифодаланади ва давлат, унинг органлари ва мансабдор

шахсларнинг ўз ҳукмини ўтказиши, мажбур қилиши воситасидагина амалга оширилиши мумкин. Айбдор ҳатто чиқарилган қарорни ихтиёрий суратда бажарган ёки ўзи келтирган зарарни тўлаган тақдирда ҳам давлат кўрган чораларнинг мажбурийлиги ўзгармайди;

4. Юридик жавобгарликка ҳуқуқбузарлик, яъни содир етганлик учун қонунларда, бошқа норматив ҳужжатларда у ёки бу жавобгарлик тури назарда тутилган айбли, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракацизлик сабаб бўлади. Интизомий жавобгарликка интизомий ножўя ҳаракат, моддий жавобгарликка моддий зиён етказиш, маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий жавобгарликка жиноят, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкӣ муносабатларга, шунингдек, шахсий номулкӣ муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар асос бўлади;

5. Юридик жавобгарлик ҳамма вақт қонунбузарга нисбатан муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлиб, салбий оқибатлар дэганда ҳар қандай ноқулай натижа - масалан лицензия ёки эркинликдан маҳрум қилиш, жарима ёки ишдан бўшатишни ва ҳоказоларни тушунмоқ керак.

Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловчилар (хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар), ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ органлари тўғрисидаги Низомда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда, республиканинг айрим солиқ турлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган.

Бироқ юқорида айтилганлардан санаб ўтилган субъектлар жавобгарликнинг барча турларига жалб қилинадилар, деган маъно чиқмайди. Масалан, интизомий ва жиноий жавобгарлик субъектлари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъект фақат жисмоний шахслар (фуқаролар ва мансабдор шахслар) гина эмас, балки корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин деб айтиш учун ҳамма асослар мавжуд.

Солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилиши муносабати билан интизомий, моддий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ҳал қилиш чоғида тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Меҳнати кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, баъзи бошқа қонун ҳужжатлари

жорий қилган умумий ҳуқуқий тартибот амал қилишини назарда тутиш керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомнинг 6-банди 2-б. кичик бандига мувофиқ мазкур корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар қонунсиз битимлардан ва қонунда белгиланмаган асослар бўйича олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида тегишли судларга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳол Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари қўлланилиши керак.

Маъмурий жавобгарлик - юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қилган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик умуман юридик жавобгарликка хос бўлган белгиларга эгадир. Шу билан бирга, у бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлиб, улар маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб туради. Давлат Солиқ органлари кўриб чиқадиган қонунбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ана шу белгиларнинг айримларини кўриб чиқамиз:

1) Маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликдан фаркли уларок фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билангина эмас, балки Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан (жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар бу масалалар МЖК билан тартибга солинган бўлмаса, шунингдек, табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалаларида - МЖК 56-моддаси) белгиланади. Бу умумий қоида бўлиб, ундан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ солиш масалаларида маъмурий жавобгарлик белгилашга ҳақли эмаслиги келиб чиқади, айни вақтда вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти маҳаллий органлари 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ бир қатор маҳаллий солиқ ва йиғимларни жорий этишга ҳақли. Бундан ташқари жойлардаги мазкур давлат ҳокимияти органларига айрим савдо қоидаларини белгилаш ҳуқуқи берилган. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлари, шунингдек, савдога тааллуқли қоидаларни бузганлик учун аниқ жавобгарлик еса МЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилади.

Амалиётда маъмурий жавобгарликнинг айрим масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан ҳал қилинади. Масалан, Президентнинг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида солиқ органлари дебиторлик қарзи муддатида тўланмаганлиги учун мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига ва бундан ташқари, корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлари бўлгани ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига енг кам иш ҳақининг беш бараваридан то етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиши белгилаб қўйилган.

2) Маъмурий ҳуқуқбузарлик, яъни шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки еҳтиёцизлик орқасида) содир етилган ҳаракат ёки ҳаракацизлик маъмурий жавобгарлик учун амалий асос бўлади (МЖК 10-моддаси). Ушбу таърифда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг умумий объекти кўрсатилган. Давлат Солиқ органлари кўришга вакил қилинган ҳуқуқбузарлик объекти солиқ солиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлардир.

Муайян шарт-шароитларда маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноятига, яъни жиноят кодекси томонидан жазо қўллаш хавфи билан тақиқлаб қўйилган (ЖК 14-моддасининг 1-қисми) айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик)ка айланади, Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо бажарилган кундан бошлаб бир йил мобайнида такрор содир етилган бўлса, у жиноятга айланади. Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (МЖК 164-моддасининг 1-қисми) ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир етилса, ЖК 189-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади.

Етказилган зиённинг миқдори ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликни жиноятдан фарқлайдиган белги бўлиши мумкин. Масалан, фойдани (даромадни) ёки бошқа солиқ солиш объектларини қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек катга миқдордаги белгиланган солиқлар,

йиғимлар, божлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бошқача бўйин товлаш жиноий тартибда ЖК 184-моддаси 1-қисми бўйича жазоланади. Бу ўринда катта миқдор енг кам иш ҳақининг ўндан ўттиз баробарини ташкил этади. Сумма бундан кам бўлганида айбдор МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

3) Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазолар назарда тутилган. Уларнинг баъзилари жиноий фуқаровий ва меҳнат ҳуқуқининг нормаларида белгиланган санкциялар билан бир хил номланишга эга, лекин миқдори ва қўлланиш тартиби билан ажралиб туради. Масалан, МЖК 25-моддасига мувофиқ, фуқароларга солинадиган жариманинг енг кўп миқдори енг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга еса ўн бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас (умумий қоидага кўра). Жиноят кодексининг 44-моддасида жарима енг кам иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача қилиб белгиланган. Меҳнат интизомини бузганлик учун корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг кўпи билан йигирма фоизи миқдорида, меҳнат интизомини мунтазам бузганлик, узрли сабабларсиз прогул, ишга маст ҳолда, наркотик ёки токсик сархушлик ҳолатида келганлик учун кўпи билан 40 фоизи миқдорида жарима солиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ давлат солиқ органлари маъмурий жазо сифатида фақат жарима солишга ҳақли бўлиб, унинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етилган вақтдаги, давомли ҳуқуқбузарлик учун еса - у маълум бўлган пайтдаги енг кам ойлик иш ҳақиға қараб белгиланади.

4) Маъмурий жазонинг қўлланилиши судланишга ва ишчдан бўшатишга олиб бормади. Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир етмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади (МЖК 37-моддаси).

Шуни назарда тутиш керакки, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир етилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун еса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Озми-кўпми узоқ вақт мобайнида узлуксиз амалга ошириб келинаётган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. У ягона ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг ягона таркибини узлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Масалан, фойда (даромад) ёки солиқ

солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш давом этаётган ҳуқуқбузарликдир (МЖК 175-моддасининг 1-қисми). Бунда икки ойлик муддатнинг ўтиши давлат солиқ ёки бошқа ваколатли органнинг мансабдор шахси ҳодисани аниқлаган кундан бошланади.

Маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган айрим фарқлар ана шулардан иборат бўлиб, давлат солиқ органларининг қонунларни қўллаш фаолиятида ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистан Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги 1985 йилги Кодекси (кейинчалик киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан) давлат солиқ органларининг ҳуқуқ доирасига тўртта модда бўйича: доридармонлар ёки тиббиёт буюмларини сотиш тартибини бузганлик учун (167-модда 1-қисм); фойдани (даромадни) яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш (ҳисобга олмаслик) ва касса операцияларини юритиш тартибини бузиш (175); тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш ёки тадбиркорлик фаолиятининг тақиқланган тури билан шуғулланиш (175 1); давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик (176) бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни киритган еди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги янги Кодекс давлат солиқ органларига кўриш учун ваколат берилган ишлар билан боғлиқ моддалар сонини еттига етказиб кенгайтди. Унда тегишли ҳуқуқбузарликларнинг таркиби янгича таърифланди, айрим тоифадаги ишларни кўриб чиқувчи органлар ўзгартирилди.

Давлат солиқ органларига кўриб чиқиш учун ваколат берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объектларининг турлари: а) солиқ солиш; б) савдо ва хизмат кўрсатиш; в) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги муносабатлардир. Шунга мувофиқ ҳолда давлат солиқ органлари кўриб чиқадиған маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин.

"Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш" деб аталадиган 174-модда икки қисмдан иборат. 1-қисмда солиқ солинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар

тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини таҳлил қилишга ўтишдан олдин шуни айтиш керакки, солиқ тўғрисидаги қонунлар муттасил ривожланиб бормоқда. Вақти-вақти билан Солиқ солинадиган объектларнинг рўйхати ўзгартирилмоқда ва тулдирилмоқда, солиқ ставкалари ўзгартирилмоқда. Солиқлар тизимининг ўзи ҳам ўзгармоқда - баъзилари жорий этилмоқда, бошқалари бекор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бунга мисолдир. Шу муносабат билан давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари мазкур ўзгартиш ва кўшимчаларни доимо диққат марказларида тутишлари, солиқ тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолларини баҳолашга доир аниқ масалаларни ҳал қилишда уларни ҳисобга олишлари керак. Солиқ солишдан озод қилишни амалда тартибини, солиқлар соҳасидаги имтиёзлар рўйхатини билиш ҳам муҳимдир.

Ҳолис қаралганида 174-модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида белгиланган суммаларни бюджетга ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган расмий ҳужжатларда солиқ солинадиган объектлар тўғрисидаги маълумотларни акс еттирмаслик ёки тўла акс еттирмасликда намоён бўлади.

Кўриб чиқиладиган ҳолатда даромадлар дэганди, масалан, хусусий мулк асосида фаолият олиб борадиган тадбиркорларнинг даромади, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган тушумлар, кўрилган зиёни тўлаш тарзида олинган суммалар, корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва ҳ.к. тушунилади. Бошқа тўловлар дэганди турли йиғимлар, шу жумладан, рўйхатга олиш ҳақи, божлар, пул-буюм лотереялари ўтказишдан келган даромадлар ва шу каби солиққа тортилмайдиган даромадлар тушунилади. Корхоналар айрим фондларга, шу жумладан ижтимоий суғурта фонди, аҳолининг иш билан бандлигига ёрдамлашувчи давлат фонди, республика йўл фонди, баъзи бошқа фондларга бадаллар тўлашга ҳам мажбурдирлар.

Солиқ солишдан яшириладиган сумманинг миқдори (бу тушунчага йиғимлар, божлар тўлаш, бошқа тўловларни тўлаш ҳам киритилади) алоҳида

аҳамиятга эга, чунки агар бу сумма енг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича ҳуқуқбузарлик субъектлари фуқаролар ҳам, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳам бўлиши мумкин. Мансабдор шахслар деганда солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этиш вазифаси зиммасига юклатилган раҳбарлар, бош (катга) бухгалтерларни англамоқ керак. Бунда мулкнинг цикли, хўжалик юритувчи субъектнинг кимга буйсуниши ҳуқуқбузарликни баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бухгалтерия хизматига эга бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларини ихтисослашган ташкилот ёки тегишли мутахассис шартнома асосида олиб бориши мумкин.

Ушбу моддани қўллаш пайтида маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда ўн олти "ёшга тўлган ақли расо шахслар тортилиши ҳақидаги умумий қондани ҳисобга олиш керак (МЖК. 14, 20-моддалар), Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқаролар (иммунитетга эга бўлганларидан ташқари) ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим (МЖК 17-моддаси). Шундай қилиб, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖК 174-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъекти бўлишлари мумкин. Уни содир этиш фуқароларга енг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга еса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

174-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ енг кам иш ҳақи-нинг бир бараваридан уч бараваригача миқдордаги жарима даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаганлик, декларацияни ўз вақтида тақдим етмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим етганлик учун солинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида даромадлар туттрисидаги декларацияларни муайян муддатларда фуваролар ҳам, корхоналар ҳам солиқ органларига тақдим этиб туришлари назарда тутилган. Чунончи, республика Вазирлар Маҳкамасининг "Савдони еркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, шу жумладан, умумий овкатланиш

корхоналари, ўз даромадлари тўғрисида ҳар ойда декларация (маълумотнома), топширадилар, деб белгилаб қўйилган.

174-модданинг 2-қисми ушбу қисмнинг диспозициясида санаб кўрсатилган уч ҳуқуқбузарлик:

- а) даромадлар тўғрисида декларация такдим этишдан бўйин товлаш;
- б) декларацияни ўз вақтида такдим етмаслик;
- в) декларацияда атайин нотўғри маълумотларни такдим этиш ҳолларидан ҳар қандайи содир етилганида қўлланилади.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузарлик ҳамма вақт атайин, иккинчиси ҳам атайин, ҳам ехтиёцизлик орқасида содир етилади.

Декларацияни ўз вақтида такдим етмаслик декларация белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин такдим етилишида ифодаланади. Декларацияга атайин нотўғри маълумотларни киритиш ҳақиқий даромадларни камайтириб кўрсатадиган, мавжуд булмаган харажатларни кўрсатадиган ва ҳоказо маълумотларни беришдан иборат бўлади.

Агар мазкур ҳуқуқбузарликлар Солиқ солинадиган объектларни яшириш мақсадида қилинса, улар миқдорига караб, МЖК 174-моддасининг 1-қисми билан ёки ЖК 184-моддаси билан ҳам баҳоланиши керак.

174-модданинг 2-қисми буйича Солиқ органларига тегишли декларацияларни такдим этишга мажбур бўлган фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгар бўладилар.

"Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш" деб аталадиган 175-модда уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек, солиқларни, бюджетта ва бюджетдан ташқари фойизларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни такдим етмаслик, ўз вақтида такдимъ етмаслиги ёки белгиланмаган шаклда такдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, енг кам иш ҳақининг бир бароваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кимга буйсунишидан ва мулк шаклидан кати назар юридик шахс бўлган корхоналар ва ташкилотлар (шу жумладан, чет ел инвестицияси ёрдамида

ташкил етилган корхоналар), шунингдек асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона услубий (методологик) асослари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом, шунингдек корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоботининг ҳисобварақлар режаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Низомга мувофиқ Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот буйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Улар Ўзбекистон ҳудудидага ҳамма корхоналар, муассасалар томонидан бажарилиши шарт.

Солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китобларининг ва солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг шакллари, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш (Ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва уларни реализация қилиш буйича амалга ошириладиган ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий нахияларни чиқариш тартиби тўғрисидаги 1995 йил 27 январдаги Низом, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги "Корхоналар фойдаси (даромади)дан бюджетга олинадиган Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисида"ги йўриқномаси каби ҳужжатлар билан тасдиқланган.

Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил етмасдан туриб амалга оширишни хоҳлаган хусусий тадбиркорга тикиб боғланган ва муҳр босиб тасдиқланган даромад ва харажатлар дафтари (даромад ва харажатлар декларацияси) берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, МЖК 175-моддасининг 1-қисмида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бож тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, ушбу моддага мувофиқ, жавобгарликка сабаб бўлади. Агар бундай оқибатлар юз бермаган бўлса, кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарлик таркиби йўқ бўлади, айбдор мансабдор шахслар еса интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар худди шундай ҳукукбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир етилган булса, МЖК 175-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жавобгарлика тортилиб, енг кам иш ҳақнинг уч бароваридан беш бароваригача миқдорда жарима солинади.

175-модданинг 3-қисми касса операцияларини юритиш тар-тибини ва тўлов интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларга енг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишни назарда тутди.

Касса операциялари дэганди корхона муассаса ва ташкилотлар кассаларнинг нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ, операциялар тушунилади. Тегишли қоидалар кўпроқ аҳоли ва кредит муассасалари билан пул ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлади Касса операцияларини юритиш тартибини бузишнинг енг кўп тарқалган турлари касса тушумини белгиланган нормалардан ортиқча сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида топширмаслик, кассада нақд пул қоладигани лимитдан ошириб юбориш, кредит муассасасидан олинган нақд пулларни ноўрин сарфлаш, иш ҳақи, нафакалар, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар тўлаш учун олинган ва ишлатилмаган пул маблағларини кредит муассасасига ўз вақтида қайтармаслик, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалардан иборатдир.

Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош (катта) бухгалтерлари, шартнома асосида ишлайдиган бухгалтерлари, молиявий булинмаларнинг раҳбарлари ва кассирлари жавобгар бўладилар.

Тўлов интизومي ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз тўлов мажбуриятлари бўйича тўловларнинг муддатлари ва тартибига аниқ, риоя этишидан иборатдир.

Ўтказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағларнинг товарлар амалда жўнатилган, хизматлар, кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб олтмиш кун ўтганидан кейин келиб тушмаганлиги муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи дейилади.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг мавжудлигини, тўловга қобилиятиз истеъмолчиларга маҳсулот ўтказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)ни тўлов интизомини бузиш деб ҳисоблаш

мумкин. Корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўла туриб, тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларига риоя этмасликни ҳам ана шундай тўлов интизомини бузиш деб ҳисоблаш керак.

175-модданинг 3-қисми буйича ҳуқуқбузарлик субъектлари мулкнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг, тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек мазкур ташкилотларнинг бош бухгалтерлари бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Юридик жавобгарлик нима?
2. Юридик жавобгарликнинг қандай белгиларини биласиз?
3. Қандай ҳолатларда солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилади?
4. Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари нималардан иборат?
5. Давлат солиқ органлари фаолиятида юридик жавобгарлик масалаларининг ўрни қандай?

3.3.Солиққа тортиш масалаларидаги келишмовчиликларни судгача бартараф қилиш тартиби

Солиқ соҳасидаги келишмовчиликларни судгача бормасдан ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизми дунё мамлакатлари амалиётида жуда кенг тарқалган ҳамда қўлланилиб келинади. Энг аввало, бу суд тартибида ҳал қилишдан шуниси билан фарқ қиладики бунда асосий масъулият ва ваколат солиқ (молия) органлари зиммасига юклатилган бўлади ҳамда улар фаолияти устидан шикоят қилиш мумкин бўлиб ишни маъмурий тартибда кўриб чиқишади. Келишмовчиликларни судга етмасдан кўринишидаги низолар кўпчилик ҳолатларда судга борилади. Тегисли амалларнинг баъзилари мажбурий тарзда солиқ маъмурий бошқарувининг иши ҳисобланади. Солиққа оид низоларни судга бермасдан ҳал қилиш қулайроқ ҳисобланиб, бир қатор афзалликларга ҳам эга, масалан ишларни кўриб чиқишда томонлар эркинроқ ҳаракат қилишади, ҳар хил тўловларни тўлашга ҳожат йўқ. Мисол

учун 2001-2002 йилларда Канада солиқ органлари томонидан ўтказилган текширувларда 27 млн ҳолатда тўловчиларнинг виждонан ёндашуви аниқланган. Шулардан 49 минг (1.17%) авф етилган бўлиб, 31% апелляцияга берилган ишлар қондирилди, 19% и қисман қондирилди, ўзгаришсиз қолдирилганлари 32%ни ташкил етган.

Австриядаги солиқ тўловчилар молиявий орган томонидан ўзларининг солиқ мажбуриятлари юзасидан берган қарорлари юзасидан бир ой муддат ичида шикоят қилишлари мумкин. Шикоят берилиши олдин белгиланган қарорнинг бажарилмаслиги учун асос бўла олмайди ва аксинча шикоят кўриб чиқиши муддати мобайнида қарор чиққунича ески қарорнинг бажарилиши бўйича ариза ёзишга рухсат етилди. Қарорнинг бажарилиши юзасидан берилган шикоят асоссиз деб топиладиган бўлса, ариза ёзиб тўхтатилиб турилган кечикиш муддати қанча бўлган бўлса шу кунлар учун жарималар тўлаш керак бўлади. Солиқ ва йиғимлар бўйича шикоятларни федерал тартибга кўра (249§ да белгиланган) қарор қабул қилувчи молиявий органга берилади. Бунда молиявий муассаса ўзининг қарорини қайта кўриб чиқиши, тахминий қарорини белгилаб олиши орқали молия муассасаси ишнинг ҳолатида пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларни йўқотади. Тортишилаётган масала юзасидан қабул қилган қарорини ёки асосланишини ўзгартириши, тўлдирилиши, изоҳлаши, баён қилиши, тасдиқлаши мумкин. Агар шикоятчининг талаблари қондирилмаса, у дастур ҳақида шикоят қилиши мумкин: шикояти юзасидан чиқарилган дастлабки қарорнинг мазмунига нисбатан иккинчи инстанцияга бериладиган шикоятни қарор чиққандан кейин 1 ой муддат ичида бериши мумкин. Шикоятларни кўриб чиқувчи иккинчи инстанция бўлиб ерларнинг молия дирекцияси ҳисобланади, агар шикоятлар сенати деб номланувчи инстанциянинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан бўлса (у ердаги таркибда 2 та молиявий хизматчи, палата таркибида 3 та тайинланган аъзо бўлади). Охирги санаб ўтилган инстанция фақатгина даромад солиғи, корпорациялар, даромад солиғи, оборот солиғи бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Иккинчи инстанциядан ҳам низолар юзасидан қарорнинг чиқарилиши амалда масалани маъмурий ҳал қилиниши тугади деб ҳисобланишидир. Бундан кейин Австрия «Суд бошқарув палатасига шикоятлар ҳақидаги» қонуннинг 130-бандига асосан солиқ ҳақидаги қарорлар суд бошқарув палатасига шикоят қилиниши мумкин. Агар суд бошқарув палатаси бундай шикоятни иккинчи инстанция

сифатида ижобий ҳал қиладиган бўлса, ундай ҳолатда Австриянинг «Суд бошқарув палатаси» тўғрисидаги қонуннинг 42 § га кўра ишни яна бошидан кўриб чиқиш учун ерларнинг молия дирекциясига қайта жўнатишади. Бу ерда еса ерларнинг молия дирекцияси ишни кўриб чиқиш билан эмас, суд бошқарув палатасининг чиқарган қарорининг ижросини ижобий ҳал қилиш билан шуғулланишади. Германияда 1996 йилдан бошлаб, низоларни судгача ҳал қилишнинг тартиби умумий шикоят амалиётига (нем.-Еинспрушсверфахрен) асосланиб солиқлар ва тўловлар ҳақидаги йўриқномага кўра бажарилади. Унинг мазмуни шундан боратки, молиявий органлар солиқ тўловчиларнинг норозилик ва шикоятларини кўриб чиқишга ҳақли ҳисобланишади. Агар солиқ тўловчи ўз вақтида норозилигини ёзма равишда баён етмаган бўлса, молиявий судда ўз манфаатларини ҳимоя қилишларини сўраб мурожаат қилиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлади. Ушбу ҳолатда норозилик объекти бўлиб солиқ органлари томонидан тузилган акт ёки ҳаракатлар ҳисобланади. Солиқ тўловчи шикоят аризасини бир ой муддат ичида (низолар вазият юзага келгандан сўнг) топшириш керак. Норозилик хати қайси молиявий орган томонидан баённома ёки ҳаракатлари нотўғри бажарилган бўлса ўша органнинг ўзида кўриб чиқилади. Норозилик хатидан фарқли равишда шикоят хати маъмурий бошқарув идорасининг юқори ташкилотига ёзилади. Умумқабул қилинган қоидага кўра шикоятнинг берилиши шикоят қилинаётган жараённинг тўхтатилишини билдирмайди. Аммо молиявий органлар қарорига кўра бу жараён тўхтатилиши мумкин агарки солиқ тўловчининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги очиқ ойдин кўриниб турган бўлса. Шикоят хати бўйича қарор ёзма равишда қабул қилиниб томонларнинг эътиборига ёзма равишда ҳавола етилади.

Индонезияда солиққа оид низолар суддагига яқинроқ вазиятда ҳал қилинади. 1998 йилгача бу мамлакатда солиқ низолари солиқ бўйича консултатив кенгашига ёки акциз ва божлар бўйича Консултатив институтига апелляция тарзида кўриб чиқилар, солиқ қонунчилигининг татбиқоти бўйича даъво аризалари еса жамоат ёки давлат маъмурий судлари томонидан кўрилар еди. 1997 йил 23 майда «Солиқ низоларини ҳал қилиш агентлиги тўғрисида» ги қонуни имзолангандан сўнг солиққа доир низоларнинг кўриб чиқирилиши, махсус шу масалада ташкил етилган орган – Солиқ низоларини ҳал қилиш агентлигига оид бўлиб қолди. Ушбу агентликка Молия вазирлигининг таркибий тузилмаси сифатида қараш керак, чунки бу

ташкilotнинг молиявий таъминланиши ҳамда фаолият олиб боришида юқоридаги ижроя ҳокимияти орган масъул ҳисобланади. Юқорида номи зикр этиб ўтилган қонуннинг 6-бандига мувофиқ Солиқ низоларини ҳал қилиш бўйича агентликнинг таркибини раҳбарлар (раис ва унинг муовини), аъзолар (40 ёшдан кам бўлмаса, солиқ соҳасида етарлича иш стажига эга, олий маълумотли мамлакат фуқаролари) ва котибдан иборат вакиллар ташкил этади. Агентликнинг таркибини Молия вазирининг тақдимотиға биноан рўйхат бўйича Индонезия Президенти тайинлайди. Аъзолар тайинлангандан сўнг хизмат давомийлиги ваколатлари 5 йил, баъзан яна бир марталик муддатга тайинланиши мумкин. Ишдан бўшатилиши ҳам юқоридаги тартиб бўйича Молия вазирининг тақдим етган рўйхати бўйича Индонезия президенти томонидан амалга оширилади, масалан оцтавкага чиқиш ва ҳақозо. «Солиқ низоларини ҳал қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-бандига мувофиқ агентликнинг раиси, унинг муовинлари ҳамда аъзолари хизмат вазифаларини бажаришга киришишларидан аввал ўзларининг амал қилаётган еътиқодларига кўра мажбурият олишлари ёки қасамёд қилишлари шарт. Раис агентликнинг умумий назоратини олиб боради ҳамда солиқ низоларининг ҳал етилишини таъминлаб агентлик аъзолари фаолиятини назорат қилади. Унинг ваколатларига, директива чиқариш, огоҳлантиришлар бериш, керакли чора-тадбирларни кўриш учун лозим бўлган таклифларни бериш киритилган.

Агентликнинг аъзолари солиқ низоларини ҳал қилиш бўйича ишларда бевосита иштирок этадилар, уларга Агентлик ҳақидаги ахборотларни суистеъмол қилишга, вакиллик қилишларига, васийлик қилишларига, юридик ёки жисмоний шахс сифатида консултация бериш билан шуғулланишга йўл қўйилмайди (13 модда. ҳқорида айтиб ўтилган қонун). Котибият еса солиққа оид низоларни ҳал қилишнинг зарур тадбирларини ўтказади ҳамда жорий маъмурий ишларни юритади. Унинг зиммасидаги ишлардан яна бири кўрилаётган ишлар, яъни солиқ низолари юзасидан керакли бўлган ҳужжатлаштириш ишларини юритиш билан бирга иш юритишдан ҳам иборат. Солиққа оид низоларни ҳал қилиш жараёнида солиқ тўловчининг ишончномасига кўра унинг вакили қатнашиши мумкин, вакиллар асосан солиқ соҳасида кўп йиллар ишлаб керакли малака ҳамда иш стажига эга, юридик маслаҳатлар бериш ҳуқуқи мавжудлигини акс еттирувчи лицензияга эга шахслар ҳисобланишади. Даъво аризасини топшириш вақтида ҳам ушбу тартибга амал қилиниши мумкин. Солиқ низоларини Агентлик

томонидан кўриб чиқиш учун асос бўлиб солиқ тўловчилардан келиб тушган даъво аризалари, апелляция аризалари ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиққа тортиш масалаларидан келишмовчиликларни судгача ҳал қилишнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Хорижий давлатлар тажрибасида солиққа оид келишмовчиликларни бартараф этиш қай тарзда амалга оширилади?
3. Австрия давлати тажрибасида солиққа оид келишмовчиликлар судгача қандай тартибда бартараф этилади?
4. Солиққа оид келишмовчиликларни судгача ҳал этишнинг Индонезия тажрибаси қандай?

3.4. Солиқ қонунчилиги тизимида молиявий ва маъмурий жазо чоралари

Солиққа тортиш ва солиқ сиёсатини амалиётга тадбиқ қилиш йўлида ўрнатилган тартибини назорат қилиш, давлат солиқ идоралари зиммасига юклатилган.

Ушбу тартиб ва қонун – қоидалар бузилган тақдирда, солиқ тўловчиларга нисбатан тегишли жарима ва жазо чоралари қўлланилиши кўзда тутилган.

Солиқ қонунларини бузилишида қўлланиладиган жарималарнинг турли мамлакатларда турли хил (оғирроқ ва енгилроқ) бўлиши, аввало ўша мамлакатнинг ривожланиш даражасига, даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишига, пул инфляциясига, ишсизлик даражаси ва бошқа иқтисодий элементларга боғлиқдир.

Лекин мамлакатни ривожланиш даражасидан қатъи назар, унинг иқтисодий кўрсаткичларига қарамасдан, уларнинг ҳаммасида давлат манфаатларини сақлаш ҳамда уни ҳимоя қилиш муаммолари мавжуддир.

Солиқлардан қочиш, уларни яшириш ва тўламаслик каби масалалар бўйича ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша ҳимояси, унга қарши кураш олиб бориш ва қонунбузарликни олдини олиш стратегияси мавжуд.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ идораларида рўйхатдан ўтмай ва солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган фаолиятлари тушунилади. Бундай фаолиятлар очик ошкор тусда ҳам бўлиши мумкин. Бунда солиқ тўловчилар солиқ идораларидан рўйхатдан ўтадилар, тегишли ҳисоб-китоб ва солиқ ҳисоботларини топширадилар, лекин олган даромадларини ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмасдан бир қисмини яширадилар.

Солиқ тўловчилар умуман тегишли идоралардан рўйхатдан ўтмай, ҳеч қандай солиқ тўламасдан яширин фаолият олиб боришлари ҳам мумкин.

Ғарб экспертларининг маълумотларига қараганда, ялпи миллий маҳсулотда ҳуфия иқтисодиётнинг ҳажми Белоруссияда 18-25, Болгарияда 29-32, Қозоғистонда 35-40, Россияда 40-45, Украинада 45-48, Озарбойжонда 58-68, Грузияда 64-69 фоизга тенг.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимларини ва уларнинг меъёрий ҳужжатларини таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва уларни яшириш учун бир қатор

усуллар ишлатилади. Уларни олдини олиш, бундай фаолиятлар натижасида давлат бюджетига келтириляётган зарарларни қоплаш ва келгусида бундай фаолият юргизмасликка қарши курашда қўлланиладиган жарималар ҳам муҳим ўрин тутати.

Мамлакатда барча коорпорациялар даромад олган ёки олмаганликларидан қатъий назар тегишли формадаги декларацияларни тўлдиришлари шарт. Декларацияда кўрсатилган солиқ суммаларини муддатида камида 90 фоизини тўламаган солиқ тўловчиларга нисбатан жарима суммалари белгиланади.

Декларация топшириш муддатини узрли сабабларга кўра узайтирилиши ҳам мумкин, лекин кечиктирилган вақт учун тегишли фоизлар ҳисобида устамалар ҳисобланади. Одатда коорпорациялар солиқ суммаларини йил давомида тахминий баҳолаш усули билан бюджетга ўтказиб борадилар. Тўлов муддатлари еса йилига 4га бўлинган ҳолатда ҳисоб-китоб қилинади. Жарима суммалари қуйидаги ҳолларда ҳисобланмайди:

- солиқ ставкалари тўғри қўлланилиб ҳисобланмаган бўлса;
- ўтган йил учун декларацияда кўрсатилган тахминий ҳисобланган солиқ суммалари ўз муддатларида тегишли бюджетга ўтказилса;
- жорий йиллик тўланадиган сумманинг камида 90 фоизи тўланган бўлса ва ҳ.к.

Фуқаролар учун жарималар асосан декларацияларни топширмаганликлари ёки декларацияда кўрсатилган солиқ суммаларини тўламаганликлари учун қўлланилади. Фуқароларни декларацияларни тўлдиришда криминал ишларни амалга оширганликлари аниқланса, декларация тўлдирилган вақтдан бошлаб 3 йил муддат давомида жиноий иш қўзғатишга ҳуқуқ берилган.

Агар солиқ декларациялари фирибгарлик йўли билан тўлдирилганлиги аниқланса ҳамда унда кўрсатилган солиқ суммасини кўпи билан 25 фоизигина тўланган бўлса жиноий иш қўзғатиш муддати 3 йилдан 6 йилгача қилиб ўзайтирилади.

Бу муддатга солиқ декларацияларини умуман топширмаган, олган даромадларида жиноят аломати бор бўлган фуқаролар ҳам қиради. Мамлакатда декларацияда кўрсатилган суммани тўлаш муддати жорий йил учун кейинги йилнинг 15 апрелигача қилиб белгиланган бўлиб, тўланган

солиқ суммаси декларацияда кўрсатилган сумманинг 10 фоизидан кам бўлса, автоматик тарзда жаримага тортилади.

Ҳар йили ўртача 100 миллиондан кўпроқ декларацияларни ҳисоб – китоб қилувчи ички даромадлар бюросининг фаолиятига кейинги йилларда анча ўзгаришлар киритилган бўлиб, у ўзгаришлар асосан солиқ тўловчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган.

Масалан; йиллик солиқ суммаларини бирданига эмас тегишли муддатларда бўлиб тўлаш, мол – мулкни мусодара қилиш тўғрисида 30 кун аввал хабардор қилиш кабилардир.

Давлатнинг бундай йўл тутишига сабаб, ўрта ва кичик корхоналарни банкротликка, фуқароларни еса уй – жойларидан маҳрум бўлиши каби нэгатив ҳолатларнинг кўпайиб кетганлигидадир.

Агарда солиқ суммалари қасддан яширганлиги аниқланса, у ҳолда аниқланган сумма 100 фоиз миқдорда жаримаси билан бюджетга ҳисобланиб, жавобгарликка тортилади.

Агар солиқ тўловчи ўз мажбуриятларини бажармаса, қонун юридик жавобгарликни назарда тутди. Чунончи, солиқ тўлашдан бош тортиш дэгани алдов, яшириш ёки бошқа усуллар билан солиқ тўлашдан қочиш учун қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни бузиш мақсадларида солиқ тўловчиларнинг атайин содир қиладиган ғайриқонуний фаолияти англанилади. «Осон пул топиш»ни кўзлаган ноинсоф солиқ тўловчилар молиявий ҳисоботга оид бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш ёки йўқ қилиш, солиққа тортиш объектларини пасайтириш ва яшириш, ишлаб чиқариш чиқимларини ошириб кўрсатиш, кейин учинчи бир шахслардан олиш билан бошқа шахсларга даромадларини беришга ҳам уринадилар.

Солиқ интизоми, солиқ тўланганлиги тўғрилигини текшириш якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар нашрида молиявий чораларни қўллаш ҳам назарда тутилган.

Солиқ идораларига тўлов муддатини кечиктириб тўлаган шахслар еса солиқ миқдоридан ташқари, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня тўлайдилар.

Солиқ идоралари, шунингдек, қонун бузувчиларнинг банк ҳисоб варақларидан маблағларни акцепциз ҳисобдан чиқариш, квитанцияларни тортиб олиш, берилган лицензияларни бекор қилиш чораларини кўришга

ҳақлидирлар. Шу билан бирга, қонунни бузган солиқ тўловчиларга нисбатан судга тортиш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Молиявий жарималар – солиқ органлари томонидан солиққа тортиш тўғрисида амалдаги қонунларга риоя қилмайдиган солиқ тўловчилар ва мансабдор шахсларга давлат йўли билан иқтисодий таъсир ўтказиш қуроли бўлиб, фойда ва даромаларни яширганлик учун, солиқ суммаларини ўз вақтида ўтказмаганлик, бухгалтерия ҳисоб – китобларини олиб бормаганлик ва тегишли ҳисоботларни муддатларида топширмаганликлари учун бюджетга ундириладиган молиявий маблағлар.

Жарималар тўловчиларга қонуний тарзда юклатилган мажбуриятларини бажармаганликлари учун қўлланилади. Солиқ қонунларини бузувчиларга нисбатан давлат мажбур қилиш чораларини қўллаши ҳам мумкиндир.

Солиқ муносабатлари соҳасида қўлланиладиган давлат мажбурлови куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлади:

- Улар ҳуқуқий шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам бирдек қўлланилади;
- Солиқ соҳасида қонунчиликни таъминлаш, солиқларни тўлаш қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бўлади;
- Молиявий чоралари жазо чоралари, маъмурий мажбурлов ва жиноий жазо чораларини солиққа мажбурлаш чораси сифатида қўлланиладиган механизмларни тегишлича молия ҳуқуқи, маъмурий ва жиноий қонунчилик ҳуқуқий қонунчилик соҳаларида назарда тутилади;
- Қоида тариқасида солиққа оид мажбурлов чораларининг махсус органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан судсиз тартибда қўлланилади;
- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чоралар тизими аҳамияти, таъсир кучи ва миқёслари бўйича турли-туман жазоларни назарда тутди;
- Солиқ соҳасидаги давлат мажбурловининг асосий мақсади солиқ қонунларга қатъий амал қилинганликни, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ давлат бюджетига келиб тушишини таъминлашдан иборат бўлади;
- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби молиявий қонун ҳужжатларда маъмурий процессуар нормаларда белгилаб қўйилади, яъни маъмурий ҳуқуқ рамакasiда қўлланилади;

- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чоралари соддалаштирилган тартибда (ҳуқуқбузарлик аниқланади- қайд етилади, баёнома ёки далолатнома воситасида-жазо қўлланилади) татбиқ етилади;

- Солиқлар билан боғлиқ давлат зўрлиги ишлатилиши чоғида таъсирчан прокурор назоратини амалга ошириши, солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш орқали ва бошқа воситалар билан қонунчилик режими таъминланиши, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя етилиши лозим.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик солиқ қонунлари бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги кодексда ҳамда молиявий ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ва миқдорда молиявий-ҳуқуқий жазо чораларини кўриш йўли билан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-бобида(164-179 моддалар) солиқ ва тадбиркорликка оид қонунлари бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Бундан ташқари жиноят кодексининг 184, 187, 189-моддалари ҳам мавжудки, бу моддалар бевосита маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс доирасидан чиқиб, жиноий жавобгарлик ҳолатлари борлиги учун солиқ органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига ўтказди.

Солиқ органларининг мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ ҳизмати» тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасини 9-бандига асосан солиққа оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо қўллаш;

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш каби ҳуқуқлари берилган

Молиявий санкциялар сифатида жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга нисбатан қуйидаги жазолар қўлланилиши мумкин.

Жумладан:

- Солиқдан яширилган даромадни, тегишли ҳолларда унинг икки баробар миқдоридаги суммани давлат даромадига тортиб олиш;

- Жарималар солиш;
- Пенялар ундириш;
- Солиқ қонунчилигини бузилишига сабаб бўлган предметларни мусодара қилиш.

Молиявий санкцияларни қўллаш тартиблари ва муддатлари солиқ кодексининг «молиявий жазо чоралари» деб номланувчи моддасида кўрсатиб ўтилган.

Молиявий санкцияларни қўллаш, қилинган қонунбузарликларга нисбатан турли ҳил бўлади.

Жумладан:

1. Юридик шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши куйидаги миқдорида жарима солишга олиб келади;
 - агар фаолият 30 кунгача амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олган даромаднинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;
 - агар фаолият 30 кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;
2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.
3. Даромад яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг бутун суммаси ва яна шунда миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти ҳаракатларни молиявий чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир етган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баробари миқдорида жарима ундирилади;
4. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар тақдим етмаганлик, ўз вақтида тақдим етмаганлик ёки белгиланмаганлик шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг маълум фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври

учун илгари ҳисобланиб чиқарилган тўловлар чегирилиб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5. Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятда олган бутун даромад (фойда) ва яна шу миқдода жарима ундирилади;

7. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб – китоб акс еттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказгалиги учун улардан ана шу товарлар қиймати миқдорида жарима ундирилади.

8. Солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорда пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмади.

9. Счет - фактуралар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги учун реализация қилинган товарлар суммасидан 10 фоиз миқдорида мол етказиб берувчи ҳисобидан ундириб олинади.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади. Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир етмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан бюджет олдидаги қарзлари ва молиявий санкция тариқасида қўлланилган жарима ёки бошқа тўловлар фақат суд тартибида ундириб олиниши мумкин.

Юридик шахслардан эса солиқ бўйича қарзлар ва бошқа мажбурий тўловларни, жарималар ҳамда бошқа молиявий жазо сифатидаги суммаларни низосиз тартибда ундириб олиниши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ муносабатларида қонун ва қоидаларни ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш ҳар бир субъектнинг ҳам маъмурий ҳам молиявий жарималардан холи қилади ва янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг солиқ қонунчилигида қўлланилаётган мажбуриятлар ривож топаётган бир пайтда, давлат ва тўловчилар мажбуриятлари мувозанати деган ибора ишлатилмоқда. Шу борада ўйлаймизки, солиқ интизомига риоя қилиш йўналишида алтернатив усулларни ҳам кенг қўлланилиши лозимдир

Солиқ қонунчилигига риоя қилиш мақсадида, солиқ идоралари махсус режа ва чора – тадбирлар ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда, айниқса наст поғонадаги инспекцияларида, уларни мақомини ва ташкилий тузилишни қайта кўриб чиқишига эътибор бериш керак. Шу билан бирга, Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколати доирасида солиқлардан бўйин товлашга қарши ўз методларини ишлаб чиқариши лозимдир.

Қўмита тизимида мавжуд бўлган, яширин ишлаб чиқариш ҳажмларини аниқлаш бўйича бошқарма ва унинг тизимидаги солиқ тўловчилар фаолияти мониторинги бўлими кучайтирилиб, хатти –ҳаракатни фаоллаштириш лозим. Бундан ташқари, криминал фойда хизматини ҳам ташкил қилиш керак.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Молиявий жазо чоралари қандай ҳолатларда қўлланилади?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда нима тушунилади?
3. Солиқ тўғрисидаги қонун соҳаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик нима?
4. Тадбиркорлик фаолияти билан солиқ қонунчилигининг боғлиқ жойи нимада?

4- БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК .

4.1. Халқаро иқтисодий муносабатларда солиқ соҳасидаги ҳамкорлик

Жаҳон ҳамжамияти иқтисодий тизимлари интеграцияси ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши муқаррар хорижий мамлакатлар солиқ тизимларини ўзаро таъсирига олиб келади. Лекин турли малакатларда солиққа тортишни у ёки бу масалани ечишга бўлган ёндашувларни бири-бирига тўғри келмаслиги низоли вазиятларни юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, халқаро икки томонлама солиққа тортиш ҳамда антисолиққа тортиш билан боғлиқ муаммолар.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш икки ёки ундан кўп мамлакатда бир солиқ тўловчини бир объектига нисбатан бир ёки ўхшаш солиқ билан бир вақтнинг ўзида солиққа тортишдир.

Шундай қилиб, икки томонлама солиққа тортишни белгиловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- солиққа тортиш объектининг ўхшашлиги;
- солиққа тортиш субъектларининг ўхшашлиги;
- солиқ тўлаш муддатининг ўхшашлиги;
- солиқ тўловчининг бир хиллиги.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш асосан юридик ва жисмоний шахслар даромади ва мол-мулкни солиққа тортишда учрайди. Уни пайдо бўлишининг асосий сабаби давлатнинг суверенлик тамойилидан иборат. Бу эса давлатни ўзини чегаралари ичида бажарилиши шарт бўлган қонуний актларни қабул қилишга махсус ҳуқуққа эга эканлигини билдиради. Бунинг оқибатида ҳар бир мамлакат миллий солиқ қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларига эга, бу эса муайян низоларга олиб келади, хусусан бир нечта давлат бир субъектни ўзини солиқ тўловчиси деб ҳисоблашишади ёки бир мамлакат ҳудудида пайдо бўлган солиқ тўлаш объекти бир вақтни ўзида ҳам у, ҳам бу мамлакат қонунчилигига биноан солиқ тўлаш объекти бўлади. Масалан, республикамизда даромад солиғига қардан олинганидан қатъий назар, доимий яшовчи шахснинг барча даромадлари солиққа тортилади. Шу вақтнинг ўзида бошқа мамлакатда, масалан, Қозоғистонда уни ҳудудида

олинадиган барча даромадлар солиқ тўловчининг доимий яшаш жойидан қатъий назар даромад солиғига тортилади. Шунинг учун мамлакатимиз фуқароси, Қозоғистонда китоб чоп қилганлиги учун муаллифлик гонорари олса, расмий равишда ушбу олинган гонорардан икки марта солиқ тўлашга тўғри келади - Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилиги бўйича.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш солиқ тўловчиларнинг зарарларини кўпайтиради. Бу эса тадбиркорларни ташқи иқтисодий фаолиятида ишбилармонлик фаолиятини ушлаб туришга ёки ололмаган соф фойдасини қоплаш учун нархларни оширишга мажбур бўлади. Ушбу ҳол халқаро интеграция, халқаро товар, хизмат, технология алмашинувига, капитал экспорти, жаҳон бозоридаги рақобат даражасига салбий таъсир қилади. Шунинг учун икки томонлама солиққа тортиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш ёки камайитириш муаммосини халқаро иқтисодий жараёнларда иштирок қилишга ҳар бир давлат ҳаракат қилади.

Халқаро икки томонлама солиққа тортишга қарама-қарши бўлиб антисолиққа тортиш ҳисобланади. У халқаро икки томонлама солиққа тортиш турли мамлакатлар солиқ тизимларининг мос келмаслиги оқибатида вужудга келади. Бунда давлатлардан бири муайян солиқ тўловчини ёки объектни «ўзиники» сифатида тан олмайди (ўзига хос «солиқ туйнуги»).

Шундай қилиб, антисолиққа тортиш ва халқаро икки томонлама солиққа тортиш учун умумий ҳол – бу уларнинг пайдо бўлиш сабабидир. Яъни айрим мамлакатлардаги бир-бири билан қисман ёки бутунлай мос келмайдиган қонунчилик меъёрларини мавжудлигидир. Фарқи эса қуйидагидан иборат: агар икки томонлама солиққа тортиш ортқча солиққа тортишга олиб келса, антисолиққа тортиш эса унинг камайишига олиб келади.

Анти солиққа тортиш базасини солиқ даражаси пастроқ бўлган мамлакатга ўтказиш йўли билан солиқдан қочиш мақсадида ишлатилади. Масалан, Франция компанияси ўз капиталини даромади пастроқ ставка бўйича солиққа тортиладиган мамлакатга кўчирса, фирма солиқ тўлашдан қочиш билан катта иқтисодга эришади. Яна бир мисол сифатида қуйидагини келтириш мукин: компания Буюк Британияда ташкил этилиб, бошқаруви эса бошқа малакатда, масалан АҚШ да олиб борилади. Ушбу вазиятда фирма икки давлатнинг ҳам резиденти ҳисобланмайди, чунки Буюк Британияда резидент бўлиб, ҳақиқий марказига эга бўлган компаниялар ҳисобланади,

АҚШ да эса резидентлик мезони билиб, унинг ташкил этилиш жойи ҳисобланади. демак, компания фақатгина даромад солиғига тортилади. Шунга мувофиқ компания даромадлар пастроқ ставка бўйича солиққа тортиладиган учинчи бир давлатда даромад топса. Бу ҳолда ҳам кўпгина афзалликларга эга бўлади.

Анти солиққа тортиш ҳам икки томонлама солиққа тортиш сингари ўзининг иқтисодий оқибатларига эга. Анти солиққа тортиш натижасида эришиладиган афзалликлар халқаро битимларнинг рентабеллигини ошишига олиб келади ва халқаро алоқаларга эга корхоналарни анча манфаатли ўринга қўяди. бошқа томондан, мамлакат ичидаги фаолияти анча фойдасиз бўлади, шу билан ўз иқтисодиётида иштирок қилишга бўлган қизиқиши пасаяди.

Халқаро ҳуқуқ доираси икки томонлама солиққа тортишни тақиқлайдиган умумий қоидаларга эга эмас. Давлатлар миллий солиқ қонунчилигига мувофиқ ўзининг ҳудудида солиққа тортишга махсус ҳуқуққа эгадир. Шунинг учун амалиётда икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш учун ҳам ички солиқ қонунчилигининг мувофиқ меъёрлари билан боғлиқ ва шу мамлакат ҳукумати томонидан бошқа малакатлар билан келишмаган ҳолда бир томонлама чоралар, ҳам халқаро келишув ва конвенциялар ёрдамида амалга ошириладиган кўп томонлама чоралар қўлланилади.

Икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш қарорларига қуйидагилар киради:

- тақсимлаш усули;
- солиқни ҳисобга олиш;
- солиқ чегирмаси.

Тақсимлаш усули (эркинлаштириш принципи, кетма-кет эркинлаштириш) давлатларга уларнинг солиқ юрисдикцияси остига тушувчи даромад ва объектларнинг ҳар хил категорияларини ўзаро тақсимлаб олишни таклиф қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат бошқа мамлакатда солиққа тортилишда озод даромад ёки бъектларнинг айрим турларини ўз зиммасига олади.

Солиқни ҳисобга олиш (солиқ кредити, хорижий солиқларга бўлган кредит) — бу ички солиқ мажбуриятлари ҳисобига хорижда тўланган солиқларни ҳисобга олиш, яъни тўловчининг солиққа тортиладиган базаси

хориждан олинган даромадлар ҳисоби билан шаклланади., кейин эса ҳисобланган солиқ суммасидан хорижда тўланган солиқлар олиб ташланади.

Солиқ чегирмаси хорижий давлатда тўланган солиқни солиққа тортилиши лозим бўлган даромаддан олиб ташланадиган харажатлар сифатида кўриб чиқади. Солиқ чегирмаси солиқни ўзини эмас, балки солиққа тортиш базасини хорижда тўланган солиқ суммасига камайтирганлиги учун фойдаланиш анча фойдасизроқ солиқни ҳисобга олишдан фойдаланишга қараганда.

Даромадлар ва мол-мулкни икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги келишувлар 1963 ва 1977 йилларда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) томонидан ишлаб чиқилган намунали конвенция асосида тузилади. Бу конвенцияларнинг низоми тавсиянома характериға эға ва бутунлай миллий солиқ ҳукумати томонидан тан олиннишиға боғлиқ, лекин кўп мамлакатлар ўзаро тузиладиган келишувларига қатор низомларни деярли сўзма-сўз киритишади. Бу эса ягона терминологияни яратади ва уларнинг маъносини бир хил талқин этишға йўл беради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти конвенциялари асосан саноати ривожланган мамлакатларнинг манфаатларини ҳисбға оладилар, айниқса капитал экспортёрларининг. Айнан шунинг учун 1979 йилда БМТ ўхшаш намунавий конвенция ишлаб чиқди. Унинг мақсади – саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни икки томонлама тартибға солиш ҳисобланади.

Икки томонлама солиққа тортиш ҳақидаги келишувларда эркинлаштиришнинг тақсимлаш усули катта аҳамиятға эға. Бунда бир давлат бошқа давлатда солиққа тортилган даромадни солиққа тортишдан озод қилади. Бу мамлакатлар ўртасида тузиладиган икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш ҳақидаги битимларда томонлар ҳар бир мамлакатнинг солиқ юрисдикцияси остиға даромаднинг қайси турлари тушишини келишиб олишади. Давлатлар солиқ тизимларининг кесишиш жойларини биргаликда келишиб олар еканлар, бунда вужудға келадиган ўзаро солиқ мажбуриятларининг ўзига хос томонларини ҳисобға олар еканлар, икки томонлама солиққа тортиш муаммоси бутун ҳажмда очиланти. Лекин қандайдир муаммо икки томонлама солиққа тортиш ҳақидаги келишув томонидан тартибға солинмай қолса, бу ҳолда миллий қонунчилик меъёрлари қўлланади.

Икки томонлама солиққа тортиш тўғрисидаги келишувларда давлатни даромадлардан солиқ олиш ҳуқуқи тўғрисидаги муаммони ечиш учун асосан доимий ваколатли конвенция қўлланилади. Бу тушунча хорижий юридик шахснинг солиқ мақомига тегишли ва ташкилий ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Солиққа тортиш учун доимий ваколатнинг мавжудлиги ёки аккредитация аҳамиятга эга эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти у ёки бу халқаро дастурлар доирасида бозор ислохотларини ўтказётган ва ўз иқтисодиётини ўзгартираётган мамлакатларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тадбирларини амалга оширмоқда. Бундай кўмакнинг йўналишларидан бири - ўз ичига молиявий ва ҳуқуқий ғоянинг ҳамма эришган ютуқларини олиши ҳамда замонавий халқаро иқтисодиё талабларига жавоб бериши мумкин бўлган миллий солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беришдир. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашга йўл беради.

Айнан шундай чоралардан бирини Халқаро солиқ дастури доирасида амалга ошириш пайтида намунавий халқаро солиқ кодексини тайёрлаш фикри пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади ислохотлар йўлидаги мамлакатларга солиқ муносабатларни илмий асосда тартибга солишга, ягона терминология ва бир хил талқин қилишни яратишга имкон беришдир.

«Халқаро солиқ кодекси асослари» шаклидаги ҳужжат 1993 йилда тайёрланган ва чоп этилган эди. Унинг муаллифлари – Гарвард университети мутахассилари У.М. Хосси ва Д.С. Любик. Ушбу кодекс 300 га яқин саҳифани эгаллайди ва 591 модда ва уларга изоҳларни ўз ичига олган. Киришда ишлаб чиқувчилар кўп мамлакатлар тажрибасидан ўтган солиқ тизимининг замонавий тушунчасини Кодексда тақдим қилишга ҳаракат қилганликларини ёзадилар. Кодекс намунавий бўлса ҳам унда солиқ тўловчилар, минимумлар ва имтиёзларнинг аниқ ставкалари кўрсатилади. Кодексни тайёрловчилар фикрларига кўра келтирилган кўрсаткичлар шартли бўлгани билан ҳам, барибир ҳақиқатга яқиндир. Бунда муаллифлар қуйидагилардан келиб чиқади: Кодекسدан фойдаланишни истаган мамлакат учун матнни ўзи ҳам, ставкалар ҳам мажбурий эмас, балки тавсиянома характерига эга.. Ўзининг миллий солиқ қонунчилигини тайёрлашда

давлатларнинг аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлари бу мамлакат мутахассилари томонидан инобатга олинishi керак.

Кодексни тайёрлашда муаллифлар у ёки бу даражада ҳужжатда ўз аксини топган айрим умумий тамойил ва ҳолатлардан келиб чиққанлар.

Давлат солиқ тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапирганда, муаллифлар солиқ қонунчилиги тизимини ишлаб чиқишда солиққа тортиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамма қонунчилик ҳужжатлари у ёки бу усул билан ягоналаштирилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади. Бу шароит давлатга даромадга бўлган еҳтиёжларга умумий нуқтаи назардан баҳо беришга йўл беради. Бу мақсадга ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритиладиган ягона доимий солиқ қонуни амалда бўлса, ҳар сафар ҳукуматга бюджет даромадларини шакллантириш зарур бўлганида янги мустақил қонун қабул қилинмаса эришиш мумкин.

Бундан ташқари, агар давлат хўжалик юритишнинг халқаро тизимига интеграция қилмоқчи бўлса ички ишлаб чиқарувчиларга ёки сармояларга афзаллик бериладиган протекционистик солиқларни жорий қилишдан ёки солиқлардан вақтинча озод қилиш орқали миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларига енг яхши шароитларни яратишдан манфаатдор бўлмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, узоқ истиқболда бу молиявий ва меҳнат ресурсларини тақсимлашда номутаносибликларга олиб келади ва барқарор иқтисодиётнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди.

Кодекснинг принципиал моҳияти – бу солиқ тизими орқали иқтисодий субсидияларни таклиф қилиш тўғридан-тўғри субсидиялар беришдан кўра анча самарасиз деган низомдир. Имтиёзларнинг катта сонини мавжудлиги солиқ тизимини мураккаблаштиради ва унинг самарадорлигини муқаррар бузади. Керакли эгилувчанлигини йўқотади, чунки солиқ имтиёзлари қийин назорат қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда Кодекседа солиқлардан имтиёзлар, вақтинча ёки доимий озод қилишлар кўзда тутилмаган.

Ривожланаётган мамлакатлар ривожланишининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, кодекс муаллифлари улар даромадларининг асосий қисми божхона тўловлари, ҚҚС, акциз ва корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқдан шаклланишидан келиб чиқадилар. Бундай солиқ тизими ишлаб чиқарувчилар фикрига кўра қуйидаги афзалликларга эга: йиғилган солиқларнинг бир бирлигига тўғри келадиган маъмурий харажатлар жисмоний шахслардан даромад солиғини олганга қараганда камроқ бўлади.

Кодекс тавсия қилган солиқлар тизимига катта даромадга эга аҳоли қисмига тааллуқли жисмоний шахслардан индивидуал даромад солиғи ҳам киритилган. Бунга сабаб энди бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатлар – асосан ривожланаётган ва собиқ социалистик мамлакатлар – ривожланган мамлакатларда мавжуд кенг қамровли индивидуал даромад солиғини қўллаш учун етарли маъмурий ва юридик механизмларга эга эмас. Солиқ аппарати ҳам аҳоли ҳам бу солиқни амалиётга жорий қилиш учун керакли солиқ саводхонлиги ва ҳисоблаш техникасига эга эмаслар. Жамғарма қилиш имконига эга бўлмаган аҳолининг кенг қатлами учун муаллифлар фикри бўйича улар солиқни бевосита ёки билвосита солиққа тортиш орқали тўлашлари унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Индивидуал даромад солиғи унчалик солиқ тушумлари учун эмас, балки кўпроқ бирлик ҳиссини қондириш учун керак. Кодексида индивидуал даромад солиғи тадбиркорлик фаолиятдан фойда солиғи билан бир қисмда кўриб чиқилади. Бу шунинг учун қилинганки, кўпгина тушунчалар уларда бир хил бўлади, алоҳида баён қилинганида еса ортиқча такрорлашга олиб келган бўларди. Агар қонун чиқарувчи жисмоний шахслар даромад солиғи ва тадбиркорлик фойдаси солиғи тўғрисида алоҳида қонунларга эга бўлишни хоҳласа. Ушбу кодекс матнидан оснгина у ёки бу солиққа доир низомларни чиқариб олиши мумкин.

Ҳамма солиқларда кодекс инфляцияни ҳисобга олиш механизмини кўзда тутати. Муаллифлар фикрига кўра инфляция бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун муқаррардир. Шунинг учун агар қонунчиликда бунга қарши чораларни кўзда тутмаса у ҳар қандай қонунларни бузишга қодир.

Халқаро солиқ кодексининг муаллифлари қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш - солиқ ислоҳотидаги биринчи қадам деб ҳисобланади. муҳими самарали солиқ аппаратини тузишдир. Ҳалол ва масъулиятли солиқ хизмати муваффақиятининг зарур шартидир.

Кодекс ўз ичига бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда жорий қилинишига тавсия қилинган солиқларнинг таркиби бўйича беш қисмни олади.

Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган юқори солиқ юки солиқ тўловчиларни у ёки бу солиқдан қочиш йўллари мажбур қилади. Солиқ тўлови ҳажмини камайтиришнинг асосий усулларида бири –

бу жаҳоннинг турли мамлакатлари солиққа тортиш даражаларидаги фарқлардан фойдаланишдир.

Деярли ҳар бир мамлакатда миллий солиқ қонунчилигининг ўзига хос томони тўғрисида фаолият турини солиққа тортиш режими анча яхшироқ. Айрим мамлакатлар еса бутун давлат сиёсатини ўта юмшоқ режимини ўрнатиш ёки қўллаб солиқ имтиёзларини таклиф этиш орқали ўзининг солиқ юрисдикцияси остига хорижий фирмаларни қизиқтиришга асосланиб қўришади. Бундай солиқ бошпоналари деб ном олган мамлакатларга хорижий фирмалар ўзининг капиталини ўзлаштиради ва ўзининг молиявий фаолиятини ўша ерда олиб боришади.

Солиқ бошпонасида солиқ базисини - солиққа тортишнинг имтиёзли тартиби (доимий ёки вақтинча) амалда бўладиган бир давлат ичидаги ҳудудни фарқлаш лозим. Солиқ базислари бўлиб, одатда, портлар, иқтисодий зоналар, еркин тадбиркорлик зоналари ва бошқалар ҳисобланади. бу зоналарда чет ел инвестицияларини ва тадбиркорлик фаолиятини жалб қилинишини рағбатлантирадиган солиққа тортишнинг махсус режими амал қилади.

Солиқ бошпоналари ичида қатор мамлакатларни ажратиб олишади. улар асосан саноат ривожининг паст даражасига эгадирлар ва хорижий капитални жалб қилиш мақсадида жуда кам солиқ ундиришади. ёки уларнинг ундирилишидан умуман воз кечилади. Бу мамлакатлар бутунлай ўз фаравонлиги оффшор режимни таклиф қилиш ва оффшор битимларга хизмат қилиш орқали барпо қилинади. Улардан кўпчилиги оролларда жойлашган, бу ҳам шу ҳолатга ном берди. (инг. Офф-шоре - қирғоқда, масофада жойлашган, чегара ортида).

«Оффшор» атамаси биринчи марта 50-йиллар охирида АҚШнинг шарқий қирғоғидаги бир рўзномада чиққан. Гап географик ихтиролиги орқали назоратидан молиявий ташкилот ҳақида борарди. Бошқача қилиб айтганда, компания АҚШ ҳукумати назорат қилмоқчи ва тартибга солмоқчи бўлган фаолиятини қулай солиқ иқлимига эга ҳудудга кўчирган. Шунинг учун ҳам Троценко ва Карманова фикрлари бўйича «оффшор» атамаси юридик эмас. Балки иқтисодий-географик тушунчадир.

Оффшор юрисдикцияларининг амал қилишининг асосий шарти қуйидагилардан иборат: шу оффшор зонада қайд қилинадиган, лекин шу ҳудудда ҳўжалик фаолиятини олиб бормаيدиган ва маҳаллий ресурслардан

фойдаланмайдиган корхоналар имтиёзли ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Демак, оффшор механизмидан фойдаланишнинг моҳияти солиққа тортиш объектларини солиққа тортишнинг юқори даражали юрисдикциясидан солиққа тортишнинг паст даражали юрисдикциясига юридик кўчирилишидан иборатдир.

Оффшор механизмини қўллаш ва капитални миллий солиққа тортишдан ҳимоя қилишнинг юридик замини – бу давлатнинг солиқ суверенитетлигининг ҳудудий чегараланганлигидир. Компанияни солиқ бошпанаси бўлган мамлакат қонунчилиги бўйича қайд қилишда солиққа тортишнинг мустақил субъекти пайдо бўлади (оффшор компания). Демак, солиқ бошпанаси резиденти сифатида унда вужудга келадиган бутун фойда ёки даромадлар «имтиёзли» солиқ шартлари билан солиққа тортилиши керак. Субъектни оффшор зонада қайд қилиш орқали солиққа тортишнинг бошқа мамлакатга юридик кўчиши ва оффшор компания таъсисчиси мамлакат назорати остидан кэтиши амлга оширилади.

Мамлакатни оффшор зонага айлантиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Солиқларни бутунлай олиб ташланиши;
2. Ягона йиллик солиқ тўловини белгиланиши;
3. Паст солиқ ставкаларининг жорий қилиниши;
4. Солиқлар мавжуд бўлмаган ҳолда компанияни ташкил этиш учун ягона тўловнинг жорий қилиниши.
5. Бошқа махсус шартларни жорий қилиниши, солиқлар мавжуд бўлмаган ҳолда (масалан, банк счёти очиш учун тўлов ва бошқ.).

Солиқ бошпаналарига бошқа талаблар ҳам қўлланади, биринчи навбатда, банк ва тижорат сирини сақлаш ҳамда бошқа мамлакатларга маълумот бериш тўғрисида битимларни йўқлиги. Анча юмшоқ валюта назорати, сиёсий барқарорлик. Тадбиркорликнинг хавфсизлик ва самарадолилик кафолатлари муҳимдир.

Булардан ташқари оффшор зоналарни хорижий инвесторлар учун қуйидаги хусусиятлари қизиқтиради:

- фойда солиғининг мавжуд эмаслиги, олинган фойдани олиб чиқиб кэтишда солиқларнинг йўқлиги;
- қайд қилиш тартиби максимал равишда енгиллаштирилганлиги;

- валюта олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чегараларининг мавжуд эмаслиги;

- фирмани бошқариш тартиби иложи борица осонлаштирилган ва кўп ҳолларда шартли;

- солиқ ва божхона қонунчилигини бузилиши жиноят ҳисобланмайди.

Оффшор зоналарнинг амал қилишида уларнинг сиёсий барқарорлиги катта аҳамиятга эга. Айрим Африка давлатлари, собиқ Иттифок мамлакатлари, Ливан ва бошқа мамлакатларда солиқ бошпоналари ва базислари мавжуд, лекин доимий ички миллий низолар, кўпгина ҳолларда еса ҳарбий ҳаракатлар бу минтақаларни ривожланишига йўл бермайди.

Солиқ имтиёзларини таклиф қилиш билан офшор ҳудуд ўзига молиявий капитални жалб қилади ва ундан фойдаланиш орқали нисбий иқтисодий ўсишга еришилади. Бундай сиёсат табиий ресурсларга эга бўлмаган ёки кам иқтисодий потенциалга эга кичкина давлатларга лойиқ кун кечиришга имкон беради.

Оффшор зоналарда фаолият кўрсатаётган компанияларнинг афзалликлари фақат халқаро фаолият олиб борилганида намоён бўлади. Одатда хорижга сохта, лекнин реал фоизлар, дивидендлар, лизинг тўловлари, суғурта мукофотлари, кўрсатилган хизматлар учун ҳақлар, комисион тўловлар, роялти ва ҳоазолар остида яширинган маблағлар ўтказилади. Бунинг устига бу ҳолатда даромаддан солиқ ушлаб қолиш икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги келишув туфайли амалга оширилади. Шундай қилиб, оффшорлардан фойдаланишнинг кўп сонли услублари ҳар доим ташқи иқтисодий алмашинувда ташкил етилади.

Оффшорларнинг шиддати ривожланишига трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлиши ёрдам беради. Ўзларининг ишлаб чиқариш ва сотиш филиаллари тармоғига асосланиб, уларни фойдани солиқ даражаси паст бўлган мамлакатларга кўчириш имконига эга бўлишди. Айнан хорижий филиаллар ва шуъба фирмалар тизимини яратилиши ва улар орасида йирик фирма ичидаги операцияларни ўтказилиши оффшор фаолияти имкониятларидан фойдаланиш учун кенг истиқболларни очиб беради.

Вазифасига кўра А.Горбунов оффшор компанияларнинг қуйидаги стандарт типларини ажратади:

ҳолдинг типигади корхоналар:

- оператив ҳолдинг компаниялар;

- инвестицион компаниялар;
- кўчмас мулкка эгалик қилиш компанияси;
- кемаларга эгалик қилиш компанияси;
- интеллектуал мулкка эгалик қилиш компаниялари.

Савдо-воситачилик фирмалари;

- экспорт-импорт фирмалари;
- сотиб олиш ва дистрибьютор фирмалар.

Молиявий йўналиш компаниялари:

- оффшор банклар;
- молиявий-воситачилик компаниялари; суғурта компаниялари.

Оффшор механизмлардан кенг фойдаланганлик натижасида саноати ривожланган мамлакатлар кўп миллиардли тушумлардан маҳрум бўлмоқдалар. Натижада бу маблағлар офшор марказларида йиғилмоқда, кейин еса янги солиқ имтиёзларига эга бўлиб, «хорижий инвестициялар» сифатида ватанига қайтиб келмоқда. Бу ҳолда ғазна икки томонлама ютқизмоқда. Олдин миллий даромадлар солиқ тўланмасдан хорижга чиқиб кетаяпти, кейин еса у ёки бу афзалликларга даъво қилган ҳолда қайтиб келаяпти.

Ўзида «солиқ ювилишининг» оқибатларини ҳис қилаётган саноати ривожланган давлатлар капиталнинг чиқиб кетиши билан сиёсий, юридик ва иқтисодий усуллар билан курашишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, халқаро оффшор зоналарида таъсис етилган фирмалар учун ёмон обрў яратиш. Бундай фирмалар божхона имтиёзларига, арзон кредитлар ёки бошқа давлат ёрдамига яраша олмайди. Айрим ҳолларда улар учун инвестицияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш керак бўлади.

Бундан ташқари, миллий солиқ қонунчилигида капитал «резидентлиги» принципи белгиланади. Унга мувофиқ давлатлар ўз солиқ юрисдикциясини кенгайтиришни мамлакат ҳудудий чегараларидан узоққа амалга оширилади. Капитал олиб чиқиш солиғи, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни лицензиялаш ва бошқалар амалга оширилади. Давлатларнинг ичида солиқ базислари ва марказлари яратилади.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар

1. Солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик дэганди нима тушунилади?
2. Халқаро ҳуқуқ манбалари нималардан иборат?
3. Оффшор зоналар қандай ташкил бўлади?
4. Солиқ бошпаналари қандай аниқланади?
5. Иккиёқлама солиққа тортишни тугатиш чора-тадбирларини айтинг?

4.2. Давлатлараро ҳамкорлик доирасида солиққа тортишни мувофиқлаштириш ва соддалаштириш

Давлатлараро ҳамкорлик доирасида солиққа тортишни мувофиқлаштириш ва соддалаштиришга доир мисолларни мамлакатимиз амалиётидан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакатда олиб борилаётган бу борадаги фаолиятнинг долзарб йўналишларидан бири “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада оширишдир. Бу борада ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳадаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мўлжалланган Инвестиция дастурига тўхталиб ўтсак ўринли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 28 октябрда ПҚ-1213-сон қарор билан тасдиқланган 2010 йил Инвестиция дастурига асосан жорий йилда 18 220 293 млн.сўм миқдорида капитал қўйилмаларини режалаштирган бўлса, шундан 3 819 784 млн. сўм марказлашган инвестицияларга, қолган 14 400 509 млн.сўм қўйилмалар марказлашмаган инвестицияларга тўғри келади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, марказлашмаган инвестицияларнинг 27,0 фоизи ёки 3 876 809 млн.сўми тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ташкил этади³. Юқорида айтиб ўтилган Инвестиция дастурига асосан 2010 йилда “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонасига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш орқали 37,38 млн. долларга инвестиция лойиҳалари амалга орилиши кўзда тутилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонаси бугунги кунда потенциал стратегик инвесторларни жалб эта туриб, нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки бутун Ўрта-Осиё иқтисодиётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи, етарли табиий бойликларга, нисбатан арзон ишчи кучига, ривожланган ижтимоий инфратузилмага эга ҳудуддир. Шундай экан, ҳам ички бозорни яъни аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳам экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун янги юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда молиявий маблағларни жалб этувчи “Навоий” ЭИИЗни янада ривожлантиришда қулай инвестицион муҳитни ташкил этиш иқтисодни модернизациялаштиришнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эса бу

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги ПҚ-1312-сонли Қарори

борада ечимини кутиб турган бир катор иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди.

АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Франция сингари ўндан ортиқ энг ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам кўринадик, ҳудуднинг жўғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бугун жаҳон иқтисодиётида ўзига хос анъанага айланган. Биргина ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталарига келиб дунё бўйича 1200 га яқин эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатар эди.

1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган махсус ажратилган ҳудуд бўлиб, улар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин.

Шуниси эътиборлики, эркин иқтисодий зона мамлакатимизда илк маротаба Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида индустриал-иқтисодий зона кўринишида ташкил этилди. Энг муҳими, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат деб белгиланди.

“Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йил деб белгиланди ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади.

Юртимизда кундан-кун солиқ сиёсатининг янада либераллаштирилаётгани ушбу фармонда ҳам ўзининг амалий ифодасини топган. Хусусан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 3 миллион евродан 10 миллион еврогача бўлса 7 йилга, 10 миллион евродан 30 миллион еврогача бўлса 10 йилга, 30 миллион евродан ортиқ бўлганда 15 йилга ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхона-лар учун), Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади.

Ушбу эркин индустриал-иқтисодий зонага 10-30 миллион евро миқдорида инвестиция жалб этилса, кейинги 10-15 йилликда фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз кам миқдорда этиб белгиланади. Шунингдек, 30 миллион еуродан ортиқ инвестиция шароитида эса 10 йил давомида, яъни 16-25 йилликда юқорида таъкидланган солиқ тўловлари ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари, эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кирладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилиши, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкинлиги ҳам ушбу фармонда белгилаб қўйилди.

Бутун дунё жаҳон молиявий инқироздан кейинги ўнгланишларни бошидан кечираётган бир пайтда солиқ сиёсатида ҳукуматимиз томонидан бу қадар катта имтиёзлар берилиши юртимизда тадбиркорликни, хусусан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, ушбу фармоннинг ҳаётга татбиқ қилиниши Навоий вилоятидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолатнинг яхшиланишига ҳамда ҳудуддаги ишлаб чиқариш салоҳиятининг кенг кўламда ривожланиши учун қулай шарт-шароит туғдиради. Бунда эса, бизнингча, биринчи навбатда ушбу ҳудуддаги географик қулайликдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш учун мавжуд бўлган юксак иқтисодий салоҳиятни тўғри йўналтириш лозим. Шунингдек, зонадаги хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган амалий эркин фаолиятдан оқилона фойдаланиш керак. Қолаверса, хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳамма мутахассисларнинг сифатли ва самарали ишлаши ушбу ҳудудда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун жуда қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

Бир сўз билан айтганда, Навоий вилоятида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зона мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан интеграциялашувига кенг имконият яратиб, хорижий инвесторларнинг республикамызга бўлган қизиқишини янада ортишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зотан, давлатимизнинг иқтисодий экспорт салоҳиятини ортиши бу, аввало, халқимиз фаровонлигини таъминлаш деганидир.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда халқаро омилларни ҳисобга олиш тобора олдинги ўринга чиқиб аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳақиқатдан ҳам сўнгги йилларда кўпгина турли даражадаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлган мамлакатларнинг солиққа тортиш борасидаги ислохотларида, солиққа оид миллий қонунчиликларнинг умумий талаблар даражасига мослаштириш кўзга ташланмоқда. Бу ерда қилинадиган асосий иш, солиқ ва тўловларнинг таркиби ҳамда уларни ҳисоблаш, тўлаш тартибларини белгиловчи ҳуқуқий меъёрларини мақбуллаштиришдан иборат бўлади. Бутун дунёда интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнлари давом этаётган ҳозирги пайитда амал қилинаётган юқоридаги йўлнинг номини солиқ қонунчилигини соддалаштириш дейилади. Солиққа тортишни ислоҳ қилишнинг ушбу йўлига биноан солиқ ислохотларини аниқ бир давлатнинг қонун-қоидалари, шарт-шароитларини ҳисобга олиб эмас, балки маълум халқаро ташкилотга аъзо мамлакатларнинг барчасининг иқтисодий манфатларига мос келадиган доирада мувофиқлаштириш амалга оширилади. Халқаро ташкилотлар, солиқ ислохотларига, муштарак манфатларидан келиб чиқадиган умумий йўналиш ва мазмун белгилашга ҳаракат қилишади. Давлатларнинг солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ қонунчилигини ислоҳ қилиш борасидаги баҳамжihat ҳаракатлари солиққа тортиш мувофиқлаштиришнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Униг асосий мақсади эса иқтисодий интеграциялашуви жараёнининг боришига тўсиқ бўлаётган солиқ қонунчилигидаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Мувофиқлаштиришнинг асоси сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин; давлатларнинг солиқ қонунчилигини бир хиллаштириш ва мувофиқлаштириш жараёнларининг йўналиш ҳамда кўламини кўнгилли тарзда мустақил белгилашлари, уни амалга оширишда савияларига кўра босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш. Мувофиқлаштиришнинг мақсади эса халқаро солиққа оид муносабатларни тартиблаштиришнинг бир хил ёки бошқача қилиб айтганда ягона тартибини жорий этишдан иборат ҳисобланади. Охир оқибатда мувофиқлаштиришнинг натижаси сифатида аъзо давлатларнинг солиққа тортиш қонун-қоидалари бир хил кўриниш касб етиб, барча давлатлар ҳудудида ягона амалиётига эга бўлиниши керак.

Мувофиқлаштириш борасида Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо давлатлар анча-мунча муваффақиятга эришган деб ҳисоблаш мумкин. Европа

Иттифоқиға аъзо давлатларда мувофиқлаштириш олдига қўйидаги мақсад қўйилган; ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобат шароитларини мувозанатлантириш - бир хиллаштириш мақсадида солиқ чегараларини бир хиллаштириш;

Ҳудудида интеграцион жараёнларнинг асосий юритувчи кучи сифатида саналадиган ички бозорларни умумлаштириш ҳамда соддалаштириш; солиқ тизими таркибини тартибга келтириш ва асосий солиқ турларининг ундирилишини такомиллаштириш. Асосий йўналиш сифатида егри солиқларни ундириш тартиботини яқинлаштириш ва корхоналарни солиққа тортиш тартибини соддалаштириш белгилаб олинган. Охирги ҳолатда мувофиқлаштириш ишини назарда тутадиги унга кўра, солиқ ставкаларини яқинлаштириш, солиқ базасини бир хиллаштириш, иқтисодий фаолиятни икки марта солиққа тортишни бартараф этиш, Европа компанияларига алоҳида мақом бериш, корпоратив солиққа тортишни амалга оширишда ЕИ аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш. Мувофиқлаштириш жараёни ЕИ га аъзо давлатларнинг ташаббуслари билан қабул қилинадиган, Европа Иттифоқи бошқарув ҳужжатлари, солиққа оид бошқарув ҳужжатлари воситасида тартибга солиб турилади. Масалан Белгия давлати, молиявий бозорнинг интеграциялашувини фаоллаштириш мақсадида жамғармаларни солиққа тортишни рухсат этувчи ҳужжатни қабул қилишни таклиф қилди. Солиққа тортишни мувофиқлаштиришни назорат қилиш тўғридан-тўғри Европа Иттифоқи комиссияси зиммасида бўлиб, аъзо давлатлар учун керакли бўлган тавсиялар ҳам улар томонидан ишлаб чиқилади. ЕИ га аъзо давлатларда ёқиғини солиққа тортишни бир хиллаштиришга қаратилган ҳужжат қабул қилинган. Европа Иттифоқи комиссияси иттифоқ доирасидан ташқарига ҳам чиқади. Мисол учун АҚШ, Швецария Лихтенштейн, Андорра, Монакова Сан-Марино каби ЕИ га кирмайдиган давлатларга мурожаат қилиб Бу давлатлар билан ЕИ га аъзо давлатларда норезидентларнинг жамғармаларини солиққа тортишни мувофиқлаштириш масаласини ўртага қўйган.

Солиққа тортиш соҳасида ислохотларни мувофиқлаштириш борасидаги юз берадиган низоларни ҳал этиш Европа арбитраж суди зиммасида. Европа иттифоқи қоидаларига кўра бирор бир давлат солиққа оид қонунчиликнинг тартибга келтириш юзасидан кўрсатмаларнинг бажарилишини 2 ойдан ортиқ бажармаса судга мурожаат қилиниши мумкин.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) ҳам ўзининг иқтисоди ёи солиқ соҳасини ислоҳ қилмоқчи бўлган давлатларга амаллий ёрдамини кўрсатади. Халқаро солиқ дастури доирасида 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Жаҳон солиқ кодекси асослари» деб номланувчи ҳужжат, замонавий солиқ тизимларининг тузилиши тамойилларини ўзида мужассамлаган бўлиб, тавсия характериға эға ҳисобланади. Бу ҳужжатдан фойдаланиб турли давлатлар ўзларининг солиқ кодексларини яратишлари кўзда тутилган.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (ИРХТ) таркибида 30 давлатни бирлаштириб улардаги солиққа тортиш билан боғлиқ ҳолатни кузатади. Ушбу ташкилотнинг Исландиядаги давлати солиқ тизими ҳақида тайёрлаган ҳисоботлардан бирида 1988 йилда ўтказилган ислоҳотнинг кўнгилдагидек самара бермаганлиги, солиққа тортиш механизмида айрим камчиликлар сақланиб қолганлиги айтилган. Шу сабабли ИРХТ экспертлари томонидан қуйидаги тавсиялар берилган: корпорацияларнинг даромадларини солиққа тортиш билан инвестициялардан келадиган фоизларни солиққа тортиш тартибидаги фарқлиқлиқни йўқотиш; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини камайтириш; қўшилган қиймат солиғи ставкасини ошириш; акцизости товарларға кирувчи маҳсулотлар рўйхатини камайтириш; ўзидан тушадиган пулдан кўра уни йиғишға кэтадиган харажатлари кўп ҳисобланувчи мол-мулк солиғини бекор қилишни; мерос солиғини еркинлаштириш.

ИРХТ доирасида, бутун дунё солиқ тизимида юритилаётган сиёсатни назорат ҳамда кузатиб турувчи ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатади. Масалан, барча аъзо давлатларнинг вакиллари бўлган 6-сонли ишчи гуруҳ қатнашчилари трансмиллий корпорациялар фаолиятининг солиққа тортиш билан боғлиқ қисмини мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланади.

Бу ташкилотнинг алоҳида назарида турувчи давлатларға, солиққа тортиш билан боғлиқ умум қабул қилинган қоидаларига риоя қилмасдан ўз ҳудудларида солиқдан имтиёзлар орқали иш олиб борувчи давлатлар киради. Шу муносабат билан ИРХТ ташкилоти томонидан «солиқ рақобатини бузаётган» ҳудудлар тўғрисида махсус ҳудудий классификатор ишлаб чиқарилган. Классификаторға кўра солиқ рақобатини бузаётган давлатларда рўйхатдан ўтиб иш юритаётган корхоналарға нисбатан қўшимча талабларнинг қўйилиши, солиқ рақобатини соғломлаштиришда ўз самарасини бермоқда. Масалан шундай талаблардан сўнг илгари солиқдан

кочишда енг ишончли божхоналардан ҳисобланган БЕЛИЗ давлати классификаторга тушган давлатлар қаторидан чиқиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқди ва ИРХТ га аъзо давлатлар билан солиққа тортиш масалалари бўйича маълумот алмашиш тизимини ташкил этиш юзасидан ишлар кўзда тутилган.

Тўғри солиққа тортиш амалиётини ташкил этиш ҳамда ИРХТ билан бу борада ҳамкорлик тўғрисида Доминикан республикаси ҳам хоҳиш билдирди.

Солиққа тортиш борасида мувофиқлаштириш масаласи Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) дирасида ҳам анчагина муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш тўғридан-тўғри МДХ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгаш қарорига мувофиқ тузилган солиқ хизмати раҳбарлари мувофиқлаштирувчи кенгаш (СХРМК) зиммасига юкланган.

СХРМК томонидан солиққа тортишни мувофиқлаштириш йўлида, солиқ қонунчилигини ўзгартириш бўйича аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқариш ҳамда МДХ давлатларининг умумий солиқ кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиниш кутилмоқда.

Дунё мамлакатлари солиқ тизимидаги ўзгаришларга ўзларининг таъсирини ўтказиш учун бошқа халқаро ташкилотлар ҳам ҳаракат қилишмоқда. Мисол учун, 2001 йилда халқаро валюта фонди (ХВФ) Эквадор давлатига қарз бериш юзасидан тузилиши керак бўлган шартномани, мамлакат молиявий аҳволини яхшилаш учун солиқ тизимини ислоҳ қилиш керак деган сабаб билан қолдирилди. Ҳамма вақт ҳам давлатлар ХВФ нинг солиқ борасидаги тавсияларига рози бўлишавермайдилар. Масалан ХВФ Таиландга қарз беришда қўшилган қиймат солиғини 7% бирданига 10% чиқарилишини тавсия этишганида Таиланд ҳукумати ҳар йили 1% дан ошириб боришга рози бўлган эди.

Ўз-ўзини текшириш ва такрорлаш учун саволлар.

1. Солиққа тортишни мувофиқлаштириш деганда нима тушунилади?
2. Европа Иттифоқига аъзо давлатларда солиққа тортишни мувофиқлаштириш қандай белгиларга асосан амалга оширилади?
3. Бирлашган Миллатлар ташкилоти солиққа тортишни мувофиқлаштириш ва соддалаштиришга қандай амалий ёрдам кўрсатмоқда?

4. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда солиққа тортишни мувофиқлаштириш қай тарзда йўлга қўйилган?

4.3. Солиқ ҳуқуқининг халқаро жиҳатлари, халқаро солиқ рақобати.

Солиқ муносабатларининг умумий таркибида давлатлар ўртасидаги солиққа оид муносабатлар алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади. Шу маънода давлатлар ҳуқуқининг таркибий қисмларидан бири бўлган молия ҳуқуқи ва солиқ ҳуқуқининг халқаро жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Давлат ҳуқуқи, турли сиёсий жамиятларга мансуб бўлган кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқининг бир бўлимидир. Юқоридаги таърифда номлари зикр этилган кишиларнинг бир қисми исталган давлат учун солиқни юзага келтирувчи фаолият билан шуғулланувчидир. Ҳозирги даврда турли давлат фуқаролари ўртасида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар жуда ривожланган. Асосан хих асрдан бошлаб, халқаро инвестициялар, қарзлар, экспорт ва импорт, туризм ва ҳоказоларнинг ривожланиши сабабли солиқ муносабатлари ҳам ортмоқда.

Давлатнинг солиққа тортиш ваколатлари асосий қоида сифатида фақатгина мазкур давлатда амал қилади. Сўнги юз йилликда халқаро муносабатларнинг авж олиши ва ривожланиши натижасида икки томонлама солиққа тортиш муаммоси юзага келди. Бир солиқ тўловчининг битта иқтисодий фаолият ёки даромади юзасидан, бирдан ортиқ давлатга солиқлар бўйича қарздор бўлиши, солиққа тортишнинг адолат принципига зиддир. Бу масалада, авваллари бир қанча давлатлар ўзларининг солиққа тортиш ваколатлари доирасини торайтириш йўли билан икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш учун бир ёқлама ҳаракат қилганлар. Аммо бир тарафлама қилинган ҳаракатлар самарасиз эканлигидан бу масала асосан халқаро шартномалар йўли билан ҳал этилмоқда. Халқаро солиқ шартномалари тузиш билан бирга ушбу шартномани тузган икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзларининг солиққа тортиш ваколат доираларини чегаралашини тан олган ҳисобланадилар. Солиққа тортиш ваколоти доирасини чегаралаш шаклидан бири турли мамлакатлардаги иқтисодий фаолиятлари юзасидан, яшаб турган жойларининг солиқ тўловчиси эканлиги ёки қаерда яшашларидан қатъий назар фуқаролигини қабул қилган мамлакатнинг солиқ тўловчиси бўлишидир. Шу тариқа солиқ тўловчи бир давлатнинг солиқ қонунларига кўра ва бир марта солиқ тўлайди. Кейинчалик кишилар ҳисобга олинмаган ҳолда даромад, мулк ва меросликлардан олинадиган солиқларда ушбу манбалар жойлашган мамлакатнинг солиққа тортиш қонунларига амал

килина бошлади. Ушбу тушунчада амал қилинган қоида – «даромад қаерда юзага келса, иқтисодий нуқтаи назардан ўша ерга оиддир». Солиқнинг ушбу давлат томонидан ундирилиши тўғри бўлади. Халқаро солиқ шартномаларининг илк намуналаридан бири сифатида Франция билан Белгия ўртасида 1843 йилда тузилган шартномани эслаб ўтиш кифоядир. Ушбу шартномага кўра ҳар икки давлат солиқларнинг тўланишини қулайлаштириш мақсадида, тўловчилар ҳақида барча маълумотларни ўзаро алмашишни келишиб олган эдилар. Кейинги даврларда бу турдаги шартномаларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Бундай шартномаларга мисол қилиб Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳамда АҚШнинг бу давлатлар билан тузган шартномаларини келтиришимиз мумкин. Бир қанча давлатлар тарафидан, яъни кўп томонлама шартномаларга мисол қилиб эса, 1848 йили Гаванада 23 давлат ўртасида имзоланган «умумий тижорат ва тарифлар тўғрисидаги шартнома» (ГАТТ)ни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида халқаро солиқ шартномалари асосан Конституция ҳукмлари доирасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 78-моддасида шундай дейилади: -«Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига: 21- банд – Халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш қиради».

Глобаллашув тарқоқ миллий иқтисодиётларни ягона дунё иқтисодиётига бирлаштириб чиқаётир. Бу – савдо инвестиция оқимининг ўсиши, ишчи кучининг кўчувчанлиги технологиянинг тезкор трансфери натижасида юз бермоқда. Иқтисодий интеграциянинг юксалиши бароюариди, фуқаролар ва бизнеслар хорижий иқтисодий имкониятлар устунлигидан фойдаланишда кўпроқ эркинликларга эга бўлишмоқда. Мамлакатлар ўзларининг солиқ базаларининг оқиб чиқиб кетишининг олдини олиш учун солиқ ставкаларини пасайтиришга босим ҳис қилмоқдалар. Халқаро солиқ рақобати капитал ва ишчи кучи кўчувчанлиги ўсиши билан бирга ортиб бормоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатлар ўз иқтисодиётларининг инвестициялар учун жозибадор бўлиб қолишларини таъминлаш мақсадида солиқ ислохотлари олиб боришди. 1980- йилдан бери Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ, ОЕСД) нинг энг ривожланган мамлакатларида ўртача шахсий даромад солиғи ставкаси 20% миқдорда пастлади. Сўнги 6 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 6% миқдорда пасайган. Солиқ рақобатининг ўсиши ҳукуматларнинг резидентлар ва бизнесларнинг хорижнинг паст ставкаларидан манфаат кўришларини чегаралаш учун ҳимоявий қоидалар ўрнатишига ҳам сабаб бўлмоқда. Солиқ рақобатидан ҳимояланишнинг бошқа воситалари, мамлакатлар бўйлаб солиқларни уйғунлаштириш ва мамлакатларни хорижий инвестициялар

оқимлари учун ўта меҳмондўст солиқ иқлимлари таклиф этишларини тақиқлашни ўз ичига олади. Бундай ҳимоявий воситалар фожиаи яқундир. Улар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ёки самарасиз солиқ тизимларини янгидан ислоҳ қилиш учун ҳеч нарса қилмайдилар. Солиқ рақобати учун кўпроқ бунёдкор восита чет элдаги ислохотларни ўрганиш ва ичкарида ўсувчан солиқ сиёсатини ўрнатиш бўлган бўларди.

Ўтган йилликларда, кўп ҳукуматлар ҳорижий инвестициялар оқимини чегаралашда ва фуқароларнинг четга инвестицияларини тақиқлашди. Бироқ, 1970- йиллардан бери, ҳорижий инвестицияларга сиёсий муносабатларда катта ўзгаришлар юз берди. Деярли барча ҳукуматлар бугун, ҳорижий инвестициялар оқимини фаол рағбатлантиришмоқда, чунки улар буни иқтисодий ўсишни максималлаштиришнинг асосий омили эканлигини англашди.

1970-1980 йилларда энг асосий иқтисодиётлардаги капитални назорат этиш ва молия бозорларини тартибланишнинг олиб ташланиши билан ҳорижий инвестициялар портлади. 1990 йилларда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар ушбу ҳолатни таъқиб этишди. Ислохотлар ҳорижий валюта айрибошлаш, ҳорижий қимматли қўғозларни харид қилиш, ва ҳорижликларга ички қимматли қўғозларни сотиб олишга рухсат этишни ўз ичига олди. Технология ва алоқа(коммуникация)даги илгарилаш, капитал ва иш кучи оқимида туртки берди. Интернет ва бошқа асбобларнинг очилиб кетиши фуқаролар ва бизнеслар учун глобал инвестиция ва иш таклифи яратди. Янги иқтисодий муҳитда, юқори солиқ ставкалари яшаб қолиши янада қийин. Бу, айнан, бизнесдаги фойдага солиқлар ва фуқароларнинг дивидентлардан тушумларига, фойзаларга ва капитал жамғармаларга солиқларни ўз ичига олган, капиталга солиқлар учун тўғридир. Иқтисодий назария шуни маслаҳат берадики: капиталга юқори солиқлар ривожланишга капитал кўчувчанлиги ўсган сари ўсувчи тортқич яратади. Капиталнинг юқори солиққа тортилиши капиталнинг учиб кетишига сабаб бўлади.бу ички ишлаб чиқариш, маошлар ва даромадларни камайтиради.

Кўплаб иқтисодчилар очик иқтисодиётларда тушумлар ҳосил қилиш учун юридик шахслар даромад солиғидан фойдаланиш самарасиз эканлигини даъво қилишади. Агар капитал халқаро кўчувчан бўлса, корпорациялар солиқ юки бошқа кўчмас омиллар(ишчи кучи каби) зиммасига тушади, ва бу омиллар аксинча тўғридан-тўғри солиққа тортишганида эди, солиқ тизими кўпроқ самарали бўлар эди. Икки аср аввал Адам Смит ўхшаш тарзда шуни аниқлаган эди: кўчувчан акцияга ёки капиталга, оғир солиқлар, ишчилар ва иқтисод учун йўқотишга сабаб бўлиши. Ер мавзусида, ер эгаси ичида ўз мулки ётган тегишли мамлакат фуқароси бўлиши керак. Акция эгаси эса ўз навбатида дунё фуқароси ва ҳеч бир мамлакатга боғлаб қўйилмаслиги керак. У ўзи оғир юкли солиқ ҳисобланиши мақсадидаги ёқимсиз талабларга ҳимоясиз қоладиган мамлакатни тарк этишга ақли етади ва ўз акциясини, у ҳам ўз бизнесини давом эттириши, ҳам ўз бойлигидан бемалол роҳатланиши мумкин бўлган бошқа бирмамлакатга олиб ўтади. У ўз акциясини олиб кетиш орқали у мамлакатдаги ўзи қолдирган бизнесга нуқта қўяди. Акция

ерни культивация қилади (чопади); акция иш кучи ёллайди. Мамлакатдан акцияна қувиб чиқарувчи солиқ узоқ муддат давомида ҳам шахслар ҳам жамият учун хар бир тушум манбасини қуритади. Унинг кетиши орқали, нафақат акциянинг фойдаси, балки ер ижараси ва иш кучига маош ҳам озми кўпми йўқолади. Смит замонидан бери юз берган янгилик бу, корпорация ва фуқароларнинг ўзлари ва улар инвестицияларининг чегаралар бўйлаб олиб ўтишдаги йирикрок имконият. Ғаниқ иқтисодиётларда капитал даромад ва малакали ишчиларга юқори солиқлар иқтисодий ўсишни сустлаштиради. Иқтисодиётлар очилиши билан бундай ёмон солиқ сиёсати, инвестиция ва ишчи кучига бўлган кўпроқ таъсирга боғлиқ равишда янада кўпроқ йўқотишга сабаб бўлади. Натижа сифатида, солиқ рақобати доимо муҳимрок бўлиб бормоқда. Агар қўшни мамлакатлар қуйи солиқ ставкалари остида муваффақиятга эришаётган бўлишса, фуқаролар ва сиёсий экспертлар ўз ҳукуматларидан худди шуни талаб этишлари мумкин. Ирландияни олиб кўрсак, 2000 йилда, 3,8 миллиён кишилиқ шу кичик мамлакат хорижий тўғри инвестицияларни Япония ёки Италиядан кўпроқ жалб этди. Хорижий инвестициялар учун бош туртки, ишлаб чиқариш, молиявий хизматлар ва бошқа фаолиятларга 10% ли корпорация солиғи ставкаси эди. Натижада, Ирландия иқтисодиёти сакради ва ҳозир дунёдаги энг юқори яшаш стандартларидан бирига эга.

Аммо бундай солиқ қисқартмаларининг муваффақияти ҳикояларида баъзи иқтисодчилар солиқ рақобатини бузғунчи сифатида кўришади. «Агар фарқли солиқ ставкалари капитал ва ишчи кучининг чегаралар бўйлаб миграциясига сабаб бўлса, бу ресурслар ўзларининг энг юқори ишлаб чиқарувчан нуқталарида тўхтамасликлари мумкин»,-деб ўйлашади. Ва бу фикрга кўра Ирландия ўзининг қуйи солиқ ставкалари сабабли «жуда кўп» инвестиция қабул қилмоқдаю лекин бу каттарок натижа(юқори солиқ ставкалари иодий ўсишни кишанлайди)ни кўздан яширади. Яъни, солиқ рақобати солиқ ставкаларининг глобал миқёсда пасайишига босим яратади, ва барча мамлакатлар тезлашган ўсиш ва юқорирок даромадлардан манфаат кўришади.

Ҳозирги ўн йилликларда жаҳондаги иқтисодиётлар янада зичрок интеграциялашмоқда. Чегара орти инвестцияларидаги шиддатли ўсиш бу интеграциянинг асосий ўлчови бўлиб қолди. Ўтган ўн йилликларда, кўплаб мамлакатлар хорижий инвестицияларга тўсиқларни олиб ташлашди. Бироқ, бугун улар хорижий инвестиция- янги иш ўринлари, янги ишлаб чиқариш ва илғор технологияларга эришиш дегани эканлигини билишади. Бунинг натижаси сифатида, ҳукуматлар халқаро инвестиция оқимиға ўзлари бир пайтлар қўллаган кишанларни олиб ташлашди. 1970 йиллардан бери деярли барча мамлакатлар хорижий валюта айрибошлашдаги назоратни бекор қилишди. Сузиб юрувчи валюта айрибошлаш ставкаларининг кенг миқёсда ўрнатилиши билан, мамлакатлар мустақил монетар сиёсат олиб борган ҳолда, инвестицион капиталнинг эркин оқимиға ўз чегараларини очиш имконига эга бўлдилар. Бошқа тартиблаш фаолиятлари ҳам инвестиция оқимини рағбатлантиришдир. Масалан инвестицияга тўсиқларни камайтириш учун

юзлаб икки ёқлама инвестицион келишувлар имзоланди. БМТ ҳисоботи 1990 йиллардаги чет тўғри инвестицияларига ҳукумат қарорларининг 95% эркинлаштиришга йўналтирилган деб топди. Дунё бўйлаб молиявий бозорлар уларни хорижий инвесторларга жозибадорроқ қилиб эркинлаштирилди. Кўплаб собиқ ёпиқ иқтисодиётлардаги давлат компанияларининг кенг сотиб юборилиши инвестиция имкониятларини кўтарди. Технология ҳам инвестиция оқимларини гуллади. Коммуникация ва транспорт харажатларидаги фожиаи пастлаш, компьютер кучидан йирик жамғарув ва интернетнинг ўсиши какпитал оқимлари ўсишини қулайлаштирди. Вито Танзи «глобаллашув ва электрон тижорат каби, янги технодогияларнинг бирлашувга изох бериб, улар ҳукуматларни ўзларининг солиқ базаларини сақлаб қолиш учун солиқ ставкаларини пастлатишга мажбур қилувчи молиявий терминлар яратди», - деди.

Солиққа тортиш ва капитал оқимлари.

Ҳориж инвестициясини жалб этиш учун, мамлакатлар аввало иқтисодий фундаментал ҳуқуқларга эга бўлиши шарт. Улар барқарор валюта ўрнатишлари, асосий воситалар кадрсизланишининг олдини олувчи ва ишлайдиган легал қоидалар ва оқувчан ва тиниқ(четдан кўринадиган) молия бозорларига эга бўлишлари керак. Масалан, монетар сиёсатида йўқотишлар сабаби бўлмиш нобарқарор валюта потенциал инвесторларга ушбу валюталарда кўрилган фойдалар қиймати пасайишига хавф солувчи – девалвациядан аниқ далолат беради. Лотин Америкаси, Осиё ва шарқий европадаги ўнлаб Собиқ Социалистик мамлакатлар ўтган икки ўн йилликда иқтисодий фундаментал ҳуқуқларга эга бўла бошлашди. Кўплаб саноатлашган мамлакатлар ҳам туб бозор ислохотлари олиб боришди. Давом сифатида, солиқ сиёсатининг ахамияти глобал инвестиция оқимида таъсир кўрсатувчи омил сифати ортиб борди. Мамлакатлар борган сари, солиқ рақобати кўпроқ интенсивлашди. Бизнеснинг жойлашув қарорларига эътибор қилсак.

Анъанавий жихатдан, четга инвестиция қилишнинг муҳим сабаби нефт деполари каби қатъий ресурсларга боғланишга эга бўлиш эди. Бугун, кўп саноатлар оёқсиз ва деярли барча жойга ўрнатилиши мумкин. Масалан, молия ва хизматлар АҚШнинг четга тўғри инвестициясининг энг тез ўсаётган соҳасидир. Махсулот қийматида билим, савдо белгилари ва патентлар каби ноаниқ шакллар улуши ҳам ортиб бормоқда. Ноаниқликлардан (интангиблес) кўрилган фойдалар паст солиқли мамлакатларга қулай олиб ўтилади. Натижада, корпорациялар мамлакатларнинг фарқли солиқ ставкаларига бугун аввалгидан кўра кўпроқ сезувчан бўлиб қолди. Амалий изланишлар хорижий тўғри инвестициялар солиқчиликка кўпроқ сезувчан бўлиб бораётганлигини топди.

Росанне Алцхулер, Харрй Груберт ва Ссотт Невлон ларнинг ишлари натижаси шуни кўрсатадики 1992 йилда, солиқ ставкалари бошқаларникидан 10% юқорироқ бўлган мамлакатла, бошқа омиллар назорати остида АҚШ . хорижий тўғри инвестицияларини 30% камроқ қабул қилишган Халқаро Валюта Фондининг ўрганиб чиқишига кўра фоворит солиқ режимили тўрт

Европа малакатлари – Ирландия, Нидерландия, Люксембург ва Шведцария 1996 ва 2000 йиллар оралигида Европа ЯИМ нинг 9% ини етиштирди, бироқ АҚШнинг Европага хорижий тўғри инвестицияларининг 38%ини жалб этди. Кўплаб мамлакатлар ортиб кетган солиқ сезувчанлиги сабабли, баъзи портфел инвестициялар оқимиға солиқ солишни деярли бекор қилишди. Масалан АҚШ шу сабабли 1980 йиллар бошида хорижликлар томонидан ўзлаштирилган портфел фоизларни солиққа тортриш бекор қилинди. Европа Ҳамжамиятида портфел инвестициялар оқимиға солиқ рақобатининг таъсири интенсив сезилиб бормоқда.

Германия ва Швеция каби юқори солиқли мамлакатларга жамғармаларнинг кўп холларда бошқарув органларига ҳисоб берилмасдан, паст солиқли мамлакатларига оқиб чиқилиши кузатилмоқда. Немисларнинг 1989 йил ишга туширилган манбада ушлаб қолинувчи ички фоиз тўловларида солиқ фондларнинг Люксембургга йирик кўчиб ўтишига сабаб бўлди ва олиб ташланди. Евронинг қабул қилиниши солиқ рақобати босимини интенсивлаштирди, чунки у Европа бўйлаб валюта рискинни йўқотди ва фоиз ставкалари пасайишини қисқартирди. Евронинг муомалага чиқарилиши, ишчи кучига солиқ ставкаларини пасайтиришга босимни кучайтирувчи, ички миграция тўсиқларининг олиб ташланиши каби, аввалги ислохотлар яратган солиқ рақобатига босим қўшди.

Халқаро солиқ рақобати кўчувчан капитал томонидан бўлгани каби, кўчувчан ишчи кучи томонидан ҳам юзага келтирилади. Давлатлар чегаралари шахсларнинг эркин ҳаракати, технологиявий илғорлаш, ҳудудий савдо зоналари, хорижий устунликлар ҳақидаги йирик маълумотларга кенг тўсиқлар юклаётиб, чегара кесиб ўтувчи ишчи кучи оқимларини яратмоқда. Бу асосан хай-тек ва молия каби саноатлардаги юқори малакали иш кучига тегишли ҳолат. Канада ва АҚШ каби, умумий тил ва маданиятга эга бўлган мамлакатлар энг кучли солиқ рақобати босимини хис этишлари кутилади. ИХТТ таҳлилларига кўра иқтисодий сабаблар учун миграцияда ўсиш кузатилмоқда. Улардан бири жисмоний шахслар солиқлари бўлиб, асосан юқори даромадли шахсларга тегишли. Кўп мамлакатларда даромад солиқлари даромад билан бирга ўсиб боровчи ставкага эга. Демак, солиқ рақобатига энг кўп жавобгарлар - булар энг юқори даромадли, энг юқори малакали ишчилардир. Бир қанча омиллар халқаро миграция солиқларнинг ахамиятини оширмоқда:

1-Интернет чет эллардаги устунлик ҳақида маълумотларга эга ва кенг миқёсда иш ўрни қидириш имконларини яратмоқда.

2-саёҳат ва коммуникация харажатларининг пастлаб кетиши—ишчилар учун чет мамлакатларда ёлланиб ишлаш ва қариндошлари билан яқин алоқани сақлаб қолишни қулайлаштирди.

3-кўплаб репрессив режимларда имиграция таъқиқлари бекор қилинди.

4-бошқа бир жой резиденти бўлиб турган бир пайтда, хориж мамлакатада ишлашни таъминлаш учун технологиявий имкониятлар кўпайди. Интернет Софтваре (веб дизайн, компьютер дастурлари каби) ёзувчилар ва бошқа профессионалларни жозибали солиқ иқлимини (климит) мамлакатда яшаб туриб, дунёнинг бошқа бир жойидан маош олиш ва мижозлар билан электрон боғланишга имкон бермоқда.

5-худудий савдо келишувлари ишчилар кўчувчанлигига рухсат этмоқда. ЕҲ аъзо мамлакатлар ичида ишчилар учун тўлақонли кўчувчанликка рухсат беради. Шимолий Америка эркин Савдо келишуви малакали мутахассисларнинг баъзи кўчишларига рухсат беради. Иш кучи кўчиши баъзан савдо келишувларининг ён таъсири сифатида кўтарилади, чунки савдо ва инвестиция оқимлари техниклар ва менежерларнинг чегара кесувчи ҳаракатлари томонидан қўллаб-қувватланади.

6-санокли мамлакатлар юқори малакали ишчилар учун имиграция лимитларини юқorigа кўтарди. АҚШда малакали мутахассислар учун H1-B иш визаси лимити 2003 йилгача анча кўтарилди. Баъзи мамлакатлар, яққол мисол Канада, ўзларининг имиграция тизимларини юқори малакали ёки инвестицион маблағга эга бўлган кишилар томонга оғдирдилар. Қўшимча равишда, кўплаб мамлакатлар имиграцияни қулайлаштирувчи ва иш ҳақида икки ёқлама солиқ солишни тўхтатувчи, икки томонлама имиграция ва солиқ аҳдларини имзолашди. Юқори малака даражасидагилар имиграциялашни рағбатлантириш натижаси улароқ, хай-тек (Хигх-теч) секторидаги имигрантлар муваффақияти АҚШ иқтисодиётда жамғармалар сифатида акс этди. Сиёсатчиларга шуни таъкидлаш мумкинки, паст солиқ ставкалари билан жозiba иқтисодий иқлим қуришда иқтисодий портлаш импорт қилинган юқори малакали иш кучи томонидан олиб борилади. Солиқчилар ва иш кучи оқимлари.

Бошқа омиллар тенглашган пайтда, имиграцияга солиқ рақобатининг таъсири энг кучли бўлади. Бунга солиқ рақобатининг Канадага пастроқ солиқли кўшниси, АҚШ томонидан босими яхши мисол. Канадага кетаётган ҳар бир малакали америкаликга АҚШга келаётган олти «НТ» визали Канадалик тўғри келиши аниқланди. (НАФТА)

Жоҳн Протҳ Канаданинг энг кучли хай-тек фирмаси Нортел нинг бошлиғи бўлган пайтда, Канада ҳукуматининг солиқ ставкалари қискартирилиши кераклиги ҳақида кетма-кет огоҳлантирилди, чунки унинг энг яхши инженерлари ва менежерлари АҚШга кетиб қолаётган эди. Ротҳ яна шунга тўхталадики, тепадаги менежерлар

кетаётиб, ўзларининг энг яхши ишчиларидан баъзиларини ҳам бирга олиб кетадилар. Солиқ ставкаларидаги глобал қисқартув. Саноатлашган давлатларнинг кўпчилиги ўзларининг жисмоний ва корпорация даромад солиғи ставкаларини 1980 йиллардан бери пастлатишмоқда. Ҳукуматларнинг ўртача энг юқори корпорация солиғи ставкаси 1986 йилги 41% дан 2000 йил 32%га тушди. Ўртача энг юқори жисмоний шахслар солиғи ставкаси 1980 йилда 67%дан, 2000 йил 47% га тушди. Капитал жамғармаларга солиқлар ҳам қискарди. Нидерландия, Янги Зеландия, Гонг-Конг ва Тайланд каби мамлакатлар капитал жамғармаларга умуман солиқ солишмайди. Корпорация капитал жамғармалари солиқлари ҳам муҳим солиқ омили бўлиб, бу бошқа солиқ омиллари Нидерландияни холдинг компаниялари ва кўп миллатли бошқармалар учун яхши ўрнашиш жойи қилиб қўймоқда. 1990 йилларда Норвегия ва Швеция ўзларининг бойликлар ва мулкларга солиқларини пастлатди, кейин Дания, Нидерландия, Австрия, ва Германия бунини давом эттирди. Солиқ рақобати фоиз, дивидент ва бошқа инвестиция қайтимлари учун тўловларга манбада тутиб қолинувчи солиқларни ҳам қуйида ҳайдади. Манбада тутиб қолинувчи солиқлар ажратиб қолинаётган ҳақларга «чиқиш тўлови» сақлаш орқали инвестицияга номувофиқлик(дисинсентиве) яратади. Мисол учун, бизнеслар ажратилмаган дивидентларга юқори солиқ солувчи мамлакатларда фабрикалар кўринишга рози бўлмайди. Сўнгги 10 йилликда банк фоизларига бундай солиқлар ярмига туширилди. 1980 йилларда Британия ва АҚШ қуйи солиқ ставкалари томон умумжаҳон ҳаракатини бошлаб берди. 1982 ва 1986 йиллар оралиғида Британия ўзининг корпорация солиғи ставкасини 52% дан 35% га кесди ва АҚШ 1986 йилга ўз ставкасини 46 дан 34% га кесиш орқали таъқиб қилди. Қатъий қисқартмалар 1988-йилда Австралия, 1986-88 йиллар ўртасида Канада, 1986-93 йиллар ўртасида Франция, 1990 йилда Германия ва 1989-91 йиллар ўртасида Японияда давом этди. Солиқ базаси йўқолишининг тўғридан-тўғри таҳдиди, ҳамда умумий интеллектуал йўналиш иккаласи бу ислохотларни бошлаб берди. Яқин иқтисодий алоқаларга эга мамлакатлар табиий равишда бир-бирининг солиқ ислохотларига жавоб қайтаради. 1986 дан АҚШ солиқларни камайтирди, Канада сиёсатчилари АҚШ корпорациялари ўзларининг юқори солиқли Канададаги филиалларидан даромадни бош компанияларга олиб ўтишларини англаб етишди. Улар бунини бемалол бажаришган бўлар эди. Ўз навбатида Канада ўз солиқ базасини йўқотишининг олдини олиш учун корпорация солиқ ставкасини кесди. 1990 йиллар ўртасидан бери маржа ставкаларини кесишнинг бошқа бир даври кузатилди. Бу йилларда, Германия, Нидерландия ва АҚШни ўз ичига олган йирик иқтисодлар жисмоний шахслар солиқ ставкасини пастлатишди.

Корпорациялар солиқ ставкалари Австралия , Германия, Канада ва Данияда камайтирилди. Мисол учун, Канада ўзининг федерал корпорация

ставкасини 2000 йилда 28% дан 2004 йилда 21% га қисқартиришида намоён бўлди. Корпорация даромад солиғи мақсадлари учун қатъий ставка бизнес солиқ иқлимининг жалб этувчанлигида фақат биргина омил эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бу ерда, амортизация қисқармалари, инвестиция кредитлари ва бошқа имкониятлар, умуман олганда солиқ базасининг аниқланиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Нима бўлганида ҳам қатъий ставкалар кўплаб компаниялар қарорларини ишлаб чиқишида жиддий омил бўлиб хизмат қилади. Масалан улар даромадларини мамлакатлараро қатъий ставкага боғлиқ равишда ташиб ўтадилар. Хулоса шуки: дародам бир солиқ юридикциясидан бошқасига асосий воситалар ва мулкни кўширмасдан осонгина олиб ўтила олар экан, корпорацияларнинг даромад ҳисоботлари(молиявий ҳисоботлари) қатъий солиқ ставкасида бўйсунган ҳолда юқори эластик бўло олади.

Қўшимча равишда баъзи, ҳукуматлар янги жой қидираётган фирмаларга тор доирада махсус солиқ имтиёзлари таклиф этишади. Бирор мақсадли солиқ имтиёзлари иқтисодчилар томонидан қўллаб қувватланмайди. Чунки улар қўшимча мураккаблик ва тенгсизлик яратиб, коррупция учун имкониятларни оширади. Мақсад имтиёзлар ортиқча аралашуви каби кўпроқ фундаментал, сиёсий муаммоларни яшириш учун қўлланилади. Масалан, Индонезия ва Хиндистон инвестициялар учун бундай солиқ устунликларини тез-тез таклиф этади. Шу билан бирга ҳалиям 72чи, 92чи ўринда боришаётир.

1998 йил Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ, ОЕСД) эълон қилган ҳисобот халқаро мунозараларга сабаб бўлди. Унда солиқ рақобати зарарлари ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Улар:

- паст солиқ режимлари молиявий инвестициялар, билвосита эса тўғри инвестициялар оқимини бузади.

- солиқ тизими интеграцияси ва адолатлилигини қадрсизлантиради.

- Солиқ органлари ва тўловчилар зиммасидаги бошқарув харажатлари ва тартиблаш (Сомплиансе) юкларини оширади

- Солиқлар билан давлат сарфларининг аралашуви ва маъқул миқёсини қайта шакллантиради.

- Солиқ юкининг бир қисмининг иш кучи, мулк ва истеъмол каби камроқ кўчувчан солиқ базаларига ошириб юборилишига сабаб бўлади.

Охирги таъсир глобаллашган иқтисодда маъқул кўрилади ва кутилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак халқаро солиқ рақобати барибир пировард натижада барча мамлакатларни солиқ ставкалари пастлатишга, ёки халқаро миқёсда минимал солиқ ставкаларини белгилаб уларни назорат этишга мажбур қилади. Бироқ, бу рақобат кўплаб мамлакатлар учун ўз сўзини айтишга улгуради. Демак натижавий ҳолатга етиб боришдан аввал қайси мамлакат ушбу рақобатни тан олса ва у билан ҳисоблашиб иш кўрса кўпроқ ютиб қолади. Ушбу ишдан келиб чиққан якуний таклиф шуки: Ўзбекистон Республикаси ўз солиқ сиёсатини олиб боришда халқаро солиқ рақобатини ҳисобга олиши ва унинг устунликларидан амалда фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4.4. Хорижий мамлакатларда солиқ назоратининг амалий ҳолати.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ривожлантиришда хориж мамлакатларининг солиқ тизимини танқидий ўрганиш, айниқса ривожланган мамлакатларда солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назоратини ташкил қилиш ва юритиш усуллари ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, хориж мамлакатларида солиқ назоратининг “жойларга чиқиб текшириш” усулига нисбатан дистанцион назорат қилиш усуллари яхши ривожланган. Республикамиз Президенти И. А. Каримов қайд этганидек, “Иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган”⁴. Солиқ назоратининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонида қабул қилинган махсус қарори яна бир бор тасдиқломоқда. Ушбу қарорга мувофиқ солиқ идораларининг асосий вазифалари ва функциялари деб қуйидагилар белгиланган:

- “солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ... бюджетга, мақсадли жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш;

- ... маълумотларнинг ягона компьютер базасини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш,... ;

- солиқ тўловчилари томонидан “нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш”;

- республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштирилишни таъминлаш,... ;

- солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, ... доимий асосда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб борилишини таъминлаш”

Бу вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд текширишлар сонини камайтириш ва шу билан биргаликда солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилишда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотлар, ўтган йиллардаги маълумотлар, статистик маълумотлар асосида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва мажбурий тўловлари устидан мониторинг олиб бориш талаб этилади.

Ривожланган мамлакатлар солиқ назорати бўйича Давлат сиёсатида солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига амал қилишни текшириш иккита мақсадни кўзлайди: 1. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини ўз

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 48 бет.

хоҳишига кўра тўлаш тизимининг амал қилишини таъминлаш; 2. Солиқ қонунчилигида йўл қўйилган интизомсизликларни аниқлаш. Бошқача сўз билан айтганда солиқ идоралари ўз мажбуриятларини виждонан бажарган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳар томонлама ахборот-маслаҳат ёрдамлар кўрсатиши, солиқ қонунчилигига риоя этмайдиган, интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ текширувларидан жазолаш, мажбур қилиш инструменти сифатида фойдаланиши лозим. Солиқ идораларининг асосий вазифаси - солиқларнинг юқори йиғилувчанлиги ва солиқ интизомига амал қилишни таъминлаш ҳисобланади. Шу сабабли, солиқ тўловчилар топширган ҳисоб-китоблар, ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар солиқ идоралари томонидан синчковлик билан текширилади.

АҚШ солиқ хизмати солиқ тўловчилар топширадиган солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг тўғри ва аниқлигини доимо назорат қилиб боришади. Текшириш лозим бўлган солиқ ҳисоботларини танлашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилади: солиқ тури, корхона ёки тадбиркорлик тури, солиққа тортиш ва молия нуқтаи-назаридан солиқ ҳисоботидаги баъзи бандларининг муҳимлиги. Текшириш лозим бўлган солиқ ҳисоботлари солиқ ҳисоботлари топширилган ҳудудда жойлашган танлаш марказларида ўрганилади ва танлаб олинади. Танлаш солиқ хизматининг компьютер марказида амалга оширилади. Солиқ текширувлари учун ҳисоботларни танлашнинг компьютер ДИФ тизими 1954 йилда амалга киритилган бўлиб, у орқали 154 миллион солиқ ҳисоботлари ва декларациялардан 2 миллиондан кўп бўлмаган қисми компьютерда ишлов бериш орқали танлаб олинади. Танлаш жараёни икки босқичда ташкил қилинади: 1. “Текшириш салоҳияти” белгиси бўйича солиқ ҳисоботидаги ҳажм ва унинг кодини кўриб чиқиш; 2. Солиқ хизмати ходимлари томонидан текшириш учун солиқ ҳисоботлари шаклларида қайси бирини танлаш босқичи. ДИФ тизими ҳар бир солиқ ҳисоботи шакли бўйича мураккаб формулалардан фойдаланган ҳолда “текширув рейтинги”ни аниқлайди.

Солиқ бошқармаси билан маслаҳатлашиб жойлардаги солиқ инспекциялари максимал рейтинг балларини аниқлайдилар. Белгиланган максимал рейтингдан юқори бўлган солиқ ҳисоботлари “қўл ёрдамида” баҳоланади. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботи маълумотларини сохталаштиришга йўл қўймаслик мақсадида фойдаланилаётган формулалар яширин сақланади. Балларни ҳисоблаш параметрлари (уларнинг миқдори 200 дан 250 гача тебранади) ҳам математик формулалардан фойдаланилган ҳолда баҳоланади. Танлаш жараёнининг иккинчи босқичида энг юқори балга эга бўлган солиқ ҳисоботлари СХ(солиқ хизмати)нинг маълумотларга ишлов бериш Марказига қайта баҳолаш учун берилади. Бу Марказнинг ходимлари барча берилган ҳисоботларни текшириш лозим ёки лозим эмаслигини аниқлаб беради.

ДИФ тизими бўйича танлаш мезони солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини бажариш таҳлили дастури (ТСМП) асосида аниқланади. ТСМП дастури асосида ўтказиладиган текширувлар оддий солиқ текширувларидан қуйидагилари билан фарқланади: 1. Жойларга чиқиб солиқ текширувини ўтказиш эркин танлов асосида танланади; 2. Текширув тўлиқ ҳажмда ўтказилади; 3. Солиқ тўловчининг барча фаолияти чуқур таҳлил қилинади; 4. Солиқ текширувидаги барча амаллар ёзиб борилади. Ҳозирги пайтда АҚШда солиқ ҳисоботларининг

кўпчилик қисми компьютерда фақат 25 фоиздан кўп бўлмаган қисми “қўлда” текшириш учун танланади. АҚШда солиқ ҳисоботини текширишнинг ўртача миқдори жуда паст ҳисобланади. 1991-1992 йилларда солиқ текширувига тушиш эҳтимоли бўлган жисмоний шахслар ўртача 0. 91 фоизни ташкил қилган бўлса, корхоналарники 1991 йилда 2. 36 фоиз, 1992 йилда 2. 98 фоизни ташкил қилган. Кейинчалик жисмоний шахслар учун бу кўрсаткич 1. 67 фоизни, юридик шахслар учун 2. 05 фоизни ташкил қилган. АҚШ солиқ бошқармаси томонидан солиқ текширувларини ўтказиш даврига нисбатан чекловлар ўрнатилган бўлиб, унинг мақсади солиққа тортиш бўйича қарздорликни солиқ ҳисоботини топширган кундан эътиборан юридик шахслар учун 27 ой, жисмоний шахслар учун 26 ой ичида тўлаш имкониятини яратиш ҳисобланади. Бу чекловлар солиқ товламачиликларига, халқаро солиқ текширувларига, 250 миллион активга эга корхоналарга ҳамда махсус назорат дастури асосида ўтказиладиган солиқ текширувларига тегишли бўлмайди⁵.

Буюк Британияда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ ҳисоботлари ва декларациялари жойлардаги солиқ идораларига келиб тушиши билан тезликда ишлов берилади ва қайси бири ишончсиз эканлиги ҳамда атрофлича ўрганилиши лозимлиги аниқланади. Дастлабки ишлов берилганидан кейин “ЕРА таснифлаш тизими” бўйича категорияларга ажратилади: “А” – ҳисобот қабул қилинганлигини билдиради. Баъзи бир ҳисоботларга “А+” категория берилади ва у ҳисоботнинг қабул қилинганлигини лекин майда камчиликлар мавжудлигини билдиради. “Р” – солиқ ҳисоботи текшириш лозим бўлганлигини билдиради. Кўпинча бу категория йирик солиқ тўловчи корхоналарга нисбатан қўлланиб, бухгалтерия ҳисобининг у ёки бу қоидаларининг қандай қўлланилганлигини текширади. “Е” - “қўшимча текшириш” белгисини билдириб, бу категория олган солиқ тўловчиларнинг ҳисобот маълумотлари ҳар томонлама ва мукамал текширишни талаб қилади. “Р” ва “Е” категорияга таснифланган солиқ тўловчиларнинг хужжатларини фарқлаш қийин бўлганлиги сабабли кўпинча, “Р” таснифланган солиқ тўловчи “Е” қайта таснифланиши мумкин. “Р” ва “Е” категорияга таснифланган солиқ ҳисоботлари тажрибали, кўп нарсани кўрган, билимли инспекторлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳисоботнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилган ҳолларда – солиқ ҳуқуқбузарлигини кўрадиган инспекцияга юборилади. “ЕРА таснифлаш тизими” бўйича солиқ декларацияларини дастлабки танлаш куйидаги мезонларга асосан амалга оширилади: бир оиланинг мулки ҳисобланган ёки бир киши томонидан бошқарилаётган корхоналар; катта реализация ҳажми ва фойда; ходимлари юқори иш ҳақига эга корхоналар; корхона раҳбар ходимлари мулкидаги қиммат баҳо уйлар; иш ҳақи бўйича юқори индексация ва х. к. Жорий солиқ текширувлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган йирик корхоналарда кам ҳоллардагина амалга оширилади. Аудиторлик фирмалари томонидан бериладиган ижобий аудиторлик хулосалари солиқ бўйича ҳуқуқбузарликнинг йўқлигини билдиради. Аудиторлик хулосалари шартли бўлса солиқ текшируви учун сигнал бўлиб хизмат қилади.

⁵ Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. – М.: Магистр, 2007. – 326 с.

Францияда солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш учун танлашда “солиқ риси” ва “фискал ҳажм” кўрсаткичлари асосий мезон ҳисобланади. Улар биргаликда молиявий рискини ташкил қилади. Солиқ текширувининг мақсадига эришиш учун солиқ инспектори доимо текширишни ўтказиш учун кетадиган харажатлар билан текширув натижасида олинadиган натижа ўртасидаги нисбатни сақлаши лозим. Текширув объектини танлашда солиқ тўловчининг базаси даражасидаги таҳлил рискинни ҳисобга олиш лозим.

- Германияда йирик корхоналар ҳисоботи ҳар йиллик текширув ва тўрт йилдан кўп бўлмаган вақтда бир марта аудиторлик текширувидан ўтишлари лозим. Агар корхона асосий кўрсаткичларида бир неча йил давомида нормадан четга чиқиш кузатилмаса, юридик шакли ўзгармаса бундай корхоналар ҳар йиллик текширувдан озод қилиниб, камерал текширув режимига ўтказилади. Германияда солиқ назорати бўйича корхоналар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: йирик корхоналар (доимий кузатиш ва текширув режимида бўлади); йирик корхоналар (камерал текширув режимига ўтказилганлар); ўрта ҳажмдаги корхоналар; кичик корхоналар; майда корхоналар(микрофирмалар). Корхоналарни у ёки бу гуруҳга олиб боришдаги энг асосий мезон реализация ҳажми ва фойда суммаси ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг ўрнатилган чегаралари хўжалик секторлари ва алоҳида тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда ҳар уч йилда қайта кўриб чиқилади ва чоп этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Адолат, 2009.
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни. Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Т.: Адолат, 2010
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси Т.: Адолат, 2010
5. Ўзбекистон Республикаси президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012-йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2011 йил 30 декабр ПҚ 1675-сонли қарори .
6. Каримов И.А.. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: 2011.
7. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг чоралари ва йўллари”, Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
11. Абдурахмонов О. Солиқ сиёсати: Дунё тажрибаси ва Ўзбекистон истиқболи // Бозор, пул ва кредит. 2009 - №05.
12. Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. М.: Баротов – пресс. 2009.
13. Бризгалин А.В. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика. 2008г.
14. Темур тузуклари. –Т.: Чўлпон, 2009. – 127 б.
15. Ҳайдаров Н. Молия. Т.: Академия, 2001. 72 б.
16. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2001. 432 б.
17. Налоги и налогообложение. 2-е изд. /Под. ред. М.В.

- Романовского, О.В. Врублевской –СПб.: Питер, 2009. – 544 с.
18. Налоги и налоговое право. /Под ред. А.В. Брызгалина. –М.: Аналитика-Пресс, 2008. – 608 с.
 19. Налоги в условиях экономической интеграции. / В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой.–М.: КНОРУС, 2010.–288 с.
 20. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. –М.: Фынансы и статистика, 2011. – 256 с.
 21. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. “Фан” нашриёти. 2004 й.
 22. Жўраев А.С.,Артиков Н.А. Солиқ ҳуқуқи.-Т.”Иқтисод-Молия”. 2010 й.
 23. Маликов Т.С. Солиқлар ва молия. –Т.: Академия, 2011. – 204 б.
 24. Мирзаев Т. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Меҳнат”, 2009 й.
 25. Мирзаев Т., С. Мухитдинов. - Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Ўқув қўлланма. Т.: ДСҚ Маслаҳат маркази.2008 й.
 26. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. /Монография.–Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.–127 б.
 27. Мешерякова О. Налогови системи развитих стран мира. М.: фонд «Правовая культура» 1998
 28. Медведов А. Оптимизация налогообложения в 2002 году. М.: МЦФЕР. 2002
 29. Морозова Ж. Как расчитат единый социальный налог. М. Бератов-Пресс,2001
 30. Предпринимательство: Учебник/под. Ред. М.Г.Лапусти, М.: Ирфра-М, 2002
 31. Райзберг Б.А. курс управления экономикой Спб:Питер. 2003
 32. Сборник нормативних документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. Т. 2010
 33. Халқ сўзи газетаси. 2007-2011 йил сонлари.

34. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали 2007-2011 йил сонлари.
35. Бозор, пул ва кредит журнали 2007-2011 йил сонлари.
36. Солиқ тўловчи журнали 2007-2011 йил сонлари.
37. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2008-2011 йил сонлари.
38. [ҳттип://www.налог.уз//](http://www.налог.уз//)
39. [ҳттип://www.мф.уз//](http://www.мф.уз//)
40. [ҳттип://www.сер.уз//](http://www.сер.уз//)

Солиқ ҳуқуқи асосларидан тест топшириқлари.

Савол	Савол №	Жавоб 1	Жавоб 2	Жавоб 3	Жавоб 4
Солиқ маслаҳатчиси.	1.	Малака сертификатини олган жисмоний ва юридик шахслар жисмоний шахс	Малака сертификатини олган йетакчи солиқ инспектори	Малака сертификатини олган юридик шахс	Малака сертификатига ега бўлган
Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли текширишга рухсат берувчи ваколатли органни кўрсатинг.	2.	Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди	Тегишли тартибда шакллантирилган назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди
Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган (ЎзР ЎРК-55-сон Қонуни)	3.	16.09.2008 й.	21.09.2006 й.	15.10. 2007 й.	15.10. 2009 й.
Солиқ текшируви турлари қайси бандда тўғри кўрсатилган	4.	Солиқ тўловчи-нинг молия- иқтисодий фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширила-ди	Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва муддатли текширув шаклида амалга оширила-	Солиқ тўловчи-нинг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширила-ди	Солиқ тўловчи-нинг хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади

			ди		
Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати қанча бўлиши керак	5.	Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати уч иш кунидан ошмасли-ги керак	Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак	Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати икки иш кунидан ошмаслиги керак	Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак
Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги принципларини кўрсатинг.	6.	Оддийлик ва холислик	Солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси	Тенглик, солиқ ставкаларини қиёслаш	Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш, ҳамма даромадларни солиққа тортиш
Корхона солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиши ҳақидаги қарори ёки далилланган рад жавоби давлат солиқ хизмати органи томонидан неча кун давомида чиқарилади?	7.	Ариза берган кундан бошлаб 5 кун мобайнида	Ариза берган кундан бошлаб 10 кун мобайнида	Ариза берган кундан бошлаб 1 ой мобайнида	Ариза берган кундан бошлаб 3 кун мобайнида
Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ноллик ставка қачон	8.	Товарларни чет ел валютасида	Стенография хизматларида	Аҳолига кўрсатилаётган	Маълумотларни ишлаш ва ахборот

қўлланилади?		экспортга реализация қилиш		бепул коммунал хизматларига	таълимотиغا доир хизматларига
Савдо корхоналарига қўлланиладиган солиқ ставкаларини табақаланишининг асосий мезонини кўрсатинг.	9.	Жойлашган жойига қараб	Ишчилар сонига қараб	Аҳоли сонига қараб	Устав капитали микдорига ва Ишчилар сонига қараб
Солиқ тўловчининг ҳуқуқи – бу.....	10.	солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш жараёнида имтиёз олишга ҳақлилигидир	солиқ тўловчиларнинг солиқ муносабатларида иштирок етиш имкониятларининг қонуний нормаларидир	солиқ тўловчиларнинг тўлаши лозим бўлган солиқларни солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб берилишидир	солиқ тўловчиларнинг ҳисобланган солиқларни бўнак тарзида тўлаши мумкинлигидир
Солиқ кодекси қандай муносабатларни тартибга солади.	11.	Солиқ кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий етиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ	Солиқ кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий етиш, ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.	Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.	Солиқ кодекси , солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

		муносабатларни тартибга солади.			
Солиқ тўғрисидаги ҳукукий ҳужжатлар қайси бандда тўғри келтирилган.	12.	Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнат кодексидан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.	Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ кодексидан иборат.	Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ кодексидан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.	Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.
Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжатлар қандай меъёрий қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.	13.	Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжатлар конституция қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.	Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжатлар меҳнат Кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.	Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжатлар инвестиция қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.	Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжатлар солиқ Кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.
Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳукукий ҳужжат қуйидаги ҳолларда солиқ Кодексига мувофиқ эмас деб топилади	14.	Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига ега бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳукукий ҳужжатларни қабул қилишнинг	Меҳнат Кодексига мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига ега бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳукукий ҳужжатларни	Солиқ Кодексига мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига ега бўлган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳукукий ҳужжатларни	Конституцияга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига ега бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳукукий ҳужжатларни

		белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса	қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса	қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилмаган ҳолда қабул қилинган бўлса	қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса
Солиқ солиш қайси пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.	15.	Солиқ солиш солиққа тортиш мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.	Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.	Солиқ солиш мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.	Солиқ солиш ҳуқуқий мажбуриятлар юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қачон амалга киритилади.	16.	Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий ёлон қилинган пайтдан ёътиборан камида беш ой ўтгач, амалга киритилади.	Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий ёлон қилинган пайтдан ёътиборан камида	Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий ёлон қилинган пайтдан ёътиборан камида	Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий ёлон қилинган пайтдан ёътиборан камида

			икки ой ўтгач, амалга киритилади.	уч ой ўтгач, амалга киритилади.	бир ой ўтгач, амалга киритилади.
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қайси муддатда амалга киритилади.	17.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий ёшон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан еътиборан амалга киритилади.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий ёшон қилинган ойдан кейинги ойнинг охири чорагидан еътиборан амалга киритилади.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий ёшон қилинган ойдан кейинги ойнинг иккинчи чорагидан еътиборан амалга киритилади	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий ёшон қилинган ойдан уч ой ўтгач амалга киритилади
Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса қачон кучга киради.	18.	Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган	Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган	Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган	Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат

		бўлса, улар расмий ёшон қилинган кундан ётиборан бир ой ўтгач, кучга киради.	бўлса, улар расмий ёшон қилинган кундан ётиборан уч ой ўтгач, кучга киради.	бўлса, улар расмий ёшон қилинган кундан ётиборан олти ой ўтгач, кучга киради.	кўрсатилмаган бўлса, улар расмий ёшон қилинган кундан ётиборан ўн кун ўтгач, кучга киради.
Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари қандай принципларга зид бўлиши мумкин емас.	19.	Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари солиққа тортишда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин емас.	Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари солиқ Кодексида белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин емас.	Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари ҳуқуқда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин емас.	Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари ҳуқуқий белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин емас.
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши кераклиги солиқ кодексининг қайси моддасида келтирилган	20.	8-моддада	7-моддада	17-моддада	12-моддада
Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар декларация бўйича ҳисобланган даромад солиғини қайси санагача тўлашлари лозим.	21.	1 апрел	Ҳар йили 1 августгача	1 июл	1 сентябр
Солиқ тўловчиларнинг объектив ҳуқуқлари деганда нимани тушунасиш?	22.	солиқ тўловчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари	солиқ тўловчиларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи	солиқ тўловчининг солиқ муносабатларига оид қонун нормаларида белгиланган	давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ

				хуқуқлари	хизмати тўғрисида»ги Қонунда белгиланган хуқуқий мажбуриятларини нг ҳосиласи шаклида вужудга келадиган солиқ тўловчиларнинг хуқуқлари
Солиқ маслаҳати тоғрисидаги қонуннинг 4-моддаси қайси бандда акс етган	23.	Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллиги ҳамда одил муносабатларга асосланади	Унга кўра солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва ошкоралик принципларига асосланади	Солиқ маслаҳатида томонлар манфаати ва қонун устуворлиги мустақиллик ва махфийлик принципларига асосланади	Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва махфийлик принципларига асосланади
Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака сертификати қандай муддатга берилади	24.	Малака сертификати 2 йил муддатга берилади	Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади	Малака сертификати 4 йил муддатга берилади	Малака сертификати 3 йил муддатга берилади
Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолатда солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўймасликка ҳақли емас	25.	тегишли ҳужжатлар топширилган ёки белгиланган тартиб- да расмийлаштирилган бўлса	солиқ текширувини ўтказишнинг буйруқда кўрсатилган муддатлари бошланмаган ёки ўтиб кетган бўлса	текширувчи мансабдор шахс текширувларни қайд етиш дафтарини тўлдиришдан бош торца	Тўғри жавоб йўқ

Солиқларнинг қандай ўзига хос белгилари мавжуд?	26.	Мажбурийлик, фойзлилик, муддатлилик	Мажбурийлик, давлат бюджетига тушиши, қатъийлик, фойзлилик, эквиваленцизлик	Мажбурийлиги, қайтарилмаслиги	Давлат бюджетига тушиши ва фойзлилик
Солиқ тўловчиларнинг субъектив ҳуқуқлари деганда нимани тушунаси?	27.	солиқ тўловчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари	солиқ тўловчиларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи	солиқ тўловчининг солиқ муносабатларига оид қонун нормаларида белгиланган ҳуқуқлари	давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларининг ҳосиласи шаклида вужудга келадиган солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари
Қайси жавобда солиқ элементлари келтирилган?	28.	Солиқ турлари	Солиқ агенти, солиқ тўловчи ва солиқ солиш объекти	Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим етиш тартиби, тўлаш тартиби	Солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар бу	29.	Зиммасига солиқлар, йиғимлар ва божлар тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслардир.	Солиқ тўлаш ҳуқуқига эга шахслардир	Давлат бюджети даромадларини шакллантирувчи шахслардир	Тўғри жавоб берилмаган
Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги принципларини кўрсатинг.	30.	Фоизлилик, мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги	Солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси	Тенглик, солиқ ставкаларини қиёслаш	Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш, ҳамма даромадларни солиққа тортиш
Солиқ муносабатларининг субъектлари қайси бандда келтирилган?	31.	Солиқ тўловчилар солиқ муносабатларининг субъектларидир	Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.	Солиқ тўловчиларнинг ваколатли органлари солиқ муносабатларининг субъектларидир.	Ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.
Юридик ва жисмоний шахслар таърифи солиқ кодексининг қайси моддасида келтирилган?	32.	19-модда	31-модда	16-модда	21-модда
Нотижорат ташкилотлари деган тушунча солиқ кодексининг қайси моддасида кўрсатилган?	33.	11-модда	26-модда	24-модда	17-модда
Солиқ кодексида «Доимий муассаса» тушунчаси ташкилий-	34.	фақат солиқ соҳасидаги мақомни	фақат солиқ соҳасидаги	ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга	бошқарув ва ташкилий-ҳуқуқий

хукукий аҳамиятга ега эмас.		аниқлаш учун қўлланилади	мақомни аниқлаш учун қўлланилмайди		аҳамиятга ега
Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри бу...	35.	солиқ тўловчилар ва ундирувчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими	солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими	солиқ ундирувчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими	солиқларга оид давлат маълумотлар базаси тизими
Солиқ кодексига асосан яқин қариндошлар кимлар ҳисобланади	36.	ер, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар	ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар	ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллар.	ер, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллар.
хужжат билан тасдиқланган харажатлар....	37.	операция санасини ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар	операция суммасини ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар	операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар	операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар
